

# 2 - босқич



"Олган таълимотингизга мувофиқ,  
Масихда томир ёйиб, қарор топинг.  
Имонингизда қаттиқ туринг, Худога  
шукроналар тилингиздан  
тушмасин."  
Колосаликларга 2:7

**ЖАМОАТ АЪЗОЛАРИ УЧУН  
ОММАБОП ЎҚУВ ДАСТУРИ**

# Мундарижа

<b>МАТЕРИАЛНИ ЎРГАНИШ КUNДАЛИГИ.....</b>	<b>5</b>
<b>1 – МАШҒУЛОТ</b>	
Биринчи босқич мақсадларининг шарҳи.....	7
Муқаддас Китобни ёд олишга доир ўғитлар – биринчи ҳафта.....	8
Ушбу босқичда Муқаддас Китобни ёдлашнинг мавзуй тизими.....	11
Муқаддас Китобни ёд олиш тамойиллари.....	12
<b>2 – МАШҒУЛОТ</b>	
Муқаддас Китобни ёд олишга доир ўғитлар – иккинчи ҳафта.....	14
Муқаддас Китобни ёд олиш тамойилларини текшириш.....	16
<b>3 – МАШҒУЛОТ</b>	
Муқаддас Китобни ёд олишга доир ўғитлар – учинчи ҳафта.....	17
<b>4 – МАШҒУЛОТ</b>	
Муқаддас Китобни ёд олишга доир ўғитлар – тўртинчи ҳафта.....	19
Етакчи учун режа. "Худонинг каломи сизнинг ҳаётингизда" мавзуида саволлар.....	20
<b>5 – МАШҒУЛОТ</b>	
Муқаддас Китобни ёд олишга доир ўғитлар – бешинчи ҳафта.....	21
Ўз-ўзини текшириш.....	22
Етакчи учун режа. "Худо билан суҳбат" мавзуида саволлар.....	24
<b>6 – МАШҒУЛОТ</b>	
Муқаддас Китобни ёд олишга доир ўғитлар – олтинчи ҳафта.....	26
Етакчи учун режа. "Масиҳийлар билан мулоқот" мавзуида саволлар.....	27
Муқаддас Китобни ўрганиш гуруҳини олиб бориш учун	
тўрт таъсирчан усул.....	28
Тушунча учун берилган саволлар баёни.....	29
<b>7 – МАШҒУЛОТ</b>	
Муқаддас Китобни ёд олишга доир ўғитлар – еттинчи ҳафта.....	31
Етакчи учун режа. "Исо тўғрисида гувоҳлик" мавзуида саволлар.....	32
Худо сари йўлингиз тўғрисида ҳикоя қила олиш нега керак?.....	33
Худо сари йўл тўғрисида ҳикояни тайёрлаш: умумий мулоҳазалар.....	34
"Бир бош узум" сурати.....	35
Худо сари йўлингиз тўғрисида ҳикояни тайёрлашга ёрдам.....	36
Худо сари йўлингиз тўғрисида ҳикоя қилишнинг икки усули.....	40

## **8 – МАШҒУЛОТ**

Муқаддас Китобни ёд олишга доир ўғитлар – саккизинчи ҳафта .....	42
Худо сари йўл тўғрисида ҳикояни тайёрлашда йўл қўйиладиган типик хатолар .....	43
Худо сари йўл тўғрисида ҳикоянинг қораламаси .....	43

## **9 – МАШҒУЛОТ**

Муқаддас Китобни ёд олишга доир ўғитлар – тўққизинчи ҳафта .....	45
--	----

## **10 – МАШҒУЛОТ**

Муқаддас Китобни ёд олишга доир ўғитлар – ўнинчи ҳафта .....	47
Роберт Бойд Мунгер, "Менинг қалбим – Масихнинг уйи" .....	48
"Менинг қалбим – Масихнинг уйи" мақоласининг муҳокамаси .....	54

## **11 – МАШҒУЛОТ**

Лорн С. Сэнни "Кунни ибодатда ўтказиш" .....	57
Ибодат куни нима учун керак? .....	63
Кунни уч қисмга бўлинг .....	64
Қандай қилиб бедорлик ва тайёрликда бўлиш .....	64
Хавотирлар рўйхатини қандай тузиш лозим .....	65
Ибодат куни нималар зарур .....	65
Намуна: пешин пайтидаги ибодат чоғида қайдларни ёзиш .....	66

## **12 – МАШҒУЛОТ** .....

<b>"РУҲ МУЖАССАМ МАСИҲИЙ",</b> Шогирдлик босқичлари, 2-Босқич .....	68
Итоаткор масиҳий .....	70
Худонинг Қаломи сизнинг ҳаётингизда .....	78
Худо билан суҳбат .....	86
Масиҳийлар билан мулоқот .....	94
Масих тўғрисида гувоҳлик .....	101

## **МУҚАДДАС КИТОБНИ ЎҚИШДА ЁЗУВЛАР КУНДАЛИГИ** .....



# Материални ўрганиш кундалиги

Мазкур босқич топшириқларини қандай уддалаб боришингизни текшириб туришни ўртоқларингиздан илтимос қилинг. Улар ҳар бир бўлимда ўз исмини ва текшириш санасини ёзсинлар.

## Ўрганиш учун оятлар

<b>Янги ҳаёт ила яшанг</b> , Муқаддас Китобни ёдлашнинг мавзуй тизими (ТСЗ), А1-12 оятлар		
	<b>Сана</b>	<b>Исм</b>
"Масих марказда" – 2-Коринфликларга 5:17		
" Масих марказда" – Галатияликларга 2:20		
" Масихга итоат" – Римликларга 12:1		
" Масихга итоат" – Юҳанно 14:21		
"Худонинг каломи" – 2–Тимўтийга 3:16		
"Худонинг каломи" – Ёшуа 1:8		
"Ибодат" – Юҳанно 15:7		
" Ибодат" – Филиппиликларга 4:6-7		
"Мулоқот" – Матто 18:20		
"Мулоқот" – Ибронийларга 10:24-25		
"Гувоҳлик" – Матто 4:19		
"Гувоҳлик" – Римликларга 1:16		
« <b>Янги ҳаёт ила яшанг</b> » мавзусидаги барча оятлар, А 1-12 қисм		
<b>"Масих билан бошлаш"</b> мавзусидаги барча оятлар,		
<b>"Масих билан бошлаш"</b> мавзусидаги оятларни 14 кун давомида такрорлаш		
Муқаддас Китобни ёд олиш тамойиллари бўйича билимларни текширишни якунлаш, 16-бет		
Ўз-ўзини текширишни якунлаш, 22-23 бетлар		

<b>ХУДО БИЛАН ЁЛГИЗЛИК ВАҚТИ</b>	<b>Сана</b>	<b>Исм</b>
14 кун мобайнида Муқаддас Китобни ўқиш ёзувлари кундалигини юритиш		

### **ГУВОҲЛИК**

Худо сари йўл тўғрисида ҳикоя (узоғи билан 4 минут, ўқиб бериш мумкин)		
---	--	--

### **МУҚАДДАС КИТОБНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА ҚЎЛЛАНМА**

Рух мужассам масиҳий (*Шогирдлик босқичлари, 2-босқич*)

1-боб – "Итоаткор масиҳий"		
2-боб – "Худонинг Каломи сизнинг ҳаётингизда "		
3-боб – "Худо билан суҳбат"		
4-боб – "Масиҳийлар билан мулоқот"		
5-боб – "Исо тўғрисида гувоҳлик"		

### **МАҚОЛАЛАРНИ ЎРГАНИШ**

"Менинг қалбим – Исонинг уйи"		
"Кунни ибодатда ўтказиш"		

### **ГУРУҲ БИЛАН МАШҚ**

Ярим кунни ибодатда ўтказиш		
-----------------------------	--	--

### **ТУРЛИ ИШЛАР**

55-56 бетларни тўлдириш		
-------------------------	--	--

### **ГУРУҲ РАҲБАРИНИНГ ТЕКШИРУВИ**

Иккинчи босқични муваффақиятли яқунлаш		
--	--	--

# 1-машғулот

## МАШҒУЛОТ ТАРТИБИ:

1. Биринчи босқич мақсадлари билан танишинг.
2. Материални ўрганиш кундалиги билан танишинг (5-6-бетлар).
3. *Муқаддас Китобни ёд олишга доир ўғитлар* – биринчи ҳафтани ўқиб чиқинг (8-11 бетлар).
4. Ушбу босқичнинг Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича қўлланмасидаги "Рух мужассам масиҳий" (68-77 бетлар) бўлимини очинг. Мазкур бўлимнинг кириш қисмини ўқиб чиқинг (68-69 бетлар).
5. *"Муқаддас Китобни ёд олиш тамойиллари"* бўлимини ўқиб чиқинг ва муҳокама қилинг (11-12 бетлар).
6. *2-машғулотга топшириқни* ўқиб чиқинг (12 бет).
7. Машғулотни ибодат билан якунланг..

## ***Биринчи босқич мақсадларининг шарҳи***

Биринчи босқич мақсадларига қуйидагилар кирган эди:

1. Мутолаа мобайнида қайдлар қилиб, Муқаддас Китобни самарали ўқишни ўрганиш.
2. *"Масиҳ билан бошлаш"* мавзусида Муқаддас Китобдаги 5 та асосий оятни мустаҳкам ёд олиш.
3. Худо билан ёлғизлик вақтини доимий ва унумли қилиш:
  - а) Муқаддас Китобни ўқишни ва ибодатни уйғун бирлаштириш;
  - б) мазкур босқич давомида кетма-кет 14 та Худо билан ёлғизлик даврини ўтказиш;
  - в) ҳар куни «Муқаддас Китобни ўқишда ёзувлар кундалиги»ни тўлдирганда Худо билан ёлғизлик пайтида сизда пайдо бўладиган фикрларни киритиб бориш.
4. *"Сенинг Масиҳдаги ҳаётинг"* бўлимини ўрганиш (***Шогирдлик босқичлари***, 1-босқич) ва уни гуруҳдаги муҳокамасида иштирок этиш.
5. «Шошилиш ишлар юки остида» мақоласини ўрганиш ва муҳокама қилиш.
6. *"Ғилдирак"* тасвири билан танишиш.
7. Муқаддас Китоб оятлари ёд олиниши лозим бўлган сабабларни чуқур таҳлил қилиш ва оятларни ёдлашга нималар тўсқинлик қилаётганини аниқлаш.

# **Муқаддас Китобни ёдлашга доир ўғитлар – биринчи ҳафта**

«Муқаддас Китобни ёдлашнинг мавзуйи тизими»дан

## **Сиз Муқаддас Китоб оятларини ёдлашга қодирсиз!**

*Сиз яхши хотирага эгасиз.* Ундай эмас деб ўйлайсизми? Қани бўлмаса, уйингизнинг манзили ва телефон рақамингизни айтингчи. Шундай. Ишингизда сизга зарур нарсаларни ёддан биласизми? Хотиранингизда сақлаб келаётганингиз қариндош-уруғларингиз ва танишларингизни исмлари хусусида нима дейсиз? Ёхуд сеvimли машғулотиингиз ёки сиз санаб беришингиз мумкин спорт тури тўғрисидаги рақам ва фактларчи? Кўряпсизми, хотиранингиз чиндан ҳам ёмон эмас. Ишонинг, нимаики сизни ҳақиқатдан қизиқтирса ёки тез-тез фойдалансангиз, уни эслаб қолишга қийналмайсиз.

*Барчаси муносабатингизга боғлиқ.* Яхши хотира иқтидор эмас. Бу – маҳорат, санъатдир ва ҳар қандай маҳорат ва санъат каби уни ривожлантирса бўлади. Барчаси сизнинг муносабатингизга боғлиқ. Муқаддас Китобни ёд олишга қодир эканлигингизга ишонсангиз, ёдлаш қобилиятингиз яхшилана бораверади.

*Худонинг ёрдамига умид боғланг.* Бу қўшимча кўмақдир: Муқаддас Китоб оятларини ёд олишга ҳаракат қилиб, сиз Худонинг ёрдамига умид қилишингиз мумкин, чунки У Ўзининг Каломи болаларининг қалбларида муҳрланиб қолишини истайди. «Бугун Мен сенга васият қиладиган бу сўзлар қалбингда ўрнашгай» (Қонунни қайтариш 6:6); «Масихнинг Каломи сизда чуқур ўрнашиб, яшнаверсин...» (Колосаликларга 3:16).

Павлуснинг сўзларида ҳам худди шу ажойиб фикр мужассамдир: «Мени қўллаб-қувватлаётган Исо Масихнинг мадади билан ҳар нарсани қила оламан» (Филиппиликларга 4:13). Демак, Худонинг каломини эслаб қолишга ишончингиз комил бўлсин, шунда У сизларга Ўзи ёрдам беради. Худонинг Каломида мавжуд хазиначиларни ўзлаштириш, балки ҳаётингиздаги энг буюк маънавий жасоратлардан бири бўлиб қолар.

## **Муқаддас Китобни ёд олишнинг фойдаси**

Масих тўғрисида бошқалар билан гаплашаётганингизда бу *сизга ишонч бағишлайди.* Шундай бир ҳиссиёт сизга таниш бўлса керак: дўстингиз билан Исо Масих тўғрисида жуда ҳам суҳбатлашгингиз келади, аммо тилингиз калимага келмай, нимадан бошлашни билмайсиз. Бугун кўпчилик, Муқаддас Китобдаги у ёки бу оятларни ёддан айтиб бера олиш қобилияти тортинчоқликни енгишга ва ўз имонингиз тўғрисида ҳикоя қилишнинг таъсирчан режасини ишлаб чиқишга ёрдам беради, деган хулосага келмоқда. Бошқаларни ҳам Халоскорнинг хузурига келтириб Худога хизмат қилишлари мумкинлигидан улар қувонадилар. *Муқаддас Китоб оятларини ёд олиши Масихга кафолатли гувоҳ бўлишингизга кўмақ беради.*

*Бу сизга хавотирни енгишга ёрдам беради.* Ўтмиш хатолари ёки келажакка ишончсизлик кўпчилик имон келтирганларга тинчлик бермайди. Хавотирларга тўла ҳаёт маънан камбағалдир. *Қалбларингизда ўрнашган Худонинг Каломи хавотирларни енгишга ҳам ёрдам беради.* Юрагингизни Худонинг Каломи билан тўлдириб, доимий равишда фикр-ўйларингизни унда жамлаб, сиз Худо ато этаётган мукамал тинчликдан лаззатланишингиз мумкин.

*Бу сизга гуноҳ устидан галаба қозонишга ёрдам беради.* Ҳаётингизда неча бор у ёки бу гуноҳ ишлар билан курашиб, чин дилдан уни енгишга ҳаракат қилганингизни, аммо мағлубиятга учраганингизни бир эсланг! Кўп бора сиз ҳатто таслим бўлишга ҳам тайёр эдингиз, чунки гуноҳни енгиш сизга худди етиб бўлмас орзудек туюла бошлаган. Довуд бундай деб ёзганди: «Сенга қарши гуноҳ қилмаслик учун, Каломингни юрагимда



сақлайман» (Забур 118:11). Қалбингизда яширинган Худонинг Каломи – гуноҳ ва иблисга қарши муваффақият билан кураша оладиган рухий шамширдир. *Муқаддас Китоб оятларини ёд билиш гуноҳ билан кундалик курашда ёрдам беришини минглаб масиҳийлар англаб етдилар. Сиз ҳам бунга ишонч ҳосил қилишингиз мумкин.*

### **Қалб озиғи.**

Муқаддас Китобдан оятларни ёдлаш – бу ўзига хос шифодир. У сизга кундалик муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради. Бунинг устига, у қалбингизни озиклантиради ва руҳан бўшашмасликка ёрдам беради. Худди овқатланиш хусусияти ва тартиби жисмоний соғлигингизга таъсир этганидек, руҳан соғлигингиз ҳам кўп жиҳатдан Худонинг Каломидан мунтазам озикланишга одат қилганингизга боғлиқ. Ҳаворий Бутрус бундай деб ёзган: «Янги туғилган чақалоқ соф она сутини тусагандай, Худо Каломини орзу қилинглари, токи у Калом билан озикланиб, ўсиб бориб, нажотга эришинглари» (1-Бутрус 2:2).

Муқаддас Китобдан оятларни ёд олиб, сиз қалбингиз ғазналарини тўлдирасиз. Бу эса ўтаётган паллада ҳам, келажакда ҳам сизга ёрдам беради.

### **Нима сабабдан Муқаддас Китобни ёд олмоқчисиз?**

Муқаддас Китоб оятларини ёд олишдан *сиз* нималарни кутмоқдасиз? Муваффақиятингиз буни шахсан сиз учун зарур эканлигини англаб етишингизга боғлиқ. Ёд олишнинг фойдалари тўғрисида тўртта тезисни яна бир қарра қараб чиқинг ва ўзингиз учун энг муҳимини танлаб олинг. Мазкур тезисларни қуйидаги бўш қаторларда остига чизинг ёки санаб ўтинг ва зарурат туғилса уларга мурожаат қилинг. Балки, сизда бу ерда эслаб ўтилмаган бошқа сабаблар ҳам бордир. Уларни ҳам кўрсатинг. *Ёдлашнинг мавзуй тизими*га таяниб оятларни ёд олинг. Бу эса Тангри олдингизга қўйган мақсадларга етишингизга кўмак беради.

---

---

---

---

### **Ёдлашнинг мавзуй тизими (ЁМТ)**

Ушбу тизим қуйидаги мақсадларга эришиш учун сизга кўмак беришга мўлжалланган:

- а. Муқаддас Китоб оятларини қандай қилиб осонроқ ёд олиш.
- б. Уларни ўз ҳаётингизда қандай қўллаш.
- в. Зарур пайт хотирага тушириш имкони бўлиши учун оятларни қандай такрорлаш керак.
- г. Мазкур босқични яқунлаганингиздан кейин Муқаддас Китоб оятларини ёд олишни қай тариқа давом эттириш.

ЁМТ ҳар бирида 12 тадан оят бўлган уч туркумдан иборат. 2:7 қўлланмасида сиз уларни 2 ва 3 босқичларни ўтишда ёд оласиз:

2- *босқич* – «Янги ҳаёт ила яшанг»,

А-туркуми.

3- *босқич* – «Масиҳ тўғрисида хушxabар беринг»,

Б-туркуми.

4- *босқич* – «Худонинг бойликларига таянинг», В-туркуми.

5- *босқич* – «Масиҳнинг шогирди бўлинг»,

Г-туркуми.

6- *босқич* – «Масиҳга монанд бўлинг»,

Д-туркуми.

### *Ўз-ўзини текшириш*

Мазкур босқич бўйича бешинчи машғулотда сиз ўз-ўзингизни текширишингиз лозим бўлади (22-23 бетлар); ундан мақсад – тақлиф этилаётган Муқаддас Китобни ёдлашга доир ўғитларни сиз қай даражада яхши ўзлаштирганингизни тушунишга ёрдам беришдир.

### *Нега мавзулар бўйича ўрганиш лозим?*

ЁМТга мувофиқ, сиз Муқаддас Китоб оятларини мавзулар бўйича ёд оласиз: ҳар бир мавзуда иккитадан оят. Ёд олинган оятларнинг мавзуларини билишингиз лозимлигининг иккита сабаби бор:

1. Мазмунни билиш оятнинг мазмунини яхшироқ англаб етишга ёрдам беради, демакки, уни ёдлашни осонлаштиради.
2. Мавзу гўёки хотирангиздаги бир илгак бўлиб, унинг ёрдамида сиз у ёки бу оятни эсга олишингизга имкон беради. Сиз кишиларга Масих тўғрисида ҳикоя қилганингизда, маслаҳат берганингизда, Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича машғулот ўтказганингизда ёки суҳбатга тайёрланганингизда бу ёрдам бебаҳодир. Оятларни ёдлашга мавзуй ёндошув мақсадингизни аниқ кўрсатувчи истиқболни намоён қилади. Ниманики ёдламасангиз, ҳар доим дастлаб манзарани тасаввур қилиш фойдалидир. Уни тасаввур қила олсангиз, сиз мавзулардан ёдлаш жараёнида оятларни «иладиган илгаклар» сифатида фойдаланишингиз мумкин.

Шундай қилиб, 11-саҳифадаги мавзуй режа билан танишинг ва *оятларни ёд олиш жараёнида мавзуларни ёд олинг.*

### *Ҳаволаларни ёдланг*

Ҳаволаларни ёд олиш ҳар қандай зарур пайтда шахсан ўзингиз учун ҳам, бошқа кишилар билан суҳбатлашганда ҳам Муқаддас Китобдан оятларни тезда топиб олишга ёрдам беради. Шу сабабли ҳаволаларни гўёки оятларнинг бир қисми сифатида ёд олиш муҳимдир.

Ҳаволаларни ёд олишнинг энг ишончли усули – ёд олишда оятдан аввал ва кейин овоз чиқариб такрорлашдир. Бу хотирангизда ҳаволани оят билан боғлайди, оқибатда ҳаволани кўрган ёки эшитган пайтингизда оятни эслайсиз ва аксинча, оятнинг сўзлари унинг қаердан олинганини ёдингизга солади. (Табиийки, ушбу «аввал» ва «кейин» такрорлаш қонидаси факат Муқаддас Китобни ёдлаш жараёнига тааллуқли бўлиб, уни кишилар билан суҳбатлашаётганда қўлланмайди). Оятни ёд олишда ва такрорлашда *қонидани эслаб қолинг: аввал мавзунини, кейин ҳаволани, сўнг оятни ва яна охирида ҳаволани айтиш лозим.*

### *Энг унумли ёд олиш усули қайси?*

Қачонки хотирангизни жам қилиб, чалғимасдан ишлаш имкони бўлганда ёд олиш жараёнини бошлаган маъқул. Кун давомида икки фурсат ёдлаш учун энг мақбул ҳисобланади: уйқуга ётишдан аввал, - чунки ўзлаштирилган нарса уйқу пайтида камроқ унутилади; ва энди уйқудан турган пайтингиз тонгда, - сабаби, куннинг бу вақтида онгимиз янги таассуротлар учун энг очиқ пайт бўлади.

Кўпчилик кишилар ўзларининг тонгги Худо билан ёлғиз қолиш вақтининг бир қисмини Муқаддас Китоб оятларини ёдлаш учун махсус ажратадилар, чунки айнан уйқудан сўнг ўзларини руҳан соф сезганлари учун ёд олиш жараёни уларда тезроқ кечади. Бошқалар эса тушки хордиқ ёки кечки овқатдан олдин бир неча дақиқани ўзига фойдали тарзда ажратадилар. Кун мобайнида биз ниманидир кутаётганимизда, кўчада кетаётганимизда ёки рулда ўтирганимизда пайдо бўладиган бўш дақиқаларда Муқаддас Китоб оятлари устида фикр юритиш ва уларни хотирада яна бир бор такрорлаш ажойиб одатдир.

Ҳар биримиз бу имкониятларнинг барчасини синаб кўришимиз ва ўзимиз учун энг мақбул усулда тўхташимиз лозим.

*Оятларни ёд олишда шошилиш шартми?*

Сифат сондан муҳимдир. Ёдлашнинг мавзуй тизими бўйича ишлашда асосий мақсадингиз – руҳоний ҳаёт ва меҳнат учун Худонинг Каломидан пойдевор қўйишдир, шу сабабдан шошилмаслик зарур.

Ҳафталик оятлар сони. Бир ҳафтада сиз иккита оят ёдларсиз, кейингисида, балки битта оят ёдларсиз. Доимо ҳар бир оятнинг Муқаддас Китобдаги мазмунига эътибор қаратинг. Мазкур оятни ўз ичига олган парча устида фикр юритиш учун вақт ажратинг.

Бир маромни ушланг. Агар сизда белгиланган ёки мўлжалланганидан ортиқ бирон нарса қилиш учун вақтингиз ва хоҳишингиз бўлса, буни амалга оширинг. Шунга қарамасдан, сизнинг тиришиб, пухта ишлашингиз жуда муҳимдир. Ёд олиш кўникмаларини аввал бошдан ривожлантиринг: бу сизга муваффақиятга эришишга ёрдам беради.

*Муқаддас Китоб оятларини нега айнан ёдлаш керак?*

Муқаддас Китобни ёдлаганингизда ёки ундаги матндан кўчирма келтирганингизда доимо аниқ талаффуз қилинг. Бошлашдан аввал барчасини яхши тушунганингизга ва тўғри эслаб қолаётганингизга ишонч ҳосил қилинг. Бир марта ёд олинган хатодан кейин халос бўлиш қийин. Тегишли тарзда ёд олинган нарсаларни эслаш ва уларга муурожаат қилиш доим осон кечади.

Муқаддас Китобни сўзма-сўз ёд олишни одат қилсангиз, бу сизга:

а) парчани миянгизда аниқ эслаб қолишга;

б) уни осонлик билан такрорлашга;

в) керакли оятларни ўзингизга ишонч билан такрорлашга имкон беради.

Қилинадиган ҳар бир ишни яхшилаб бажариш зарур.

## ***Шу босқичда Муқаддас Китобни ёд олишнинг мавзуй тизими***

*Бутун Ёдлашнинг мавзуй тизими 60 та оятдан иборат бўлиб, улар 5 туркумга бирлаштирилган: А. «Янги ҳаёт ила яшанг»; Б. «Масих тўғрисида хушхабар беринг»; В. «Худонинг бойликларига таянинг»; Г. «Масихнинг шогирди бўлинг»; Д. «Масихга монанд бўлинг».*

Ҳар бир туркумга олгита мавзу, ҳар мавзуга эса иккитадан оят киради. Ҳар бир мавзу масиҳий ҳаётнинг муҳим бир соҳасига тааллуқлидир.

Иккинчи босқични ўтиш жараёнида сиз А туркумидан 12 та оятни ёд олишингиз лозим бўлади:

### ***А. Янги ҳаёт ила яшанг***

Масих марказда	2 Коринфликларга 5:17	Галатияликларга 2:20
Масихга итоат	Римликларга 12:1	Юҳанно 14:21
Худонинг Каломи	2 Тимўтийга 3:16	Ёшуа 1:8
Ибодат	Юҳанно 15:7	Филиппиликларга 4:6-7
Мулоқот	Матто 18:20	Ибронийларга 10:24-25
Гувоҳлик	Матто 4:19	Римликларга 1:16

## ***Муқаддас Китобни ёд олиш тамойиллари***

### **ОЯТНИ ЁДЛАШГА КИРИШИБ:**

1. *Муқаддас Китобни ёдлашга доир ўғитларни* ҳар ҳафта такрорлаб ўқинг.
2. Шу оятни ўз ичига олган Муқаддас Китобда парчани тўлиғича ўқинг. Бу сизга оятнинг мазмунини тушуниб етишга ёрдам беради.
3. Ҳар бир оятни аниқ-равшан тушуниб етишга эришинг.
4. Оятни бир неча бор фикрлаб, овоз чиқариб ёки шивирлаб қайта ўқинг. Бу сизга унинг маъно-моҳиятини яхлитлиғича англаб олишга ёрдам беради. Ўқиганингизда ҳар сафар мавзунини, сўнг ҳаволани айтинг, кейин оятни талаффуз қилиб, яна ҳаволасини қайтаринг.
5. Худога ибодатда мурожаат қилганингизда бу оят тўғрисида суҳбат қуриш ва Муқаддас Китобни ёд олишда Ундан ёрдам сўранг.

### **ОЯТ УСТИДА ИШЛАШ:**

6. Оятни имкон қадар *овоз* чиқариб кўпроқ такрорланг.
7. Дастилаб мавзу ва ҳаволани ёд олинг.
8. Кейингисига ўтишдан аввал ҳар бир иборани муфассал ёд олиб, оятни ибораман-иборам ёдлашни давом этинг.
9. Сизни ҳеч бир нима чалғитмайдиган *вақтни* танланг.
10. Оятни ёд олганда ёки такрорлаганда, уни ҳаётингизда ва кундалик вазиятларда *қандай қўллаш мумкинлиги* тўғрисида ўйлаб кўринг.
11. Оятга унинг *мавзусини ва ҳаволасини* ҳам киритишни унутманг.
12. Сўнгги тадқиқотлар шундан далolat бермоқдаки, ёд олиш жараёни инсон ётган ҳолатида энг муваффақиятли кечилишини, ўтирган ҳолатида сал пастроқ ва турган пайтида эса жуда ёмон кечади.

### **МАВЗУ, ҲАВОЛА ВА ОЯТНИ ТЎҒРИ АЙТИБ БЕРОЛГАНИНГИЗДАН СЎНГ**

13. Оятни *кўчириб ёзиш* фойдалидир. Бу уни чуқурроқ ёд олишга кўмаклашади.
14. Кейинги бир неча кун мобайнида доимо мазкур оятга қайтиб, такрорланг. Бу чуқур ёд олишга ҳал этувчи тарзда таъсир этади.

Оятга ЯНА ВА ЯНА қайтиб, такрорланг. *Такрорлаш* – оятни хотирада доимий муҳрлаб қолиш ва уни аниқ айтиб бериш қобилиятини мустаҳкамлашнинг энг яхши усулдир.

## 2-МАШҒУЛОТГА ТОПШИРИҚ:

1. **Муқаддас қитобни ёдлаш:** "Иккинчи ҳафта"ни ишлаб чиқинг (14-15 бетлар). «Масих марказда» мавзусида иккита оятни ёд олинг. (2-Коринфликларга 5:17 ва Галатияликларга 2:20). Муқаддас Қитобни ёд олиш тамойилларини қанчалик ўзлаштирганингиз кейинги ҳафтада текширишилиши туфайли сиз яна бир бора *Муқаддас Қитобни ёд олиш тамойиллари* ни такрорлашингиз керак (12-бет). Текшириш жараёнида сиз камида ёдлашнинг олти тамойилини санаб ўтишингиз керак. 2-босқични муваффақиятли тамомлашнинг талабларидан бири – текширувда яхши натижага эришишдир.
2. **Худо билан ёлғизлик пайти:** 1-босқичда ўрганганингиз каби қайд белгилари кўйиб Муқаддас Қитобни ўқишни давом этинг. *Ўқиш кундалигидан*, шунингдек, *Муқаддас Қитобни ўқишда ёзувлар кундалигидан* фойдаланишни давом этинг, уларга сиз учун муҳим бўлиб қолган фикрларни киритинг.
3. **Муқаддас Қитобни ўрганиш бўйича қўлланма:** *Муқаддас Қитобни ўрганиш бўйича қўлланма*нинг 1-бобининг «Итоаткор масиҳий» бўлимидаги 1-12 саволларга жавоб беринг (70-73 бетлар).
4. **Бошқа вазифалар:** Кейинги машғулотда *Материални ўрганиш кундалигини* имзога топшириш учун барча зарур ишларни яқунланг.

## 2-машғулот

### МАШҒУЛОТ ТАРТИБИ:

1. Оятларни ёдлаш учун гуруҳларга бўлининг ва «Масих марказда» мавзусида иккита оятни такрорланг (2-Коринфликларга 5:17 ва Галатияликларга 2:20). Шунингдек, биринчи босқичдаги «Масих билан бошлаш» мавзусидаги иккита оятни ҳам такрорланг (*Материални ўрганиш кундалиги бўйича ҳисоб топширинг*).
2. Худо билан ёлғизлик пайтида сизга келган фикрлар билан, биринчи навбатда *Муқаддас Китобни ўқишда ёзувлар кундалигингиз бўйича ўртоқлашинг*.
3. "Муқаддас Китобни ёд олиш тамойилларини ўрганганини текшириш"ни бажаринг (16 бет).
4. «Савол кетидан савол: изчил иштирок» усулидан фойдаланиб, *Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича қўлланманинг 1-бобининг «Итоаткор масихий» бўлимидаги (70-73 бетлар) 1-12 саволларни муҳокама қилинг*. (Гуруҳ етакчилари учун турли усуллар, мунозаралар олтинчи машғулотда тушунтирилади).
5. *3-машғулотга топшириқни ўқинг* (16 бет).
6. Машғулотни ибодат билан якунланг.

### ***Муқаддас Китобни ёдлашга доир ўғитлар – иккинчи ҳафта.***

#### ***Бошланиши...***

Ҳар ҳафта сиз қуйидаги уч йўналишда ишлашингизга тўғри келади:

1. *Ёдлашга қўмаклашувчи материаллар*: улар оятлар ёзилган карточкалардан иборат. (Улар қулай бир жойда турсин).
2. *Оятларга изоҳлар*: улар туфайли оятлар сиз учун катта аҳамиятга эга бўлади, сиз учун оятларни ёд олиш ва ҳаётингизда қўллаш осонлашади.
3. *Ҳафталик режа*: оятларни ёдлашда қадам-бақадам олға бориш ва хатога йўл қўймасликка ёрдам беради.

#### ***Оятлар хусусида***

##### **А-ТУРКУМИ "ЯНГИ ҲАЁТ ИЛА ЯШАНГ"**

ҲАР БИР ИНСОНГА ЖИСМОНИЙ Ҳаёт берилган. Аммо Раббимиз ва Халоскоримиз Исо Масих қалбимизга кириб келганда биз янги, руҳоний ҳаётга эришамиз. Бизда Масихнинг ҳаёти қарор топади. Бу янги ҳаётни ғилдирак ёрдамида намойиш қилишимиз мумкин (аввал кўрганимиз каби). Ғилдирак ўз ҳаракат кучини ўқидан, марказдан олади. *Масихий учун Масих шундай «ўқ» бўлиб*, унга куч беради ва Масих учун яшашга даъват этади. (қ. Юҳанно 15:5). У бизда Муқаддас Рух сифатида маскан топиб, Унинг мақсади – Масихни шарафлашдир.

*Ғилдиракнинг гардиши Масихга юзланган, Унга итоаткор масихий - сизнинг тимсолингиздир*. Бу итоаткорлик Масих раҳбар бўлган ҳаётингизни ҳар бир лаҳзасини белгилайди.

Ғилдиракнинг кегайлари (спицалари) Тангрининг кучи кундалик ҳаётингизда сизга қай тариқа етиб келишини кўрсатади. Вертикал кегайлар – сизнинг Худо билан ўзаро муносабатларингиз. Горизонтал кегайлар эса сизнинг бошқа, ҳам имонли, ҳам имонсиз

инсонлар билан ўзаро муносабатларингизни билдиради. Гилдирак, қачонки унда барча кегайлари бўлса ва бир-бирига нисбатан бир текис жойлашган бўлсагина яхши ишлайди.

#### 1-Мавзу. МАСИҲ – ҲАЁТИНГИЗ РАҲБАРИ.

Гилдирак ҳаракат кучини ўқдан олгани каби, имонли инсонлар ҳам масиҳий ҳаёт билан яшаш учун кучни Масихдан оладилар. Умрингизни «кейинги саҳифасини» варақлаб, янгича яшаш қарори дарҳол сизни Худога маъқул ҳаётга етаклаб келади деб ўйлаш хато бўлади. Бундай ҳаётга фақат Унинг ёрдами билан эришиш мумкин.

**2-Коринфликларга 5:17.** Масиҳий ҳаёт буткул янги бир ҳолат бўлиб, Унинг ҳозирлиги ҳаётга ўзга бир йўналиш беради. Қачонки биз Уни танисак, У бизнинг ҳаётимиз устидан раҳбар бўлади, бизнинг илгариги интилишларимиз, қарашларимиз ва нуқтаи назаримиз ўзгаради.

**Галатияликларга 2:20.** Нафақат биз Масихда, балки У ҳам биздадир. Ушбу икки ҳақиқат бизнинг У билан ўзаро муносабатларимиз яқинлигини аён қилади. Имонли инсонлар сифатида биз У билан Унинг ўлимида ҳам, тирилганидан кейинги ҳаётида ҳам ўзимизни тенглаштирамиз. Унинг ҳаёти билан яшаш ва Унинг ҳаёти биз орқали намоён бўлиши учун имонда Унга таянамиз.

#### **Ҳафталик режа**

1. Агар 2:7 туркуми гуруҳи, масалан, якшанба кунлари тўпланса, биринчи оятни ёд олиш учун душанба ва сешанба кунларини белгиланг. Уни имкон қадар эслаб қолишни ва матнга қарамасдан ҳеч бўлмаганда бир марта ҳикоя қилиб беришга ҳаракат қилинг. Шундан сўнг, душанба ва сешанба кунлари давомида, оятни яхшилаб ёд олиш учун уни иложи борича кўпроқ такрорланг.
2. Иккинчи оят билан ҳам шу тариқа йўл тутинг, уни ёд олишга чоршанба ва пайшанба кунларини ажратинг, шу пайтда биринчи оятни ҳам такрорлаб туришни унутманг. Жума ва шанба кунлари иккала оятни такрорланг.
3. Оятни ёд олиш ва такрорлашда доим аввал мавзуни, кейин ҳаволани талаффуз қилинг, сўнг оятни айтиб, охирида яна ҳаволани такрорланг. Масалан, «Масиҳ – ҳаётимнинг раҳбари», Коринфликларга иккинчи, беш-ўн етти, «*Бинобарин, ким Масиҳга тегишли бўлса, у янги ижоддир. Қадимги ҳолат ўтиб кетди, энди ҳаммаси янги бўлди*», Коринфликларга иккинчи, беш-ўн етти.
4. *Эслатма:* Ҳар бир карточканинг қуйи чап бурчагидаги бош "А" ҳарфи мазкур оят киритилган ЁМТ туркумини англатади. Ёнида қўйилган рақам ушбу оятнинг туркум ичидаги ўрнини кўрсатади. Бу маълумотлар ёд олиш учун эмас, балки оятлар ёзилган карточкаларни тегишли тартибда сақлашингизга ёрдам бериш учун мўлжалланган.
5. Ҳафтанинг охирида, машғулотга келишингиздан аввал, иккала оятингизни ёдаки ёзинг ёки уларни бирон кишига айтиб бериб, тўғри ёд олганингизга ишонч ҳосил қилинг.

## ***Муқаддас Китобни ёд олиш тамойилларини ўрганганини текшириш***

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

### **3-МАШҒУЛОТГА ТОПШИРИҚ:**

1. ***Муқаддас қитобни ёдлаш:*** "Учинчи ҳафта"ни ишлаб чиқинг (17-бет).  
«Масихга итоат» мавзусида иккита оятни ёд олинг: Римликларга 12:1 ва Юҳанно 14:21.
2. ***Худо билан ёлғизлик пайти:*** Ўқши кундалиги, шунингдек, *Муқаддас Китобни ўқишида* ёзувлар кундалиги билан ишлашни давом этинг.
3. ***Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича қўлланма:*** *Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича қўлланманинг* 1-бобининг «Итоаткор масихий» бўлимининг қисқача баёнини ўқинг ва 13-21 саволларга жавоб беринг (74-77 бетлар).



# 3-машғулот

## МАШҒУЛОТ ТАРТИБИ:

1. Оятларни такрорлаш учун гуруҳларга бўлининг ва «Масихга итоат» мавзусидаги икки оятни такрорланг: Римликларга 12:1 ва Юҳанно 14:21.
2. Худо билан ёлғизлик пайтида келган фикрларингиз билан ўртоқлашинг.
3. «Савол кетидан савол: эркин иштирок» усулидан фойдаланиб, *Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича қўлланмани* 1-бобининг (74-77 бетлар) «Итоаткор масихий» бўлимидаги 13-21 саволларни ва бўлимнинг қисқача баёнини муҳокама қилинг.
4. *4-машғулотга топшириқни* ўқиб чиқинг (18-бет).
5. Машғулотни яқунлашдан аввал гуруҳларга бўлиниб, бир-бирингизга 2-Коринфликларга 5:17, Галатияликларга 2:20, Римликларга 12:1 ва Юҳанно 14:21 оятларини ёддан айтиб беринг.
6. Машғулотни ибодат билан яқунланг.

## ***Муқаддас Китобни ёд олишга доир ўғитлар – учинчи ҳафта***

### ***Оятлар тўғрисида***

2 -МАВЗУ. Масихга итоат

Исо Ўз ҳукмронлигини бизнинг итоатимиз билан узлуксиз боғлайди: «Нега сизлар Мени «Ё Раббим, ё Раббим» деб чақирасизлар-у, аммо айтганларимни қилмайсизлар? (Луқа 6:46). Унинг иродасига бўйсуниб, ҳаётимизда Унинг ҳокимиятини тан оламиз.

**Римликларга 12:1.** Ушбу оят иродамизни Худога бўйсундириб, Унга собитлик билан хизмат қилишни ўргатади. Биз учун бундан оқилроқ иш йўқдир, ахир У гуноҳларимизни Ўз қони билан ювган-ку. Унга бўйсуниб ва итоат қилиб, Унинг бизга нисбатан иродаси доимо «яхши, манзур, комил» эканлигини кўрамиз.

**Юҳанно 14:21.** Исо, Унинг Сўзига итоат бизнинг Унга бўлган муҳаббатимизнинг исботи эканлигини таъкидлаган. «Ким Менинг амрларимни билса-ю, уларга амал қилса, у Мени севади». *Юҳанно 14:21.* Аммо Унинг васиятларини бажаришдан аввал биз уларни эгаллашимиз, яъни У Ўзининг Сўзида бизга нималар деганини билишимиз керак. Айнан шунинг учун сиз кейинги ҳафтада ўрганадиган Унинг Сўзлари ва оятларни билиш муҳимдир.

### ***Ҳафталик режа***

1. Римликларга 12:1 ва Юҳанно 14:21 оятларини ёд олинг. Энди, сиз 2-Коринфликларга 5:17 ва Галатияликларга 2:20 оятларини ёд олганингиздан сўнг, уларни мунтазам такрорлашингиз керак.
2. Ҳар куни «*Масих билан бошлаш*» мавзуси бўйича 5 та оятни ва сиз аввалги ҳафтада ёд олган икки оятни такрорланг.
3. Иккинчи ҳафтада бажарганингиз каби икки янги оят устида ишланг. Агар 2:7 туркуми гуруҳингиз якшанба кунлари тўпланса, биринчи оятни душанба ва сешанба кунлари ёд олинг, иккинчисини чоршанба ва пайшанба кунлари эгалланг. Римликларга номадаги оятни ёд олганингиздан сўнг карточкани ёдлаганларингизга қўшиб қўйинг.
4. Оятни ёдлаш учун энг яхши пайт – уйкуга ётишдан аввал ёки тонг саҳарда эканлигини унутманг.
5. Оятлар ёзилган карточкаларни доим ўзингиз билан олиб юринг: сизга керакли оятни такрорлаш ва унинг устида фикрлаш учун ҳар бир бўш дақиқадан фойдаланинг.
6. Ҳафтанинг охирида оятни ёдаки такрорлаб ёки бирон кишига айтиб бериб, ўзингизни текширинг. Буни навбатдаги машғулотга боришдан илгари бажаринг.

#### **4-МАШҒУЛОТГА ТОПШИРИҚ:**

5. *Муқаддас Китобни ёдлаш: "Тўртинчи ҳафта"*ни ишлаб чиқинг (19 бет).  
«Худонинг каломи» мавзусида иккита оятни ёд олинг: 2-Тимўтийга 3:16 ва Ёшуа 1:8.
6. *Худо билан ёлғизлик пайти:* Қайд ва ёзувлар қўйиб Муқаддас Китобни ўқишни давом этинг.
7. *Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича қўлланма: Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича қўлланмани* 2-бобининг «Худонинг Каломи сизнинг ҳаётингизда (78-85 бетлар) бўлимидаги саволларга жавоб беринг ва қисқача баёнини ўқиб чиқинг».

# 4-машғулот

## МАШҒУЛОТ ТАРТИБИ:

1. Оятларни такрорлаш учун гуруҳларга бўлининг ва «Худонинг Каломи» мавзусидаги икки оятни такрорланг: 2-Тимўтийга 3:16 ва Ёшуа 1:8.
2. Худо билан ёлғизлик пайтида келган, биринчи навбатда *Муқаддас Китобни ўқишда ёзувлар кундалигидан* олинган фикрларингиз билан ўртоқлашинг.
3. «*Савол кетидан савол: қўшимча саволлар*» усулидан фойдаланиб, *Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича қўлланмани* 2-бобининг (78-85 бетлар) «Худонинг Каломи сизнинг ҳаётингизда» бўлимини муҳокама қилинг.
4. *5-машғулотга топшириқни ўқиб* чиқинг (20-бет).
5. Машғулотни ибодат билан якунланг.

## ***Муқаддас Китобни ёд олишга доир ўғитлар – тўртинчи ҳафта***

### ***Оятлар тўғрисида***

#### **3-МАВЗУ. ХУДОНИНГ КАЛОМИ**

Муқаддас Китоб амалий жиҳатдан масиҳийлик ҳаётининг асосидир, чунки Исо Масиҳ тўғрисида биладиган бор нарсамизни ундан олганмиз.

**2-Тимўтийга 3:16:** Ушбу оят Муқаддас Китоб бор бутунича Худо томонидан илҳомлангани ҳақида сўзлайди. Бутрус бу фикрни шундай ифодалайди: «Ҳеч бир пайғамбар ўзининг инсоний хоҳиши билан башорат қилган эмас. Бу азиз одамлар Муқаддас Рух томонидан ҳаракатга келтирилиб, Худонинг Сўзларини гапириб берганлар». (2-Бутрус 1:21). Муқаддас Китоб бизга тўғри таълимот беради, хатоларимизни кўрсатади, тўғри йўлга солади ва Худога маъқул ҳаёт ила яшашга ёрдам беради. Худо Ўзининг Каломини нафақат билимларимизни ошириш, балки биз хулқ-атворимизни Муқаддас Рухга бўйсундиришимиз учун берган.

**Ёшуа 1:8:** Бу оятда Худонинг Каломини бажарганларнинг йўли очилиши тўғрисида ваъда берилган. Унинг Сўзини қўллаш учун биринчи қадам доимо бу тўғрида фикр юритишдир. Мазкур босқичда ўрганиладиган Муқаддас Китобнинг парчалари устида фикр юритиш одатини, уларни режали тартибда ўз ҳаётингизда қўллаб, ҳосил қилинг.

### ***Ҳафталик режа***

1. 2-Тимўтийга 3:16 ва Ёшуа 1:8 оятларини чўнтагингизга солиб қўйинг. Римликларга 12:1 ва Галатияликларга 2:20 оятлари мунтазам такрорлаш учун алоҳида олиб қўйилиши лозим.
2. Ёдлаб бўлган оятларингизни ҳар куни такрорланг ва икки янги оят устида ишланг. Иккинчи оятга мурожаат қилишдан аввал биринчисини пухта ёдлаб олинг.
3. Дастлаб оятнинг маъносини тушуниб, алоҳида варақчага кўчириб олсангиз, ёдлаш жараёнининг тезлаштиришингиз мумкин.
4. Доим аввал мавзуни, кейин ҳаволани айтинг, сўнг оятни талаффуз қилиб, охирида яна ҳаволани айтинг.
5. Ҳафтанинг охирида янги ўрганган оятларингизни ёдаки ёзинг ёки машғулотга боришдан аввал уларни бирон кишига ёддан айтиб беринг.

## ***Етакчи учун режа.***

### **«Худонинг Каломи сизнинг ҳаётингизда» МАВЗУСИДА САВОЛЛАР**

**1-саволга:** Муқаддас Китоб Худо томонидан илҳомланган, деган сўзларни қандай тушунасиз?

**2-саволга:** *1-Коринфликларга 2:12-13*. Муқаддас Рух Муқаддас Китобни тушунишга ёрдам берганига мисоллар келтира оласизми?

**3-саволга:** *Матто 24:35*. «(Масихнинг) сўзлари унут бўлмайди» иборасини қандай тушунасиз?

**3-саволга:** *Юҳанно 17:17*. «Ҳақиқат» сўзининг маъноси нимада деб ўйлайсиз?

**5-саволга:** *Юҳанно 5:39*. Қадимги Аҳдда ҳали туғилмаган Масих тўғрисида сўз боришини қандай тушунса бўлади?

**6-саволга:** *Ёрмиёҳу 23:29*. Борлиқ ҳаётда қайси сўз билан мисоли «болға» каби ҳаракат қилиш мумкин?

**8-саволга:** Ушбу саволнинг иккинчи қисмига жавобларни ўқишни бир неча кишидан илтимос қилинг.

**12-саволга:** Бир неча кишидан «б» қисмга жавобларини ўқиб беришларини сўранг.

**13-саволга:** Забур 1 устида фикр юритишда миянгизга қандай фикрлар келди?

### **5-МАШҒУЛОТГА ТОПШИРИҚ:**

- 1. Муқаддас Китобни ёдлаш:** "Бешинчи ҳафта"ни ишлаб чиқинг (21-бет).  
«Ибодат» мавзусида биринчи оятни ёд олинг: Юҳанно 15:7. Ўз-ўзингизни текширинг (22-23 бетлар).
- 2. Худо билан ёлғизлик пайти:** Қайд ва ёзувлар кўйиб ўқишни давом этинг.
- 3. Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича қўлланма:** *Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича қўлланма*ни 3-бобининг «Худо билан суҳбат» (86-93 бетлар) бўлимидаги саволларга жавоб беринг ва қисқача баёнини ўқиб чиқинг».

# 5-машғулот

## МАШҒУЛОТ ТАРТИБИ:

1. Оятларни такрорлаш учун гуруҳларга бўлининг ва «Ибодат» мавзусидаги биринчи оятни такрорланг: Юҳанно 15:7 (*Материални ўрганиши кундалигингизда қайд ёзишни унутманг*).
2. Ўз-ўзини текшириши натижаларини қисқача муҳокама қилинг.
3. Худо билан ёлғизлик пайтида келган, *Муқаддас Китобни ўқишда ёзувлар кундалигидан олинган фикрларингиз билан ўртоқлашинг*.
4. «Қисм кетидан қисм: қўшимча саволлар» усулидан фойдаланиб, *Муқаддас Китобни ўрганиши бўйича қўлланмани 3-бобининг (86-93 бетлар) «Худо билан суҳбат» бўлимини муҳокама қилинг*.
5. 6-машғулотга топшириқни ўқиб чиқинг (25-бет).
6. Машғулотни ибодат билан якунланг.

## ***Муқаддас Китобни ёд олишга доир ўғитлар – бешинчи ҳафта***

### ***Оятлар тўғрисида***

4-МАВЗУ. ИБОДАТ.

Худонинг фарзандларига берилган энг буюк неъматлардан бири Осмондаги Отамиз билан суҳбатдир. Инжил, айниқса кулфат пайтида, дадиллик билан Худого ибодат қилишни ундайди (қ. Ибронийларга 4:16).

**Юҳанно 15:7.** Мазкур оятда биз ибодат пайти сўраганларимизни олишнинг икки шарти баён этилган. Биринчиси: биз Масихда бўлиб, У билан муттасил алоқада бўлишимиз лозим. Иккинчиси: Унинг Каломи бизда бўлишига йўл қўйишимиз, ҳаётимизда бошловчилик қилиши учун фикран доим унга мурожаат қилишимиз керак.

### ***Ҳафталик режа***

1. Аввалги ҳафтадаги режага риоя қилинг, янги оятлар сифатида Юҳанно 15:7 ва Филиппиликларга 4:6-7 ни қўшинг. Бу ҳафта давомида сиз фақат Юҳанно 15:7 оятини ёд олишингиз керак..
2. Оятларни такрорлаш жараёнида сиз фақат мавзу ёки ҳаволага кўз ташлашингиз мумкин. Оятнинг биринчи сўзларига қараманг, чунки бу сизга оятни яхшилаб ёдлашга ҳалақит беради.
3. Ҳафтанинг охирида янги оятни ёдаки ёзинг ёхуд уни бирон кимсага айтиб бериб, тўғри ёдлаб олганингизга ишонч ҳосил қилинг.
4. Ўз-ўзингизни текширинг.

## Ўз-ўзини текшириш

Сизга 1-5 машғулотларда (яъни 1-5 ҳафталарда) таклиф этилган «Муқаддас Китобни ёд олишга доир ўғитлар»ни ишлаб чиққанингиздан сўнг, Муқаддас Китоб оятларини ёд олиш тамойилларини қанчалик муваффақиятли ўзлаштирганингизга ишонч ҳосил қилинг. (Тўғри жавоблар – ўз-ўзини текширишнинг охирида, 24 бетда).

Эслатма. 1, 4, 8, 9 саволларда жавобни тўғри деб ҳисобласангиз **Т** (тўғри) ҳарфини, жавобга рози бўлмасангиз **Н** (нотўғри) ҳарфини доирачага олинг.

1. Муқаддас Китобдан ёд олинган оятлар қалбни озиклантиради ва келажак учун юракдан жой олади.

**Т Н**

2. Қуйида рақам ва ҳарфлар билан белгиланган ибораларнинг қисмлари берилган. Рақам билан белгиланган қисмларни керакли ҳарфлар билан тўғри жавоб олиш учун бирлаштиринг.

- а. \_\_»Ҳафталик режа«даги йўриқларга диққат билан риоя қилиш шарт, чунки...
- б. \_\_ «Оятлар тўғрисида» бўлимини ўқиш ва Муқаддас Китобнинг мазмунини ўрганиш...
- в. Сиз ёд олиб улгурган оятлар...
- г. \_\_ Оятдан аввал ва кейин ҳаволасини ҳам айтадиганингиз «аввал» ва «кейин» қоидаси...
- д. \_\_ Оятларни ёдлашдан олдин босқичнинг мавзуйи режаси билан танишиш...
- е. \_\_ Оятларни ёддан ёзиш...
- ж. \_\_ Ҳар доим ёнингизда оятлар ёзилган карточкалар бўлганда...
- з. \_\_ Оятни такрорлаганда сиз оятнинг биринчи сўзларига назар ташламаслигингиз лозим, чунки...

- 1) ...ёдлаётган оятларингизни чуқурроқ тушунишга ёрдам беради, шунингдек, уларни ёд олиш ва ҳаётда қўллашни осонлаштиради.
- 2) ... бўш дақиқаларингизда оятларни такрорлаш ва улар устида фикр юритиш имконига эга бўласиз.
- 3) ...манзарани яхлит кўришга ёрдам беради ва Муқаддас Китобни ёд олишдан мақсад нимада эканлигини кўрсатади.
- 4) ...оятларни ёдлашда қадам-бақадам олға бориш ва хатоларга йўл қўймасликка ёрдам беради.
- 5) ...кейин хотирага тушириш қийинлашади.
- 6) ...бу оятлар Муқаддас Китобнинг қайси жойида эканлигини хотирада тутишга ёрдам беради.
- 7) ...ёдлаш жараёни тезлашувига кўмаклашади.
- 8) ...такрорлаш учун доим қўл остида бўлиши керак.

3. Муқаддас Китобни ёд олишда ўзингизни *шахсий сабабларингизни* аниқ англаб етишингиз нега шунчалик муҳим? (Тўғри жавобни белгиланг).

- а. \_\_ Мақсадга эришгандан сўнг уларни хотирадан чиқариб ташлаш учун.
- б. \_\_ Ўз хотирамиз билан ғурурланиб юриш учун.
- в. \_\_ Чунки бу фикрлар рағбатлантирувчи омил бўлиб, муваффақиятга эришишга ёрдам беради.

4. Муқаддас Китобни ёдлашдаги муваффақиятингиз қобилиятингизга боғлиқ.

**Т Н**

5. Оятларни мавзуси билан қўшиб ёдлаш...

(Тўғри жавобни белгиланг).

- а. \_\_Ушбу босқичда шарт эмас.
- б. \_\_Зарур пайтда хотирангиздан керакли оятни тортиб чиқариш учун фикрий илгак вазифасини бажаради.
- в. \_\_Ақл учун яхши машқдир, чунки оятларни ёдлаш бу ҳолда анча қийинлашади.

6. Оятларни сўзма-сўз ёдланг, чунки ...

(Учта тўғри жавобни белгиланг).

- а. Тафсилотларга эътибор қаратишга ўргатади.
- б. Оятлар хотирада яққолроқ муҳрланади ва кейинчалик уларни хотирлаш осон кечади.
- в. Такрорлашни осонлаштиради.
- г. Муқаддас Китобни билишингизни намоиш қилиб, ўзгаларда кучли таассурот қолдирасиз.
- д. Оятлардан фойдаланишда сизга ишонч бағишлайди.

7. Нега сизга ҳафтасига фақат бир-иккита оятни ёдлаш тавсия этилади? (Учта тўғри жавобни белгиланг).

- а. \_\_Бу оятларнинг мазмунига чуқур кириб боришингиз учун сизга имкон яратиш учун.
- б. \_\_Босқични тезда ўтиб қўймаслигингиз учун.
- в. \_\_Оятлар устида фикр юритиш ва уларни ҳаётингизда қўллашингиз учун сизга кўпроқ вақт қолдириш учун.
- г. \_\_Сизда яхши ёд олиш кўникмаларини ривожлантириш ва Муқаддас Китобни ёдлашда муваффақиятга эришингиз учун.
- д. \_\_Ёдлаш учун илмий тасдиқланган энг оқилона фурсат бериш учун.

8. Худо билан ёлғизликнинг тонгги пайтида ёд олиш бўйича кундалик машқлар – Муқаддас Китобни ҳар куни ёдлаш кўникмасини ҳосил қилишнинг аъло усулидир.

**Т Н**

9. *А туркумига* киритилган оятлар итоаткор имонлининг раҳбари Масиҳ бўлган ҳаётининг асосий жабҳалари тўғрисида ҳикоя қилади.

**Т Н**

## *Етакчи учун режа.*

### **«Худо билан суҳбат» МАВЗУСИГА САВОЛЛАР:**

Гуруҳингиздаги бирон кишидан 1-саволдан олдин келган материални овоз чиқариб ўқиб беришини илтимос қилинг.

**1-3 саволларга:** «Ибодат – Худо билан суҳбатдир» биринчи бўлимини ўрганиш жараёнида сизга нималар алоҳида таассурот қолдирганини сўзлаб беринг.

**1 саволга:** Гуруҳнинг бир неча аъзосини «Нега?» (1-саволнинг иккинчи қисми) саволига жавобларини ўқиб беришларини илтимос қилинг. Сизнингча, «рахм» сўзи нимани англатади? «Раҳмат» сўзи-чи?

**2 саволга:** 1-Салоникаликларга 5:17: «Тинмасдан» сўзини қандай тушунасиш?

**3 саволга:** «Шарафлаш» ва «миннатдор бўлиш» сўзлари орасидаги фарқ нимада? 3-саволдан кейинги матндан кўчирмани ўқиб беришни бирон кишидан илтимос қилинг.

4-саволдан аввалги сарлавҳа ва гапни ўқиб беришни бирон кишидан илтимос қилинг.

**4-6 саволларга:** Мазкур мавзуни ўрганиб, ибодатнинг фойдаси тўғрисида ўзингизга қандай хулосалар қилдингиз?

**5 саволга:** Икки-уч кишидан мазкур саволнинг иккинчи қисмига жавобларини ўқиб беришларини сўранг.

**5 и 6 саволларга:** «Кўрқинч» ва «хавотир» ўртасидаги фарқ, сизнингча, нимада?

**6 саволга:** «Хавотир» ва «соғлом мурувват» ўртасидаги фарқ, сизнингча, нимада?

**7 саволга:** Ибодатга жавоб олиш учун талаб этиладиган бир неча шартни айтинг.

**Забур 65:18:** Биз вақти-вақти билан содир этадиган гуноҳ ва кўнглимизда кўрадиган гуноҳ ўртасидаги фарқ нимада?

**Юҳанно 15:7:** «Жо бўлмоқ» сўзининг маъноси нимада деб ўйлайсиз?

**1 Юҳанно 5:14-15:** Худонинг иродаси бўйича ибодат қилишга бизга нима тўсқинлик қилиши мумкин?

7-саволдан кейинги хатбошини ўқиб беришни бирон кишидан илтимос қилинг.

**8 саволга:** Гуруҳнинг ҳар бир аъзосини «а» қисмидаги «Нега?» саволига жавоб беришини сўранг.

Машғулотнинг бир нечта иштирокчисига «б» қисмига ўз жавобларини ўқиб беришларини илтимос қилинг.

Машғулотнинг бир нечта иштирокчисига «в» қисмига ўз жавобларини ўқиб беришларини илтимос қилинг.

### **Тўғри жавоблар:**

1. Т;
2. а - 4, б - 1, в - 8, г - 6, д - 3, е - 7, ж - 2, з - 5;
3. в;
4. Н;
5. б;
6. б, в, д;
7. а, в, г;
8. Т;
9. Т.



**9-13 саволларга:** Биз ким ҳақида ибодат қилишимиз лозим?

**11 саволга:** Бир неча кишидан мазкур саволнинг биринчи қисмига берган жавобларини ўқишларини сўранг.

Иккинчи қисмига жавобларини яна бир неча киши ўқиб берсин.

**13 саволга:** Гуруҳнинг бир нечта аъзосига шу саволга жавобларини ўқиб беришларини таклиф қилинг. Ҳар бир киши бир неча мартадан сўзлаши мумкин.

**14-16 саволларга:** «Худо билан кундалик мулоқот» бўлимида сизда таассурот қолдирган нарса нима?

**14 саволга:** 14-саволдан кейинги сурат қандай маъно англатишини бирикки кишидан тушунтириб беришларини сўранг.

**16 саволга:** Бир неча кишидан шу саволга жавобларини ўқиб беришларини илтимос қилинг. Бирон киши 16-саволдан кейинги матндан кўчирмани ўқиб берсин. Гуруҳ аъзоларидан бир киши 93-бетдаги «Қисқача мазмуни»ни ўқиб берсин.

## **6-МАШҒУЛОТГА ТОПШИРИҚ:**

1. **Муқаддас Китобни ёдлаш:** "Олтинчи ҳафта"ни ишлаб чиқинг (26 бет).  
«Ибодат» мавзусида иккинчи оятни ёд олинг: Филиппиликларга 4:6-7.
2. **Худо билан ёлғизлик пайти:** Қайд ва ёзувлар қўйиб ўқишни давом этинг.
3. **Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича қўлланма:** *Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича қўлланма*ни 4-бобининг «Масиҳийлар билан мулоқот» (94-100 бетлар) бўлимидаги саволларга жавоб беринг ва қисқача баёнини ўқиб чиқинг.
4. **Бошқа вазифалар:** Кейинги машғулотда *Материални ўрганиш кундалигини* имзолатиш учун зарур нарсалар устида ишланг.

# 6-машғулот

## МАШҒУЛОТ ТАРТИБИ:

1. Оятларни такрорлаш учун гуруҳларга бўлининг ва «Ибодат» мавзусидаги иккинчи оятни такрорланг: Филиппиликларга 4:6-7 (*Материални ўрганиш кундалигида* иккинчи ҳисобни олинг)
2. Худо билан ёлғизлик пайтида келган, биринчи навбатда *Муқаддас Китобни ўқишда ёзувлар кундалигидан* олинган фикрларингиз билан ўртоқлашинг.
3. *Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича қўлланмани* 4-бобининг (94-100 бетлар) «*Масихийлар билан мулоқот*» бўлимини муҳокама қилинг. Етакчи «*Қисм кетидан қисм*» усулидан фойдаланади ва тайёрланган саволларни ишлатади.
4. «*Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича гуруҳни олиб боришининг тўрт таъсирчан усули*» (28-29 бетлар) бўлимини муҳокама қилинг.
5. «*Тушунинишга доир саволлар тавсифи*» бўлимини (29-бет) қисқа муҳокама қилинг.
6. *7-машғулотга топшириқни ўқиб чиқинг* (30-бет).
7. Машғулотни ибодат билан якунланг.

## ***Муқаддас Китобни ёд олишга доир ўғитлар – олтинчи ҳафта*** ***Оятлар тўғрисида***

### 4-МАНВЗУ. ИБОДАТ

Хавотирни енгил учун Худо бизга таклиф этадиган шифо ибодатдир. Худо учун биз ибодатда Ундан ибодат қилиб сўрашимиз мумкин бўлмаган жуда кичик ёки ўта катта дунёвий муаммолар йўқ.

**Филиппиликларга 4:6-7.** Аммо Худога ибодатнинг шукрона келтириб қилинадиган тури маъқулдир. Ҳаёт йўлинингиздаги қийинчиликлар учун ҳам, инъомлар учун ҳам Худога шукр қилишни ўрганинг. Шундай қилиб, сиз ибодат ёрдамида хавотирни енгасиз.

Павлуснинг Муқаддас Китобда баён этилган таълимотини И.М. Баундс ўзининг «*Ибодат ва ибодат қилувчи инсонлар*» китобида бундай шарҳлайди: «Ибодат – энг аввал, барча мажбуриятларимиздан юксак турувчидир. Ҳар қандай ишни ибодатдан бошлаш керак. Унинг аҳамияти ва ҳукмий кучи шунчалик муҳимки, барча рухий қадриятлар орасида ибодат биринчи ўринда туради. Ибодат қилмайдиган киши мавжуд эмасдир. Бундай киши ҳеч нимадир, ҳаттоки ҳеч нимадан ҳам хордир. Масихга, Худога ва осмонларга нисбатан у нулдан ҳам кичикдир. Ибодатни иккинчи ўринга қўйиш унинг аҳамиятидан воз кечишдир, унинг иноятли кучига тўсқинлик қилиш ва ўрнини пасайтиришдир. Ибодат биринчи ўринга қўйилганда эса Худо ҳам биринчи ўринда туради, демак-ки, ғалаба таъминланган. Ёхуд ҳаётингизда ибодат ҳукмронлик қилиши лозим, ёхуд ундан бутунлай воз кечиш керак. Сиз нимани танлайсиз?»

### ***Ҳафталик режа***

1. Юҳанно 15:7 оятни такрорлаш учун мўлжалланган бошқа оятларга қўшиб қўйинг, Филиппиликларга номанинг 4:6-7 ояти доим сиз билан бирга бўлиши керак.
2. Кун давомида бўш дақиқалардан такрорлаш ва фикр юритиш учун фойдаланишни унутманг.
3. Ҳафтанинг охирида оятни ёдаки ёзинг ёки тўғри ёдлаганингизга ишонч ҳосил қилиш учун бирон кишига айтиб беринг.

## *Етакчи учун режа.*

### «Масихийлар билан мулоқот» МАВЗУСИДА САВОЛЛАР

1-савол олдидаги матндан кўчирмани ўқиб беришини биронтадан илтимос қилинг.

**1-5 саволларга:** «Масихий мулоқот» бўлими устида ишлаш давомида сиз қандай янги нарсалардан хабар топдингиз?

**1 саволга:** Сизнингча, ака-укалар ва опа-сингиллар ўртасида қандай ўзаро муносабатлар ҳукм суриши керак?

**2 саволга, Галатияликларга 6:2:** «Бир бирингизнинг оғирликларингизга ёрдамлашинглар» қондаси бўйича қурилган ўзаро муносабатларга сиз қандай таъриф берган бўлардингиз?

**Галатияликларга 6:6:** Бу оят кимга тааллуқли бўлиши мумкин?

**Ёқуб 5:16:** Биз бошқа масихийлар билан гуноҳларимизни муҳокама қилишимиз керакми?

**3 саволга:** Орангиздан бирон киши 3-саволга жавоби билан ўртоқлашишни истайдими? Балки сиз айтиб берадиган нарсалар бошқаларга далда ва рағбат бўлар.

**4 саволга:** Қандай шароитда сиз масихий инсондан, у келиб, сиздан кечирим сўрашини кутасиз? 4-саволнинг охиридаги матндан кўчирмани ўқиб беришни биронтага таклиф этинг.

**5 саволга:** Гуруҳда «а» қисми бўйича овоз бериш ўтказиб, неча киши ижобий, қанча киши эса, салбий жавоб беришини аниқланг..

Бир неча киши «б» қисмига ва яна бошқалар эса – «в» қисмига жавобларини ўқиб берсинлар.

**6-9 саволларга:** «Мулоқотдан мақсад» бўлимида сизда нималар кучлироқ таассурот қолдирди?

**6 саволга, Ҳикматлар 27:17:** Биз, масихийлар, «...ўткирлайди инсон ... дўстини» деганни қандай тушунамиз?

**Воиз 4:9-10:** Икки киши бўлиш ёлғизликдан афзал эканлигига бир нечта мисол келтиринг.

**8 саволга:** Бир неча кишидан ушбу саволга жавобларини ўқиб беришларини сўранг.

**9 саволга:** Бирон кишига 9-саволга берган жавобини овоз чиқариб ўқишини сўранг.

**10-15 саволларга:** «Масихнинг танаси» бўлимида ўзингиз учун қандай янгиликлар топдингиз?

**11-6 саволга:** Ўзимиз тўғримида меҳрибонлик қилишизга бир неча мисол келтиринг. Энди эса, бошқа масихийларга уларнинг ташвишларига қандай кўмаклашимиз мумкинлигига бир неча мисолни айтинг.

Бир неча киши ўзларининг «в» қисмига жавобларини ўқиб берсинлар.

**12 саволга:** Гуруҳнинг бир неча аъзоларига мазкур саволнинг биринчи қисмига, бошқаларига эса, иккинчи қисмига жавобларини ўқиб беришларини таклиф қилинг.

**13 саволга:** Гуруҳнинг барча аъзоларидан шу саволга жавобларини ўқишларини сўранг.

**13 ва 14 саволларга:** «Бирлик» ва «бир хиллик» ўртасидаги фарқ нимада?

**14 саволга:** Машғулот иштирокчиларига 14-саволда тилга олинган сифатлардан бирини айтиб, унинг имонлилар гуруҳида бирлик руҳини қарор топтиришга қандай кўмаклашишини муҳокама этишни таклиф қилинг.

**16-20 саволларга:** «Маҳаллий жамоат» бўлимида нималар эътиборингизни тортди?

**17 саволга:** Танлаб олинган хизматчилар томонидан амалга ошириладиган масиҳийча хизмат билан оддий аъзоларнинг хизмати ўзаро қандай фоизий нисбатда бўлиши керак? Бир неча кишини 17-саволнинг иккинчи қисмига жавобларини ўқиб беришларини илтимос қилинг.

Гуруҳнинг бир-икки аъзосидан, уларнинг фикрича, 17-саволдан кейин келтирилган схема нималарни англатишини сўранг.

**19 саволга:** Гуруҳнинг бир неча аъзосидан «а» қисмига жавоблари билан ўртоқлашишларини илтимос қилинг.

Бирон киши 20-саволдан кейинги матндан кўчирмани ўқиб берсин.

Шунингдек, кимгадир 100-бетдаги қисқача мазмунини ўқиб беришини сўранг.

## **Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича гуруҳни олиб боришнинг тўрт таъсирчан усули**

### 1. «Савол кетидан савол: изчил иштирок»

Бу усул саволларга тартиб билан жавоб беришни назарда тутди: биринчи саволга гуруҳнинг биринчи аъзоси, иккинчисига – иккинчи аъзоси жавоб беради ва ҳ. Ҳар киши ўз саволига жавоб берганидан сўнг гуруҳнинг бошқа аъзолари ҳам ўз мулоҳазалари билан ўртоқлашишлари мумкин.

Бу ёш масиҳийларни Муқаддас Китобни ўрганиш жараёнида мунозарада иштирок этишга ўргатишнинг яхши усулидир, чунки уларни қатъиятсизлик ҳиссидан халос қилади ва ўз кучига ишонч ҳосил қилдиради. Бу усул уларга мунозаранинг бориши ва йўналишини тушунишга ёрдам беради.

### 2. «Савол кетидан савол: эркин иштирок»

Бу усулни қўллашда оддий тартибга риоя этилса-да, биринчи саволга гуруҳнинг исталган аъзоси жавоб бериши мумкин. Саволни ўқиб, етакчи унга ким жавоб бермоқчи эканлигини сўраши мумкин. Етакчи бошқача тарзда иш тутса ҳам бўлади: саволни ўқимасдан, фалончи саволга ким жавоб бермоқчи, деб сўрайди.

Бундай ёндошувнинг салбий томони шундаки, айрим пайт фақат бир-икки киши муҳокама боришига киришиб, бошқалар четда қолиб кетади. Бундай ҳолатларда етакчи суст иштирокчилардан бирига аниқ саволлар билан мурожаат қилиб, уларни муҳокамага тортиши керак.

### 3. «Савол кетидан савол: қўшимча саволлар»

Мазкур усулни қўллаганда гуруҳ аъзолари ёки бирин-кетин, ёки исталган кетма-кетликда гапиришади. 1- ёки 2- усулни қўллаб, етакчи босқич бўйича жавоблар билан боғлиқ илгаридан тайёрлаб қўйилган қўшимча саволлардан фойдаланади. Улар чуқурроқ тушуниб етишга ва гуруҳ аъзолари томонидан кўпроқ муносабат уйғотишга мўлжалланган бўлиб, кўпинча 1- ёки 2- усулни қўллаганга нисбатан қизгинроқ мунозарани келтириб чиқаради. Мазкур «тушунишга доир саволлар» тўғрисида сиз қуйида 29-бетда кўпроқ билиб оласиз.

### 4. «Қисм кетидан қисм: қўшимча саволлар»

Бу усул очик ва эркин мунозарага даъват этади. Муҳокама машғулот мавзуси доирасида олиб борилиши керак. Бунда муваффақият етакчидан кўра гуруҳ аъзоларининг ўзига боғлиқ бўлади. Дастлаб у, гуруҳ ўзи учун бўлимдан қандай янгиликларга эга бўлганини сўрайди, сўнг машғулотнинг айрим қисмларига эътиборни қаратади. Муҳокама асосида етакчи томонидан аввалдан тайёрланиб бериладиган саволлар чуқур тушуниб етишга кўмаклашади ва англаб етилганларни ҳаётда амалий қўллашга ёрдам беради.

Бундай мунозараларга гуруҳ аъзолари машғулот мавзуси бўйича тайёрланиб келишлари муҳим аҳамият касб этади.

*Муқаддас Китобни ўрганиши бўйича қўлланма* мавзуси бўйича мунозарада барча саволларга ўз жавобига эга бўлмаган ёки умуман тайёрланмаган кишилар учун иштирок этиш қийин кечади.

## Тушунишга доир саволлар тавсифи

### 1. Тушунишга доир саволлар

а. Қўшимча саволлар аввалги асосий саволларга олинган жавобларга тааллуқлидир.

б. Улар қуйидаги бир ёки бир неча вазифани бажарадилар:

- фаол мунозарага ундайдилар;
- етакчига у ёки бу фикрни ажратиб кўрсатиш имконини берадилар;
- етакчининг назарида, гуруҳ аъзолари нотўғри тушунаётган саволни тўғри англаб етишга ёрдам беради.

в. Қўшимча савол турли ўзаро боғлиқликлар хусусида берилиши мумкин. Масалан: «Муқаддас Китоб ва ибодат ўртасида ўзаро қандай алоқа мавжуд?» (3-боб, 14-савол).

г. Қўшимча саволларнинг бошқа тури фарқларга тегишлидир. Масалан: «Сизнингча, шукрона ва ҳамд ўртасида фарқ нимада?» (3-боб, 3-савол).

д. Қўшимча саволларнинг яна бир тури – *синонимик* саволлардир. Масалан: «Раҳм» сўзининг маъноси нима? Сиз уни бошқа қандай сўзлар ёки иборалар билан тавсифлашингиз мумкин?» (3-боб, 1-савол).

е. *Бирон ҳақиқатни мисол ёрдамида* тушунтиришни сўраб гуруҳ аъзоларига мурожаат қилиш ҳам тушунтиришга доир саволларнинг бир туридир. Масалан: «Инсонларда худбинлик ёки ўз шахсига маҳлиё бўлиш қандай намоён бўлади?» (4-боб, 11в-савол).

### 2. Тайёр ва зийрак етакчи бўлинг.

Тушунишга доир саволларни улар вазифасига мос келадиган қилиб йўл-йўлакай шакллантириш мураккабдир. Шу сабабли етакчи уларни *аввалдан пухта ўйлаб олиши* жуда муҳимдир. Танлаш имкони бўлиши учун етакчи ҳар доим муҳокама мобайнида ишлатадиганидан кўра кўпроқ савол тайёрлаши керак. Етакчи, у тайёрлаган қўшимча саволлар муҳокамани йўналтираётган Муқаддас Рухнинг етакчилигига мувофиқ бўлиши учун ибодат қилиши лозим.

Шунингдек, гуруҳни нималар кўпроқ қизиқтираётгани ёки у нималарга кўпроқ муҳтож эканлигини аниқлаш имкони мавжуд. Тушунишга доир саволларни берганда етакчи унумли мунозараларни рағбатлантириб, улар эса, ўз навбатида, барча иштирокчилар учун ҳам иноят ва ёрдамдир.

## **7-МАШҒУЛОТГА ТОПШИРИҚ:**

1. **Муқаддас Китобни ёдлаш:** "Еттинчи ҳафта" дастурини тўлиқ ишлаб чиқинг (31-бет). «Мулоқот» мавзуидаги биринчи оятни ёдланг: Матто 18:20.
2. **Худо билан ёлғизлик пайти:** Қайд ва ёзувлар қўйиб Муқаддас Китобни ўқишни давом этинг.
3. **Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича қўлланма:** *Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича қўлланма*ни 5-бобининг «Масих тўғрисида гувоҳлик» (101-106 бетлар) бўлимидаги саволларга жавоб беринг ва қисқача баёнини ўқиб чиқинг.
4. **Бошқа вазифалар:** «Худо сари йўл тўғрисида ҳикоя қила билиш нега керак» ва «Имонга йўл тўғрисида ҳикояни тайёрлаш: умумий мулоҳазалар» (33-34 бетлар) бўлимларини пухта ўрганинг.

7-машғулот жуда муҳим аҳамиятга эга. Уни ўз вақтида бошлаш учун қўлингиздан келган барчасини қилинг.

# 7-машғулот

## МАЗКУР МАШҒУЛОТ ТАРТИБИ:

1. Оятларни такрорлаш учун гуруҳларга бўлининг ва «Мулоқот» мавзусидаги биринчи оятни такрорланг: Матто 18:20 (яна ҳисоб олишга ва *Материални ўрганиш кундалигига* киритишга ҳаракат қилинг).
2. *Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича қўлланмани* 5-бобининг (101-106 бетлар) «Масих тўғрисида гувоҳлик» бўлимини муҳокама қилинг.
3. Худо сари йўл тўғрисида ҳикоянгизни қандай тайёрлаш кераклиги тўғрисида фикр юритинг ва муҳокама қилинг.
  - а. Ўрганиб чиққанингиз «Худо сари йўл тўғрисида ҳикоя қила билиш нега керак» ва «Имонга йўл тўғрисида ҳикояни тайёрлаш: умумий мулоҳазалар» (33-34 бетлар) бўлимларининг материални такрорланг.
  - б. «Бир бош узум» суратини ўрганинг.
  - в. «Худо сари йўл тўғрисида ҳикоянгизни тайёрлашга ёрдам»ни ўқиб чиқинг (36-38 бетлар).
  - г. «Худо сари йўл тўғрисида ҳикоя қилишининг икки усули»ни ўқиб чиқинг.
  - д. Бирон кишининг Худо сари йўл тўғрисидаги ҳикоясини тингланг.
4. 9 ва 12 машғулотларни ўтказишни таклиф этилаётган жой ва вақтини муҳокама қилинг.
5. *8-машғулотга топшириқни* ўқиб чиқинг (41-бет).
6. Машғулотни ибодат билан якунланг.

## ***Муқаддас Китобни ёд олишга доир ўғитлар – еттинчи ҳафта*** ***Оятлар тўғрисида***

### 5-МАВЗУ. МУЛОҚОТ

Масихга ҳақиқатда итоаткор бўлган масиҳий бошқа имонлилар билан – жамоат доирасида бирлашган кичик гуруҳларда тўпланган айрим кишилар билан фаол мулоқотда бўлишга интилади. Битта тананинг аъзолари бўлганимиз ҳолда, биз бир-биримизга боғлиқдирмиз. *2:7 туркуми* бўйича шуғулланувчи ўз гуруҳингизда сиз бошқа имонлилар ҳаётингизга қандай ҳисса қўшиши мумкинлигини ўзингиз кўрасиз.

Бу эса Худонинг ниятига мувофиқдир: «Сизлар эса Масихнинг баданисизлар, Унинг айрим-айрим узвларисизлар» (1-Коринфликларга 12:27); «Демак, сиз... Худонинг муқаддас халқига ватандош ва хамхонасизлар» (Эфесликларга 2:19).

**Матто 18:20:** Мазкур оят ҳақиқий масиҳийча мулоқот ҳар доим марказида Раббимиз Исо Масихни назарда тутишини тушунтиради. Бу оддий вақт ўтказишдан фарқли улкан ҳодисадир. Бундай мулоқот учун тўпланганимизда биз билан бирга бўлишини Унинг Ўзи ваъда берган.

### ***Ҳафталик режа***

1. Матто 18:20 ва Ибронийларга 10:24-25 оятларини ёдлашга мўлжалланган бошқа оятларга қўшиб қўйинг. Бу ҳафтада сиз Матто келтирган Хушхабардаги оятни, кейинги ҳафтада эса Ибронийларга номадаги бошқа бир оятни ёд оласиз.
2. Ўтилган оятларни ҳар куни такрорлашни давом этинг.
3. Ёдлаш кўникмаларингиз сусайишига йўл қўйманг, мавзу ва ҳаволаларни оятлар билан бирга ёд олинг, барчасини сўзма-сўз ёдланг. Такрорлаб ва фикр юритиб, куннинг бирон бўш дақиқасини қўлдан чиқарманг.

## ***Етакчи учун режа.***

### **«МАСИХ ТЎҒРИСИДА ГУВОҲЛИК» МАВЗУСИГА САВОЛЛАР (101-106 бетлар)**

Бирон кишидан 1-саволдан аввалги матндан кўчирмани ўқиб беришини илтимос қилинг.

**1-5 саволларга:** Худо сари йўл тўғрисида ҳикоя қила олиш маҳоратини ривожлантириш билан боғлиқ ушбу бўлимнинг қайси жойлари сизда энг кўп таассурот қолдирди?

**1 саволга:** Гуруҳнинг бир неча аъзоларидан уларнинг «в» қисмига жавобларини ўқиб беришини сўранг.

**2 саволга:** Бир неча киши, улар қайси таклифларни белгилаганларини айтсинлар. Ўтмишдаги имони тўғрисида ҳикоя қилишга уларни нима ундаганини сўранг.

**3 саволга:** Гуруҳнинг бир неча аъзоларига «Қандай мақсад билан?» деган саволга жавоблари билан ўртоқлашишларини сўранг.

**5 саволга:** *11 оят.* Мазкур оятдаги «Худодан кўрқиш» ибораси, сизнингча, нимани англатади?

**14 оят:** Ўз йўлингиз тўғрисида ҳикоя қилаётганингизда Масиҳ севгисининг бошловчилигини қандай сезасиз?

5-саволдан кейинги матндан кўчирмани бирон киши ўқиб берсин.

6-саволдан аввалги матндан кўчирма ва хатбошини ўқиб беришни бирон кишига таклиф қилинг.

**6 ва 7 саволларга:** «Муҳаббат билан гувоҳлик беринг» бўлимида сизнинг эътиборингизни кўпроқ тортган нарса нима?

**6 саволга:** Бир неча кишидан мазкур саволга берган жавобларини ўқиб беришни илтимос қилинг.

**7 саволга:** Энди бошқалар биринчи қисмга ўзларининг жавобларини ўқиб берсинлар. Бир неча киши эса иккинчи қисмга берган жавобларини ўқисинлар.

**8 и 9 саволларга:** «Ҳаётингиз билан гувоҳлик беринг» бўлимида сизда нималар таассурот қолдирди?

**8 саволга:** «Яхши ишлар» иборасининг моҳияти нимада деб биласиз?

**9 саволга:** Гуруҳнинг бир неча аъзосига биринчи қисмга жавобларини ўқиб беришларини илтимос қилинг.

Бошқалар эса иккинчи қисмга жавобларини ўқисинлар.

Бирон кишидан 9-саволдан кейинги матндан кўчирмани ўқишини сўранг.

**10-12 саволларга:** «Сўз билан гувоҳлик беринг» бўлимида сизда нималар таассурот қолдирди?

**10 саволга:** Масиҳнинг ҳаётингиздаги раҳбарлиги билан гувоҳлигингиз самарадорлиги ўртасида қандай алоқа бор деб ўйлайсиз? Худога имон келтирганингиз сабабли кўнглингизда инсонларга нисбатан муносабатни яна қандай тавсифлардингиз?

**11 саволга:** Гуруҳнинг ҳар бир аъзосини мазкур саволга овоз чиқариб жавоб беришини илтимос қилинг

**12 саволга:** Гуруҳдаги бир-икки кишидан шу саволнинг биринчи қисмига жавобларини ўқиб беришларини сўранг.

Сўнг барча хоҳловчилар шундай қилсинлар.



Барча хоҳловчилар шу саволнинг иккинчи қисмига жавоб берсинлар.

13-савол олдидаги хатбошини ўқиб беришни биронтадан илтимос қилинг.

**13-17 саволларга:** Павлуснинг гувоҳлиги тўғрисида ҳикоя қилинган сўнгги бўлимни ўқиганда нимани аниқладингиз?

**13 саволга:** Павлус амалга оширган нарсани биз бугунги кунда қай тариқа бажаришимиз мумкин (2 ва 3 оятлар)?

**14 саволга:** Павлуснинг гувоҳлигида унинг масиҳийликкача бўлган ҳаётининг яхши ва кўнгилсиз томонлари тўғрисида нималар дейилади?

**17 саволга:** Гуруҳингиздаги бир-икки киши шу саволга жавобларини ўқиб берсинлар.

СИЗНИНГ ГУВОҲЛИГИНГИЗНИ (106 бет) ва саволдан кейинги матндан кўчирмани ўқиб беришни бирон кишидан илтимос қилинг.

Бир киши 106 бетдаги *Қисқача мазмунини* ўқиб берсин.

## ***Худо сари йўл тўғрисида ҳикоя қила олиш нима учун керак?***

Ўзининг биринчи номасида ҳаворий Бутрус бизга шундай деб мурожаат қилади: «Дилингиздаги умид ҳақида сиздан ҳар бир сўраган кишига жавоб беришга доимо тайёр бўлинглар» (1- Бутрус 3:15).

Масиҳ бизга абадий ҳаёт инъом этиб, ер юзидаги ҳаётимизни бойитгани тўғрисида ҳикоя қилиш ўз имонингизни бошқалар билан бўлишишнинг энг таъсирчан усулидир. Ҳаворий Юҳанно бундай деб ёзганди: «... биз эшитиб тамошо қилган, кўзларимиз кўрган, қўлларимиз сезганини сизларга маълум қилмоқдамиз» (1-Юҳанно 1:3). Юҳанно ўзининг Исо Масиҳ билан алоқаси тўғрисида гувоҳлик берганди.

Подшоҳ Агриппа ҳузурида туриб (Ҳаворийлар 26), Павлус оддий тил билан, мантқиқли ва аниқ равшан тарзда ўзининг *халос бўлишидан аввал* кечган ҳаёти, Масиҳни қандай учратгани ва имон келтиргандан кейин ҳаёти қандай ўзгаргани тўғрисида ҳикоя қилиб беради. Павлуснинг гувоҳлигини ўқиб чиқиш учун фақат уч ёки тўрт дақиқа талаб қилинади.

Сиз ўз ҳикоянгизни ёдлаб олиб, кейин сўзма-сўз айтиб бериш учун эмас, балки тарихингизни яхшироқ, бошингиздан кечирганингизни тингловчи аниқ тушуниб етадиган қилиб сўзлаб бериш учун ёзиб чиқасиз. Ўз ҳикоянгиз устида иш бошлашдан аввал уни ифодалаш учун Худодан ҳикмат ва ғоялар сўранг. Ўз устозингизни маслаҳатлари ва таклифларига кулоқ тутинг.

2:7 –*туркумини* тугатганлардан кўпчилик, ўз ҳикояси устида ишлаш таълим жараёнининг энг фойдали даврларидан бири бўлганини тан олганлар. Бунинг натижасида улар кейинчалик кўплаб инсонларга Масиҳга йўл топишга ёрдам берганлар, чунки қачонлардир «ҳар бир сўровчига» жавоб тайёрлаш учун «ўз асбобини ўтқирлашда» вақтини аямаган эдилар.

Худога ишонинг ва кучингизни аямасдан меҳнат қилинг. Вақтингизни тежаманг, балки ўз фикрларингиз ва ибодатларингизни шогирдликнинг бу муҳим бўлимини ишлаб чиқишга йўналтиринг.

## ***Худо сари йўл тўғрисида ҳикояни тайёрлаш: умумий мулоҳазалар.***

Сиз 3-4 соат ажратишингиз зарур бўладиган 9-машғулот давомида мазкур ишни бажара оласиз, деб умид қиламиз. Бундан ташқари, 10-машғулотда тўлиқ ишлаб чиқилган ҳикояларни сўзлаб бериш ва 9-машғулотда тугаллаб улгурмаганларингизни яқунлаш учун вақт назарда тутилган.

### **1. БИРИНЧИ ДАРАЖАЛИ ВАЗИФА**

Унинг мазмуни қисқача режадан фойдаланиб, Худо сари йўлингиз тўғрисида ҳикояни тайёрлаб, тақдим этишингиздан иборат.

### **2. ТАЙЁРГАРЛИК**

Ҳикоямизни тайёрлаш учун ҳар биримизга талаб этиладиган вақт ва кучларимиз турлича бўлади. Ва бу сизнинг ақлий қобилиятингиз ёхуд руҳий даражангиз кўрсаткичи эмас. Барчаси ҳикоянгишнинг мураккаблигига боғлиқдир. Сўзлаб бериш қийин ҳикоялар бўлади. Айримларини тегишли вақтгача қисқартириш зарур бўлса, бошқаларини эса, аксинча, жуда ҳам қисқа чикмаслиги учун шарҳ ёки тушунтиришлар билан кенгайтириш зарур бўлади. Ҳикоянгишни тузиш учун сизга талаб этиладиган вақтга таъсир этувчи кўплаб омиллар мавжуд. Агар уни тез ва енгил тузишга эришсангиз, ўзингизга бино қўйманг. Бошқаларга нисбатан қийинроқ бўлса ҳам кўнглингиз тушмасин. Бошқа ўқувчилар ва ўзингиз учун ибодат қилишда давом этинг.

### **3. ҚИЙИНЧИЛИКЛАР ТАҚДИРЛАНАДИ**

Кўпчилик ўқувчилар мазкур ҳикояни тузишни босқичнинг энг қийин, айрим пайт эса гангитувчи қисми деб ҳисоблашади. Иккинчи томондан эса, анчагина ўқувчилар уни босқичнинг энг фойдали ва илҳомлантирувчи қисми деб ҳам ҳисоблашади. Ушбу фарқ бундай ҳикояни тузиш заруратига сизнинг муносабатингиз ва сиз унинг устида қанчалик ғайрат ва сабот билан ишлаётганингизга боғлиқ. Куч-қувватингизни аямасдан ишланг. Худодан сизга донолик беришини ҳамда йўлга солишини сўранг.

### **4. МАШҒУЛОТЛАР**

9-машғулот, эҳтимол, 3-4 соат давом этар. Унга яхши тайёрланиб ва дам олиб келишингизни маслаҳат берамиз. Унинг муваффақияти тўғрисида ибодат қилинг. Агар гуруҳингиз катта бўлса ёки Худога сари йўл тўғрисида ҳикоялар давомли ва англаш учун мураккаб чиққан бўлса, яқунлаш учун яна бир марта учрашиш зарурати туғилиши мумкин.

### **5. ТАБРИКЛАЙМИЗ!**

Сиз биринчи босқич мобайнида ва иккинчи босқичнинг мазкур бўлими сари ҳаракатланишда мақтовга лойиқ сабот намойиш этдингиз. Тангри руҳан ўсишингиз ва камол топишингиз жараёнида сизга анча-мунча қийин ва жиддий тўсиқларни енгиб ўтишга кўмаклашди. Тангрининг раҳмати билан сиз яқинда иккинчи босқични яқунлайсиз. Тангри билан сизнинг муносабатларингиз яқинроқ бўлади ва У сизни Ўз мақсадлари йўлида жўнатишни истаган жойда Унга хизмат қилиш учун яхшироқ тайёр бўласиз.

## «Узум» сурати

(Масиҳийлик тажрибаси орқали инсон тўплаши мумкин бўлган ҳар хил турли гувоҳликлар)



## ***Худо сари йўл тўғрисидаги ҳикоянгизни тайёрлашда ёрдам***

Бундай ҳикоялар турли мавзуларда ва турли тингловчилар учун тайёрланиши мумкин. Мазкур босқич давомида сиз тайёрлайдиган ҳикоя...

- Имонсизларга мўлжалланган бўлиши;
- Уни (биринчи навбатда) яккама-якка ёки кичик даврада ҳикоя қилиб беришга мўлжалланган бўлиши;
- Ишонтиришни эмас, балки «эшикни салгина очишни» мақсад қилмоғи керак.

Кўпчилик кишилар ҳали тайёр эмаслар, Масихга эҳтиёжманд эканликларини англаб етганлари йўқ, аммо хиралик қилмасдан ўз шахсий тажрибангиз билан ўртоқлашиб, уларни Хушxabар тўғрисидаги суҳбатга чорлаш мумкин.

### **1. Худо сари йўл тўғрисидаги ҳикоянинг умумий режаси**

а. ***Дастлаб*** — Масихга имон келтиргунингизча бўлган ҳаётингизни қисқача шарҳлайсиз.

б. ***Қандай қилиб*** — сиз қандай қилиб Масихга имон келтирганингиз.

в. ***Сўнгра*** — сиз билан содир бўлган воқеа ҳаётингизни қандай ўзгартиргани тўғрисида айтиб берасиз.

### **2. Тайёргарлик чоғида ҳисобга олиш лозим бўлган мулоҳазалар.**

а. ***Ҳикоянгизни оғзаки сўзлашув шаклида тузинг***, токи уни айтиб бериш осон бўлсин. «Тонг шафағига тикилиб, чуқур ўйга толдим» каби сийқаси чиққан адабий ибораларни, шунингдек, расмий сўз ва ибораларни ишлатманг.

б. ***«Мен», «мени» сўзларидан фойдаланишдан тортинманг, «сен» сўзини ишлатманг*** (ваъз айтмасдан, оддийгина ҳикоя қилинг). Бу эса қиссани тингловчиларни жалб қиладиган ёқимли, юмшоқ услубда баён этишингизга кўмак беради.

в. ***Диний (масихийликга оид) сўзлар, иборалар, атамаларни ишлатмасликка ҳаракат қилинг.***

---

---

---

---

---

---

---

---

<i>Диний атамалар</i>		<i>Муқобил сўзлар</i>
Имон келтирдим		Ибодатда Исони ҳаётимга киришини сўрадим
Гуноҳ		Итоатсизлик, Тангрининг қоидаларини бузиш (Инсон Худодан юз ўгиради)
Исонинг қони билан қутқарилган		Худо хатоларимни кечирди
Қутқарилди		Масиҳий бўлди, хатоларининг оқибатларидан халос бўлди
Илтижо қилди		Чин қалбдан ибодат қилди
Масиҳий		Исога ишонувчи

г. *Умумий гаплар етарли бўлган жойда икир-чикирларга берилманг, -шунда кўпроқ кишилар ўз ҳаёти билан ўхшашликни кўриб етишади.* Аниқ жамоатлар, мазҳаблар ва гуруҳларни тилга олманг. Сана ва неча ёшда бўлганингизни (мисол учун: "Мен етти ёшимда масиҳий бўлганман. Биз шаҳарга 1956 йилда кўчиб келдик") айтмасликка ҳаракат қилинг.

д. *Ҳикоянгиз ҳазил-муттойиба, табассум билан кечса яхши бўлади.* Табассум ёки кулгу шароитни юмшатади, эътиборни тортади.

е. *Жонли, аммо унчалик қамровли бўлмаган тасвирлар ҳикоянгизга бўлган қизиқишини оширади.* Масалан, «Мен кичик шаҳарчада улғайганман», деган гап билан чекланмасдан, тингловчи тасаввур қила олиши учун уни қисқача тавсифланг.

ж. *Ҳаётингизда илгари бўлган салбий томонлар ҳақида гапирар экансиз, яхши томонларини ҳам айтиб ўтишни унутманг.* Дастлаб бурунги ҳаётингиздаги қизиқарли ҳодисалар ва ҳолатлар билан тингловчиларни таништириш ёмон бўлмасди.

1. Бирон яхши иш қилиш истаги, ўқишга, бошқаларга меҳрибонлик қилишга интилиш, меҳнатни севиш бундай ижобий хислатларга мисол бўлиши мумкин.
2. Салбий томонларга мисол – худбинлик, ўзини бировдан кам кўриш, нима қилиб бўлса-да бошқалардан устун бўлишга интилиш, очкўзлик, тажанглик.

з. *"Қандай" қисмида...*

1. Хушxabар тўғрисида тингловчилар билан аниқ, аммо қисқа ўртоқлашинг. Бунга қуйидаги тушунчаларни ва уларнинг таърифларини киритиш лозим:
  - а. Гуноҳни мавжудлигига далил
  - б. Гуноҳ учун жазо
  - в. Гуноҳ Масиҳ томонидан ювилган
  - г. Масиҳни қабул қилиш зарурати
2. Ўз фикрларингизда Муқаддас Китобнинг обрў-эътиборига таянинг.
  - а. Қониқарсиз жумла: "Дўстим, ишларим яхши эмаслигини ва авфга муҳтожлигимни айтди".
  - б. Муваффақиятли жумла: "Дўстимнинг сўзларига караганда, Муқаддас Китобда бундай дейилган экан..."

3. Масихга мурожаат қилиш зарурати тўғрисида гапирар экансиз, «ибодат» сўзини қўлланг. Инсон қандай йўл тутиши лозимлиги тўғрисида ахборот айнан шу сўзда ифодаланган.

Муваффақиятли жумла: "Мен ибодат қилиб, Масихдан ҳаётимга киришини ва менга абадий ҳаёт бахш этишини сўрадим".

и. **"Кейин" қисмини чўзмасдан, Масихга имон келтириб эришган устунликларингиздан бир нечта мисол келтириб яқунланг.** Булар ҳаётингиздаги амал ва муваффақиятлардан мисол бўлиши мумкин. Ҳикоянгиздаги сўнгги жумла тахминан шундай янграши керак: "Энг катта устунлик шундан иборатки, мен энди абадий ҳаётга эга эканлигимни биламан". Тингловчилар кўпинча қиссангизни қандай тугатганингиз хусусида мулоҳаза билдиришади. Агар бу мулоҳаза абадий ҳаётга доир бўлса, тингловчига хушxabарни тушунтириш учун эшиклар доимо очикдир.

к. **Ақидавий фикр-даъволарни айтманг, улар шубҳаланувчи кишиларда гумон ўйготиши мумкин.** Мана бир неча мисол:

1. Қониқарсиз: "Мен ибодат қилдим ва энди Масих мен билан бирга эканлигини биламан"

2. Қониқарсиз: "Худо менга ажойиб эр (хотин, болалар)ни насиб қилди".

3. Муваффақиятли: "Мен ибодат қилиб, Масихдан қалбимга киришини сўрадим. Шундан бери қалбим осойишта..."

л. **Катта кишининг нуқтаи назаридан гапиринг.** Худо сари йўл тўғрисидаги ҳикоянгизда, Масихга ёшлик даврингизда мурожаат қилган бўлсангизда, балоғатга етган кишининг нуқтаи назарини акс эттиринг.

1. Қониқарсиз вариант: «Отам менга Исо кимлигини тушунишга ёрдам берди».

2. Муваффақиятли вариант: «Мен ота-онам билан давомли ва жиддий суҳбатлар қурадим. Бир куни отам билан биргаликда, аслида Исо ким бўлганлигини батафсил муҳокама қилдик».

м. Кераксиз ва муҳим бўлмаган **иқир-чиқирларни қалаштирманг.** Турли исмларни кўп айтманг, кўр сонли учрашувларингиз, иш жойларингиз ва бир жойдан иккинчисига кўчганлигингизни камроқ ёдга олинг. Имкон бор жойда фамилиялардан воз кечиб, фақат исмларни ўзинигина айтинг.

1. Қониқарсиз вариант: "Маҳсулотлар билан савдо қилувчи офисимиз компаниясига Ғайрат Қодиров ва унинг қариндоши Эргаш ака келишди..."

2. Муваффақиятли вариант: "Бир куни ишда мен билан Ҳамид Жўраевич ва унинг дўсти суҳбатлашиб қолдилар..."

3. Ахборотни битта жумлада беришга ҳаракат қилинг: "Бешта шаҳарни кезиб, турли жойларда таълим олганимдан сўнг, ниҳоят, биринчи марта муҳандис бўлиб ишга жойлашдим".

### **3. Худо сари йўл тўғрисида ҳикояни тайёрлашда изчиллик**

а. Ёзишга киришишдан аввал ибодат қилиб, Худодан ёрдам сўранг. Ҳикоянгиз устида ишлашда ундан донолик ва ғоялар истанг.

б. **АВВАЛ, ҚАНДАЙ ва КЕЙИН** деб белгиланган учта варақда қисқа қайдлар қилинг.

- в. Дастлабки барча қайдлардан фойдаланиб, биринчи қораламани тайёрланг. (Уни ўқишга 5 дақиқа вақтингиз кетади). Шундан сўнг юқорида тавсия этилган 12 та кўрсатманинг барчасидан фойдаланинг (а – м бандлар).
- г. Иккинчи қораламага тузатиш ва тўғрилашлар киритинг (етақчингиз бунда сизга катта ёрдам кўрсатиши мумкин).
- д. Матнингизни ўқишга 2,5-3 дақиқа кетадиган даражада қисқартиринг (раҳбарингиз бунда ҳам кўмаклашиши мумкин).
- е. Ҳикоя режасини алоҳида варақчада тузинг. Фақат режадан фойдаланиб, гувоҳлигингизни ҳикоя қилишга ҳаракат қилиб кўринг.
- ж. Нутқингизни 3-4 дақиқага сиғиштириб, ҳикоянгни режасиз баён этишни ўрганинг.


## Худо сари йўл тўғрисида ҳикоя қилишнинг икки усули

1. *Тарихий.* Бундай ёндошувда сиз воқеа ва ҳодисаларни хронологик кетма-кетликда баён этасиз.



Ушбу режадан сиз қуйидаги ҳолларда фойдаланишингиз мумкин, агар...

- а. Балоғатга етиб Масихга келган бўлсангиз.
  - б. Масихий бўлгунингизга қадар кечирган ҳаётингизга оид анчагина қизиқарли маълумот мавжуд бўлса.
  - в. Масихий бўлишингиз тажрибаси ҳикоянгизда катта қисмни эгаллайди, чунки *бўлиб ўтган* воқеалар сиз учун алоҳида аҳамиятга эга (шунга мувофиқ «Аввал» қисми қисқаради).
2. *Шарҳ (Мозийга назар)*



Бундай ёндошувда шу кунгача кечган ҳаётингизни қизиқарли, аммо қисқа шарҳлайсиз. Гувоҳлигингизда бу шарҳ «Аввал» қисмининг ўрнини эгаллайди. Шундан сўнг сиз ҳаётингизда руҳий бурилиш ясалган жойга қайтасиз. Бу ерда сиз бевосита «Қандай» қилиб масихий бўлганингиз ёки шундан сал аввал бўлган воқеаларни ёдга оласиз.

Қуйидаги ҳолларда сиз ушбу режадан фойдаланишингиз мумкин, агар...

- а. Ёш даврингизда Масихга келган бўлсангиз.
- б. Болалик ва ўсмирлик чоғларингиз эътиборга лойиқ бўлмасдан, ҳаётингиздаги қизиқ воқеалар балоғатга етганингизда бошланган бўлса.
- в. "Қандай" қисми жуда қисқа бўлса.



## **8-МАШҒУЛОТГА ТОПШИРИҚ:**

1. *Муқаддас ёзувни ёд олиш:* «Саккизинчи ҳафта» дастурини яқунланг (42-бет).  
"Мулоқот" мавзусида иккинчи оятни ёд олинг: Ибронийларга 10:24-25.
2. *Худо билан яқка қолиш вақти:* Қайдлар ва кўчирмалар қилиб, мутолаада давом этинг.
3. *Худо сари йўл тўғрисида ҳикоя:* «Худо сари йўл тўғрисида ҳикояни тайёрлашда изчиллик бўлимида "а" ва "б" бандлар устида ишланг, бунга камида 45 дақиқа вақт ажратинг (38-бет). *АВВАЛ, ҚАНДАЙ ва КЕЙИН* деб белгиланган учта варақда қисқа қайдлар қилинг. Кейинги ҳафтада уларни ўзингиз билан олиб келишни унутманг.

# 8-машғулот

## **МАШҒУЛОТ ТАРТИБИ:**

1. Оятларни такрорлаш учун гуруҳларга бўлининг ва «Мулоқот» мавзусидаги иккинчи оятни такрорланг: Ибронийларга 10:24-25.
2. *Муқаддас Китобни ўқишда ёзувлар кундалигида* ёзган фикрларингиз билан ўртоқлашинг.
3. *Худо сари йўл тўғрисида ҳикояни тайёрлашда типик хатолар»* бўлимини ўқиб чиқинг ва муҳокама қилинг (43-бет).
4. *Худо сари йўл тўғрисида ҳикоя устида ишлаш режасини* ўқиб чиқинг ва муҳокама қилинг (43-бет).
5. Гуруҳдаги ўртоқларингиз билан *АВВАЛ, ҚАНДАЙ* ва *КЕЙИН* деб белгиланган қайдларингиз билан ўртоқлашинг ва муҳокама қилинг.
6. *9-машғулотга топшириқни* ўқиб чиқинг (44-бет).
7. Машғулотни ибодат билан якунланг.

## ***Муқаддас Китобни ёд олишга доир ўғитлар –саккизинчи ҳафта***

### ***Оятлар тўғрисида***

#### **5-МАВЗУ. МУЛОҚОТ**

Биз барчамиз айнан масиҳий мулоқотга хос бўлган ўзаро қўллаб-қувватлашга, ўғит беришга, ва огоҳлантиришга муҳтожмиз. Биринчи асрдаги имонлиларнинг тасавурида бундай мулоқот зарур шарт эди: «Улар ҳаворийларнинг таълимотига, муштарак ҳаётга, нон синдиришга ва тоат-ибодатларга астойдил берилиб борар эдилар» (Ҳаворийларнинг 2:42).

**Ибронийларга 10:24-25:** Ушбу оят, доимий мулоқот чоғида биз ўзимизни муҳаббат ва яхши ишларда рағбатлантиришимиз лозимлигини эълон қилади. Имонлилар билан мулоқот бизнинг Масиҳга бўлган ишончимизни мустаҳкамлашга ва Унга итоаткорликда кўмаклашади.

### ***Ҳафталик режа***

1. Матто 18:20 оятни такрорлаш учун мўлжалланган бошқа оятларга қўшиб қўйинг, Ибронийларга номанинг 10:24-25 оятлари эса хотирлаш учун доим қўл остингизда бўлиши керак.
2. Вазифангиз, кун давомида ҳеч бўлмаганда бир марта ҳар бир оятни такрорлашдан иборат. Аммо кўпроқ такрорлай олсангиз, ундан ҳам яхшироқ бўлади.
3. Оятни қанчалик яхши ёд олганингизни текшириш учун уни ёдаки ёзинг ёки бирон кишига айтиб беринг.

## ***Худо сари йўл тўғрисида ҳикояни тайёрлашда йўл қуйиладиган типик хатолар***

### **1. Даствлабки қораламани ёзишда ортиқча синчковлик**

Кўпчилик даствлабки қораламани ёзаётганидаёқ ишидаги ҳар бир майда камчилик ёки чизиб-бўяшга ортиқча эътибор қаратади. Сиз биринчи сафарданок мукамал бўлишига интилишингиз асло шарт эмас, шу сабабли қоғозни аяманг! (Ҳикояни қисқартириш уни кенгайтиришга нисбатан доим осон кечади). Етакчи ва гуруҳнинг бошқа аъзолари кейинчалик ишингизга тузатишлар киритишга ёрдам беришади («Худо сари йўл тўғрисида ҳикоя устида ишлаш режаси»га қаранг).

### **2. Ортиқча хотираларга берилиш**

а.. Кимгадир (ёки айрим кишиларга) ўта чуқур ички таҳлил ёхуд ўтмишдаги кўнгилсиз хотирлар туфайли хафа бўлиш хосдир.

б. Кимдир нафақат ўтмишдаги воқеаларни эслаш, балки уларни яна бир бор кўнглидан кечиришга мойилдир. Ўтмиш ҳиссиётлар уларни шунчалик эгаллаб оладики, мазкур ёзма иш бажарилмасдан қолади.

в. Бошқа бировлар эса эски низоларни тинчитиш билан банддир.

### **3. Руҳий мавзуга тез ўтиб кетиш**

Худо сари йўл тўғрисидаги ҳикоянгизда руҳоний мавзуга тез ўтиб кетиш мақбул эмас. Тингловчиларга сизни оддий бир инсон сифатида билиб олишига имкон беринг. Ҳикоянгизда бутунича руҳий мавзу ортиб кетишига йўл қуйманг.

### **4. Масиҳга қайси пайт мурожаат қилганингиз тўғрисида беҳуда хавотир**

Кўпинча инсон ўзининг ҳаётида, мурожаат деб аталувчи бир неча лаҳзаларни бошидан кечиради. Буни тушуниб етишда сизга гуруҳдаги ўртоқларингиз ва етакчи ёрдам беради. Мазкур воқеа-ҳодисалар устида фикр юритиб, сиз балки ўзингизни ҳам қайтадан ва чуқурроқ тушуниб етарсиз. Борди-ю, сизнинг воқеангиз жуда мураккаб бўлса, етакчи ёки бошқа бир тажрибали киши бошингиздан кечираётганларни пухтароқ таҳлил қилишга кўмаклашади. Ҳозирча ўзингизга маълум бор нарсани ёзиб қўяверинг.

### **5. Топшириқ қийин бўлгани учун кейинга ташлаш**

Ҳикоя ёзишдек мураккаб вазифани удалаш учун сиз бир неча соат ғайрат билан ишлашингизга тўғри келади. Уни кейинга ташламанг: бу сизга енгиллик келтирмайди. Ишга қанчалик тез киришсангиз, эришган натижаларингиздан шунча тез хурсанд бўласиз!

## ***Худо сари йўл тўғрисида ҳикоя устида ишлаш режаси***

1. Тайёр қоралама билан 9-машғулотга келинг.
2. Етакчи даствлабки вариантнингизнинг кучли томонлари тўғрисида сўзлаб беради ва киритилиши лозим тузатишларни таклиф этади.
3. Барча мулоҳазаларни ҳисобга олинг ва яхшиланган қоралама тайёрланг.
4. Етакчи яна қандайдир тузатишлар киритиши мумкин.
5. Мазку тартиб-амалиётни (3; 4-бандлар), токи ҳикоянгиз тайёр бўлгунича такрорланг. (Бу «Худо сари йўл тўғрисида ҳикояни тайёрлашда изчиллик» бўлимнинг 3-г ва 3-д бандларига (39 бетда) мос келади.
6. Етакчингиз, сиз ёзган ҳикоя тайёр шаклга келган деб ҳисобласа, уни қуйида кўрсатилгандек, режа шаклида алоҳида varaқчага ёзинг.
  - а. Ҳикоянгизнинг охириги ёзма вариантыда акс этган асосий мавзулар рўйхатини тузинг.
  - б. Ушбу рўйхатнинг ҳажмини қисқартиринг.
  - в. Асосий мавзулар рўйхатига таяниб, ҳикоянгизни сўзлаб беринг.
  - г. Мавзуларингиз рўйхатини янада қисқартиришга ҳаракат қилинг.
  - д. Энди ушбу режани бошқа varaқчага ёзинг.
  - е. Кўз олдингизга янги varaқчадаги режани қўйиб, тарихингизни яна қайта сўзлаб беринг.
  - ж. Шу режадан фойдаланиб, ҳикоянгизни етакчига айтиб беринг.

## **9-МАШҒУЛОТГА ТОПШИРИҚ:**

1. **Муқаддас Китобни ёдлаш:** "Тўққизинчи ҳафта" дастурини тўлиқ ўтинг (45-бет). «Гувоҳлик» мавзuidaги биринчи оятни ёдланг: Матто 4:19.

2. **Худо билан ёлғизлик пайти:** Қайд ва ёзувлар қилиб Муқаддас Китобни ўқишни давом этинг.

3. **Худо сари йўл тўғрисида ҳикояни тайёрлаш:** 9-машғулот 3-4 соатга мўлжалланган. Унинг мақсади Худо сари йўл тўғрисида ҳикояни жадал тайёрлашдир. Унга дам олиб, ишчан кайфиятда келинг. Худо сизга, барча ўқувчиларга ва етакчингизга заковат беришини сўраб ибодат қилинг. Учта варақда бажарилган қайдлардан фойдаланиб, ҳикоянгизни биринчи қораламасини тузинг. Ҳикоя режасини ўзингиз билан олишни унутманг.

4. **Бошқа вазифалар:** Барча керакли вазифалар бажарилиб, *Материални ўрганиш кундалигига* киритилган бўлишини назорат қилинг.

# 9-машғулот

## МАШҒУЛОТ ТАРТИБИ:

1. Мўлжалланган оятларни такрорлаш учун гуруҳларга бўлининг ва «Гувоҳлик» мавзусидаги биринчи оятни такрорланг: Матто 4:19. Керакли нарсаларнинг барчаси *Материални ўрганиш кундалигида* белгиланган бўлишига ҳаракат қилинг.
2. *10-машғулотга топириқни* ўқиб чиқинг (46-бет).
3. Ибодат қилинг.
4. Ҳикоянгизни тузиш бўйича ишингизни давом эттиринг.

## ***Муқаддас Китобни ёд олишга доир ўғитлар – тўққизинчи ҳафта***

### ***Оятлар тўғрисида***

6-МАВЗУ. ГУВОҲЛИК

Масиҳни танимайдиганларга Хушхабар етказиш имконини бериб, Худо бизга улкан ҳурмат ато этди. Биз Унинг гувоҳлари бўлиш учунгина ер юзида яшамокдамиз.

**Матто 4:19:** Икки балиқчига Исо таққослаб бўлмайдиган бошқа касбни: «инсон овловчилар» бўлишни таклиф этди. Биз нима билан шуғулланмайлик, Исо Унинг ортидан боришимизни ва инсонлар орасида Хушхабарни тарқатишда Унинг билан бирга иштирок этишимизни истайди.

### ***Ҳафталик режа***

1. Матто 4:19 ва Римликларга 1:16 оятларни такрорлаш учун мўлжалланган бошқа оятларга қўшиб қўйинг. Бу ҳафтада сиз фақат Матто келтирган Хушхабарнинг 4:19 оятини ёд оласиз.
2. Вазифангиз, кун давомида ҳеч бўлмаганда бир марта ҳар бир оятни такрорлашдан иборат. Аммо кўпроқ такрорлай олсангиз, ундан ҳам яхшироқ бўлади.
3. Ҳафтанинг охирида машғулотга боришдан аввал янги ёдлаган оятингизни ёддан ёзинг ёки бирон кишига айтиб беринг.

## **10-МАШҒУЛОТГА ТОПШИРИҚ:**

1. **Муқаддас Китобни ёдлаш:** *Ўнинчи ҳафта дастурини* яқунланг (47-бет). «Гувоҳлик» мавзусидаги иккинчи оятни ёд олинг: Римликларга 1:16. Биладиган оятларингизни кунт билан такрорланг.
2. **Худо билан ёлғизлик пайти:** Қайд ва ёзувлар қилиб Муқаддас Китобни ўқишни давом этинг.
3. **Худо сари йўл тўғрисида ҳикоя:** Режангиз ёзилган варақча ёрдамида Худо сари йўлингиз тўғрисида ҳикоянгизни сўзлаб беришга тайёр ҳолда машғулотга келинг.
4. **Бошқа вазифалар:** «*Менинг қалбим – Масихнинг уйи*» мақоласини (48-54 бетлар) диққат билан мутолаа қилинг ва қайдлар қўйинг. «*Менинг қалбим – Масихнинг уйи*» мақоласини муҳокама қилиш» бўлимининг кириш қисмини ўқиб чиқинг (54-55 бетлар). Сизнингча, ҳар бир хонанинг маъноси нима эканлигини қисқача ёзинг (55-56 бетлар).

# 10-машғулот

## МАШҒУЛОТ ТАРТИБИ:

1. Гуруҳларга бўлининг ва «Гувоҳлик» мавзусидаги оятлардан иккинчисини такрорланг: Римликларга 1:16. Керакли нарсаларнинг барчаси *Материални ўрганиши кундалиги*да белгиланган бўлишига ҳаракат қилинг.
2. Худо билан ёлғизлик пайтида келган *Муқаддас Китобни ўқишда ёзувлар* кундалигингиздан олинган фикрларингиз билан ўртоқлашинг.
3. 12 машғулотларни ўтказиш жойи ва вақтини мувофиқлаштиринг – кунингизни ярмини ибодат эгаллайди. (бу 11-машғулотда батафсил муҳокама қилинади).
4. «*Менинг қалбим – Масиҳнинг уйи*» мақоласи бўйича мунозара ўтказинг (48-54 бетлар).
5. Ёнингизда мавзулар ёзилган варақча билан сизнинг имонга йўлингиз тўғрисида ҳикоя билан чиқиш (ҳар бири 4 дақиқадан ортиқ эмас) имкониятидан фойдаланинг.
6. Зарурат бўлса, ҳикояларингиз устида яна ишланг.
7. *11-машғулотга топшириқни* ўқиб чиқинг (56-бет).
8. Машғулотни ибодат билан якунланг.

## ***Муқаддас Китобни ёд олишга доир ўғитлар – Ўнинчи ҳафта***

### ***Оят тўғрисида***

6-МАВЗУ. ГУВОҲЛИК

Исо Масиҳнинг гувоҳлари сифатида биз У тўғрисида гапиришда табиий ҳадикни енгишимиз лозим.

**Римликларга 1:16:** Барча инсоний эҳтиёжларга ягона ҳақиқий жавоб бўлган - кутқарилиш учун биз қўрқмасдан ва тортинмасдан Хушxabарни, Худонинг кучини олиб боришимиз керак. Исо деганди: «Кимда ким инсонлар олдида Мени тан олса, Мен ҳам осмондаги Отамнинг олдида уни тан оламан» (Матто 10:32).

«Авалло яҳудий, сўнг турли халқдан имон келтирган ҳар бир киши учун...» (Римликларга 1:16) ибораси, Инжил барча инсонларга мўлжаллангани ва унинг аҳамияти борлиқни қамраб олишини англатади.

### ***Ҳафталик режа***

1. Ёдлаган оятларингизни такрорлашни давом этинг ва Римликларга 1:16 оятини ёд олинг.
2. Бирон нарсани хато ёдламаганингизга ишонч ҳосил қилиш учун бирон кишидан ёд олган барча оятларингизни текширишини сўранг. Бу киши сизга мавзуларни, ёки мавзу ва ҳаволаларни айтиб турсин. Бу иккалангиз учун ҳам яхшилик бўлиб, уни ҳам, агар шу пайтгача бажармаган бўлса, Муқаддас Китоб оятларини ёд олишга ундаши мумкин.
3. Римликларга 1:16 оятини ёд олганингиздан сўнг «А» туркумидаги барча карточкалар "*Масиҳ билан бошлаш*" мавзусидаги бешта карточка билан битта пакетга жойлаш лозим. Сиз ЁМТнинг биринчи қисмини якунладингиз.

## *Менинг қалбим – Масихнинг уйи*

Роберт Бойд Мунгер

Павлуснинг Эфесликларга номасида шундай сўзлар битилган: «У Ўзининг улуғвор бойлиги билан сизларни куч-қудратли қилсин, Ўз Руҳи билан ички бойлигингизни бақувват қилсин. Масихни имон билан дилингизга жо қилинглар» (Эфесликларга 3:16-17). Ушбу сўзларнинг маъносини бошқача ифодаласак ҳам бўлади: «Имонингиз шарофати билан Масих қалбингизда қарор топсин ва унда уйига эга бўлсин».

Ҳеч шубҳасиз, масихийлик ақидасининг энг эътиборли қоидаларидан бири шудир: Бизда Муқаддас Рух мавжудлиги сабабли Исо Масихнинг Ўзи инсон қалбига киради ва унда уйга эга бўлиб, истиқомат қилади. Масих Уни таклиф этган ҳар бир инсоннинг қалбида яшайди.

Раббимиз Ўз шогирдларига бундай деб айтган: "Ким Мени севса, Менинг сўзимга амал қилади. Отам ҳам уни севади. Биз унинг ҳузурига келиб, Ўзимизга маскан яратамиз" (Юҳанно 14:23). Аммо Масих, тез орада уларни тарк этиши лозим эканлигини кўшиб қўйган. Шогирдлари У айтган гапларнинг маъносига етишга қийналганлар. Қай тариқа энди Масих уларнинг ҳузурида «маскан яратамиз» деб, бир пайтнинг ўзида уларни тарк этиши мумкин экан?

Раббимиз бундан илгари ҳам Юҳанно келтирган Хушхабарда шу тасвирдан ажойиб тарзда фойдаланади: "Мана, Мен бориб сизларга жой тайёрлайману, яна келиб, Мен бўлган жойда бўлишингиз учун сизларни олдимга олиб кетаман " (Юҳанно 14:3). У Ўз шогирдларига бундай ваъда қилган: Модомики У осмонга кўтарилиб, улар учун жой тайёрлаш ва бир пайт келиб уларни ўша жойда қутлаш ниятида кетаётган экан, шогирдларида ҳам энди Унинг билан бирга маскан қуриш қалбларида жой тайёрлаш имконияти бордир. Шогирдлар бу қандай юз бериши мумкинлигини англаб етмаганлар.

Аммо ниҳоят Элликкунлик етиб келганда, тирик Масихнинг Руҳи жамоатга кўнди ва Раббимизнинг башорати шогирдларга аён бўлди. Худо Қуддусдаги Ҳираднинг эҳромида истиқомат қилмас экан! Худо биронта ҳам қўл билан бунёд этилган эҳромда ҳам яшамас экан; аммо эндиликда, нозил бўлган Рух воситасида, Худо ҳар бир инсоннинг қалбида қарор топади. Имонли кишининг танаси Тирик Худонинг эҳромига, унинг қалби эса Исо Масихнинг уйига айланади.

Инсон боласи ўз қалбида Масих учун маскан яратиб, ўша ерда Уни қутлаши, Унга хизмат қилиши, Унга манзират қилиши ва тобора яхшироқ таниб боришдан ҳам ортиқ шарафга муносиб бўлиши мумкинлигини тасаввур қилишим қийин. Бир оқшом (мен бу оқшомни ҳеч қачон унутмайман) мен Уни қалбимга киришини сўрадим. Ва У таклифимни қабул қилди! Менда бирон ҳис-туйғу тўлқинланмади, аммо барчаси ҳақиқатдан содир бўлиб, қалбимнинг энг чуқур бурчакларига кириб борди. Масих зимистон қалбимга кириб, чироқ ёқди. У совуб қолган ўчоқда ўт ёқди ва совуқ чекинди. Илгари жимжит жойда мусиқа садолари эшитилди; алғов-далғовлик ўрнини уйғунлик эгаллади, юрагимдаги бўшлиқни У муҳаббатга йўғрилган Ўзининг ажойиб дўстлиги билан тўлдирди. Мен Масихга эшигимни очганимдан бирон марта пушаймон бўлмадим ва бундан кейин ҳам ҳеч қачон пушаймон бўлмаслигимни биламан!

Албатта, буларнинг барчаси Масих учун қалбимда маскан яратиш учун дастлабки кадам, холос. У шундай деган: «Мана, мен эшик олдида туриб, тақиллатяпман. Кимдаким овозимни эшитиб эшикни очса, Мен унинг ёнига кираман; Мен у билан, у Мен билан кечки овқатни баҳам кўраамиз» (Ваҳий 3:20). Агар сизда Худонинг ҳақиқий моҳиятини англаш, ўзингизни тирик Худо – Исо Масихнинг маскани этиш ниятингиз бўлса, фақат эшикни очиб, Унга киришни, Халоскорингиз ва Худовандингиз бўлишини сўрасангиз бўлди. Масих менинг қалбимга кирганидан сўнг, янги эришилган муносабатлардан қувониб, мен Унга: «Раббим, мен қалбимни ростдан сенга тегишли



бўлишини хоҳлайман. Қалбимда абадий маскан топишингни истайман. Менда нимаики бўлса, Сенга тегишлидир. Аммо мени қалбим ва ҳаётим деб аталадиган уйимнинг хусусиятлари билан таништирмоқчиман, токи Сен Ўзингни унда қулайроқ сезгин ва мулоқотимиз тўлароқ бўлсин», дедим. У киришдан бахтиёр эди ҳамда менинг ўртамиёна қалбимда Унга жой топилганидан янада бахтли эди.

### **Кутубхона**

Уйдаги биринчи хона иш кабинетим – кутубхона эди.

Келинг, уни ақлимизнинг иш кабинети деб номлайлик. Менинг уйимда ақл кабинети унча катта эмас, деворлари қалин. Аммо бу жуда муҳим хона. Қай бир маънода у ердан туриб бутун уй бошқарилади. Масиҳ у ерга мен билан кирди ва ён-атрофга разм солиб, назарини бир китоб жавонидаги китобларга, бир стол устидаги журналларга, деворда илинган суратларга ташлади. Унинг назар солишидан мен ўзимни тобора ноқулайроқ сезардим. Таажжуб, ахир мен илгари буларда бирон ёмон нарса илғамасдим, аммо эни, биргаликда тикилганимизда, ўзимни ноқулай сезиб борсам. Унинг нигоҳи тоза бўлиб, китобларимнинг айримларида тўхтаб қолмади, журнал столи устида ҳам анча-мунча лаш-лушлар ётганди: масиҳий вақтини бу каби «матбуотга» сарфлаши керакмасди; девордаги суратларга, яъни, менинг онгимни эгаллаган тасаввур ва фикрларга келсак, мен улар учун уялиб кетдим.

Мен қизариб, Унга бурилдим ва: «Раббим, биламан, бу хона яхшилаб тозаланиши ва ўзгартирилиши лозим. Менга уни тартибга келтиришда – «ҳар бир фикрни сенга асир қилишга» ёрдам бермайсанми?» - деб сўрадим.

«Албатта, - деб жавоб қайтарди У. – Сенга жоним билан ёрдамлашаман. Ахир, бу ерга шунинг учун келдим-ку. Аввало, сен ўқиб қарайдиган нарсалардан фойдасиз, нопок, яхшилик ва ҳақиқатга хизмат қилмайдиган нимаики бўлса, ажратиб, нари ташла! Бўшаб қолган жойларга эса Муқаддас Китобни жойла. Кутубхонангни Муқаддас Китоб ила тўлдир ва унинг устида туну кун фикр юритгин. Суратларга келсак, бу тасвирларга бас келиш энгил бўлмайди, аммо Мен сенга кўмаклаша оламан». Шундай деб, У Ўзининг бор бўйи тушган суратини берди. «Буни хонанинг ўртасида, ақлингни деворида илиб қўйгин» - деди. Мен шундай қилдим. Кўп йилдан бери фикрларимни Масиҳда жамласам, бемаза тасаввур ва хаёллар Унинг тозалиги ва кучи олдида чекинишига амин бўламан. Шу тариқа Унинг Ўзи фикрларимни Унга бўйсундиришга ёрдам беради.

Сизларни даъват этишга рухсат беринг – борди-ю, ақлингизни кичик хонасида муаммоингиз бўлса, унда Масиҳга жой беринг; уни Худонинг Каломи билан тўлдиринг; бу Каломни ўрганинг ва Раббимиз Исо хузурида доимо унинг устида фикр юритинг.

### **Ошхона**

Кутубхонадан биз ошхонага – менинг ҳавас ва истакларим хонасига йўл олдик. Бу жуда катта хона бўлиб, ўз хоҳишларимни қондирмоқ учун мен у ерда анча пайтимни сарфлаганман.

«Бу менинг яхши кўрган хонам ва унда нимаики тортиқ қилишса, Сенинг дидингга ўтиради», - деб айтдим.

У столга ўтириб: «Бугун кечки овқатга нима?» - деб сўради. «Хўш, - жавоб бердим, - мен яхши кўрган таомлар: пул, университет дипломлари, акциялар, қайласига шараф ва омад тўғрисида газета мақолалари». Бу дунёвий овқатлар менга ростдан ёқар эди. Мен санаб берган «таомларда» аслида бўлмағур эмасди. Аммо уларни ҳақиқий руҳий озиқ деб бўлмасди. Улар Масиҳнинг олдида қўйилганида, у ҳеч нима демади, аммо бирон нарса тотинмади. Безовталаниб: «Халоскорим, бу таомга эътибор ҳам қилмаяпсан. Нима гап?» - деб сўрадим.

«Мен сенга номаълум овқат билан озиқланаман. Менинг овқатим – Мени Юборганнинг иродасини адо этишдир», - деб жавоб берди У. Ҳамда менга тикилиб: «Сен ҳам

хақиқатдан тўйимли овқат истасанг, лаззат ва хоҳиш-истакларингни қондиришни эмас, Отанинг иродасини излагин. Раббимизни хурсанд қилишга интил, бундай овқат сени қониқтиради. Мана буни татиб кўр!», - деди. Шу ерда, столнинг бошида, У менга Худонинг иродасини бажариш таъмини тотдирди. Дунёда бирон нарса бу овқатнинг таъми билан тенг келмасди. Фақат угина тўйдириб, қониқтиради. Бошқа барча нарса, охир-оқибат, очликдан халос қилмайди.

Хоҳиш-истакларимиз ошхонасининг таомномаси қандай? Илоҳий Дўстимизни нима билан меҳмон қиламиз ва ўзимиз нима еймиз? «Чунки дунёга хос ҳар бир нарса – тана нафси, хирсли кўзлар, маишатга оид кибр-ҳаво Отадан эмас, балки дунёдандир» (1-Юҳанно 2:16). Ўзимизнинг худбин истақларимизними? Ёхуд ҳар кунги овқат учун Худонинг иродасини танлайсизми?

### **Меҳмонхона**

Сўнг биз меҳмонхонага ўтдик. Бу хона тинч ва шинамгина эди. Мен унда бўлишни яхши кўрардим. Бу ерда хонани иситадиган камин (тошўчок), китоб жавони, юмшоқ ўриндиқлар ва энг асосийси- тинч, илиқ муҳит мавжуд эди.

Унга ҳам меҳмонхонам ёққандай эди. «Дарҳақиқат, бу жуда ажойиб хона экан, - деди У. – Кел, бу ерга тез-тез келиб турамиз. Бу ерда сокинлик ва кимсасизлик ҳукмрон, барчаси суҳбат ва мулоқотга чорлайди».

Аммо, ёш масиҳий бўлганим учун мен ҳаяжонландим. Масиҳ билан ёлғизликда, У билан дилдан мулоқот қилиб ўтказган бир неча дақиқаларимни дунёда ҳеч бир нарсага алмашмасдим.

«Мен бу ерга ҳар куни тонг саҳар келаман. Кел, бу ерда учрашиб, кунни биргаликда бошлаймиз», - дея ваъда берди У. Шундан буён мен ҳар кун тонг пайтида У ҳам ташриф буюрадиган меҳмонхонамга тушишни одат қилдим. У китоб жавонидан Муқаддас Китобни олиб очар ва биз биргаликда мутолаага киришардик. У менга Ўзининг хазиналари тўғрисида ҳикоя қилиб, уларда яширинган ҳақиқатларни маълум қиларди. Унинг саҳифаларидан аён бўладиган халоскор ҳақиқатлардан мени хабардор қиларди. Ўзининг муҳаббати ва раҳматини кўрсатганида қалбим қувончдан куйларди. Муқаддас Китоб ва Муқаддас Рух воситасида У менга мурожаат қиларди. Мен ибодатда Унга жавоб қайтарардим. Шундай қилиб, Масиҳ билан ёлғизлик ва шахсий мулоқот пайтида У билан дўстлигим мустаҳкамланарди.

Аммо секин-аста, турли сабаблар таъсири остида бу вақт қисқара бошлади. Нима учун бундай бўлганини билмайман, лекин Масиҳга мунтазам вақт ажратиш учун жуда банд эканимдек туюла бошлади. Тушунинг, бу атайлаб эмас, ўз-ўзидан бўларди. Охир-оқибат, нафақат биргаликда ўтказадиган вақтимиз, балки университетдаги имтихонлар ёки бошқа шошилинч ишлар сабабли мен Исо билан ёлғизликда ва суҳбатда ўтказадиган кунларни ҳам унута бошладим. Кетма-кет икки ва ҳатто ундан ортиқ кунни ҳам ўтказиб юборган пайтларим бўлди.

Ёдимда, бир куни эрталаб қандайдир муҳим учрашувга кетаётган эдим. Меҳмонхона ёнидан ўтаётиб, эшик ярим очиқ эканлигини кўрдим. Бошимни суқиб, мен тошўчоқда ўт ёнаётганини ва олов ёнида ўтирган Раббимни кўрдим. Шу пайт даҳшат ила ўйладим: «У – менинг Меҳмоним. Мен Уни қалбимга киришга таклиф этдим. У қалбимга Халоскор сифатида, мен билан яшаш учун кирди, мен эса Уни эътиборимдан четда қолдирсам». Мен бурилиб, журъатсизгина меҳмонхонага кирдим. Унга ғамгин тикилиб, дедим: «Шарофатли Раббим, мени кечир. Сен ҳар куни эрталаб бу ерга келармидинг?»

«Ҳа, - дея жавоб қайтарди У. – Ахир Мен, сен билан учрашиш учун ҳар куни шу ерга келаман демабмидим?» Мен ўзимни уятдан қаерга қўйишни билмай қолдим. Мен сўзимда турмасам-да, У сўзига содиқ қолди. Мен Ундан кечирим сўрадим ва У мени кечирди. Биз айбларимизни чин юракдан тан олиб, тузатишимизни истасак, У доим шундай йўл тутади.

У бундай деб айтди: «Қийинчилигинг шундаки, сен Муқаддас Китобни ўрганишга бағишланган ёлғизлигинг ва ибодат вақтинг тўғрисида фақат ўзингни рухий ўсишинг учун аҳамиятга эгадек фикрлардинг. Бу тўғри, аммо сен билан ўтказилган бу соатлар Мен учун ҳам аҳамиятли эканлигини унутдинг. Сени севишимни ёдингда тут. Гуноҳдан фориг бўлишинг учун мен жуда юксак ҳақ тўлаганман. Сен билан дўстликни истайман. Шунинг учун ҳам,-давом этди У, - ҳеч бўлмаганда Мени деб бу вақтдан воз кечма. Турли ишлар билан шуғулланишни қанчалик кучли истасангда, улар қанчалик муҳим бўлмасин, сен билан мулоқотда бўлмоқчи эканлигимни ёдингда тут!»

Биласизми, Масихнинг Ўзи мен билан дўст бўлишни исташи, мени севиши, мени У билан қолишимни исташи ва мени кутишини англаб етганим Унинг билан ўртамаздаги муносабатлар ўзгаришида улкан аҳамиятга эга бўлди. Масихни қалбингиз меҳмонхонасида узоқ вақт ва бекордан-бекорга кутишига йўл қўйманг, ҳар кунингизни Худонинг Каломини ўқиб ва Унга ибодат чоғида мурожаат этиб, Унинг билан мулоқот учун сарфланг.

### **Устахона**

Тез орада У мендан: "Уйингда устахона борми?,-деб сўради. Устахона қалбим уйининг ертўласида жойлашганди: у ерда дастгоҳ ва яна айрим асбоблар йиғиб қўйилганди. Аммо уларни камдан-кам ишлатардим. Айрим пайт мен пастга тушиб, турли майда мосламалар устида ишлардим. Лекин шу пайтгача бирон жўяли нарса яшаш қўлимдан келмаганди. Мен Уни пастга бошладим.

У дастгоҳни кўздан кечирди, менинг камтарона қобилятларимга баҳо берди ва «Техникавий томондан бу ерда ҳамма нарса кўзда тутилган экан. Сен ўз ҳаётингда Худонинг шоҳлиги учун нималар қиялсан» -деди. Дастгоҳ устида ётган икки-учта майда ўйинчоққа қараб, улардан бирини менга тутди. «Ана шу майда-чуйдалар – сен масихий ҳаётингда бошқалар учун амалга оширадиган бор-йўқ нарсами?» - деб сўради.

Мен хижолатдан ўзимга жой тополмай қолдим. «Раббим,- дедим мен, - бу мени қўлимдан келган энг яхшисидир! Бунинг кўп эмаслигини тушунаман, аммо ортиғига на кучим, на маҳоратим етмайди».

«Бундан яхшироқ ҳаракат қилишни хоҳлармидинг?» -деб сўради У.

«Албатта!» - дея жавоб бердим.

«Яхши. Аммо илгари Мен сенга ўргатган нарсани ёдинга ол: «Менсиз ҳеч нарса қилолмайсизлар» (Юҳанно 15:5). Энди эса ўзингни бўш тутиб, Менинг Рухимга сен орқали ҳаракат қилишга имкон бер. Менга мурожаат қил, сенинг нўноқ ва бесўнақай эканлигингни биламан, аммо Рух – ажойиб устадир ва У қўлларинг ва қалбингни назоратига олса, сен орқали Ўзи ҳаракат қила бошлайди». Сўнг У: «Ўгирил», -деди ва Ўзининг буюк ва кучли қўлларини менинг қўлларим устига қўйиб ва моҳир бармоқлари билан асбобларим ишини юритиб, мен орқали ҳаракат қила бошлади.

Мен ҳали кўп нарсани ўрганишим лозим ва мен ясаётган нарсалардан қониқишдан узоқман – чунки айрим пайт, илгаригидек, Унга тўсқинлик қиламан. Аммо шуни яхши биламан: Худо учун нимаики амалга оширилмасин, Унинг мендаги кучли қўллари ва менда маскан топган Рухининг кучи ила бажарилади.

Шу сабабдан Худо учун кўп нарса амалга оширолмасангиз, хафа бўлманг. Асосийси бизнинг қобилятимизда эмас, тайёрлигимиздадир. Ўзингизни Масихга топширинг. Унга ишонинг, ва У сиз орқали ўзингизни ҳам ажаблантирадиган ишларни амалга оширади.

### **Хордиқ ва кўнгил очиш хонаси**

У мендан хордиқ чиқарадиган хонам тўғрисида сўраган пайтни эслайман. Мен ҳар қалай У бу саволни бермайди деб умид қилардим., чунки айрим дўстона алоқаларимни ва кўнгилхушлиқларимни ошкор қилмасликни афзал билардим. Улар Масихга ёқмаслиги, уларни маъқулламаслиги мумкинлигини тушунганим учун бу саволдан ўзимни олиб қочардим.

Лекин бир оқшом улфатим билан шаҳар бўйлаб кечки сайрга чиқишга отланганимда, У мени нигоҳи билан тўхтатди. «Сен кетяпсанми?» - деб сўради У.

«Ҳа»- жавоб бердим мен.

«Яхши, унда Мен ҳам сен билан бормоқчи эдим», - деди У.

Мен хижолатда қолиб: «Раббим! Биз борадиган жой Сенга ёкмаса керак деб ўйлайман. Эртага оқшом бўлса, бошқа гап. Эрта кечки пайт биз Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича машғулотга ёки ибодатли йиғилишга борамиз, аммо бугун мен бошқа одамлар билан учрашаман»-деб жавоб қилдим.

«Истаганинг,- деди У. – Аммо, сенинг уйингга келганимда, барчасини биргаликда қиламиз деб ўйлагандим. Ахир биз яқин ўртоқ бўлмоқчи эдик-ку. Ҳар холда билиб қўй: Мен сен билан бормоқчиман».

«Майли,- дедим мен. – Эртага биргаликда бирон жойга борамиз».

Ўша оқшом мен ўзимни бечора ва бахтсиз ҳис этдим. «Масихга қандай ўртоқман-ки, - фикрлардим мен, - Унга аниқ ёқмайдиган ишларни қилиш ва жойларга бориш учун Уни ташлаб кетсам?». Шу кеч уйга қайтиб, Унинг хонасида чироқ ёниғлигини кўрдим ва гаплашиш учун ҳузурига кирдим. «Раббим, - дедим мен, - бугун мен яхши сабоқ олдим. – Энди мен, Сени тарк этиб вақтичоғлик қила олмаслигимни биламан. Бугундан бошлаб барча ишларни биргаликда бажарамиз».

Шу кеч биргаликда мен хордиқ чиқарадиган хонага тушдик ва У бу хонани бутунлай ўзгартириб юборди. У менинг ҳаётимга асл хурсандчиликни, ҳақиқий бахтни, мустаҳкам дўстликни олиб кирди. Шундан бери қалбим уйида кулги ва мусиқа жаранглайди. У табассум қилди ва кўзларида ўт чакнади.

«Мен ёнингда бўлганимда хурсандчилик қилолмайман, деб ўйлаганмидинг? “Менинг шодлигим сизларга ўтсин ва кўнглингиз қувончларга тўлсин деб” (Юҳанно 15:11) бу ерга келганимни унутма.

### **Ётоқхона**

Бир куни ётоқхонада бўлганимизда У каравотим устида кимнинг сурати илиниб турганини сўради.

«Бу менинг дугонамининг сурати»,- дедим мен. Унинг билан орамиздаги муносабатларда бирон ножўя нарса бўлмаса ҳам, бу ҳақда гапира туриб, хижолат билан табассум қилдим. Айрим масалаларда биз У билан келиша олмасдик ва мен буни Масих билан муҳокама қилишни истамасдим. Мен гап мавзусини ўзгартиришга ҳаракат қилдим. Аммо Исо мен нималар тўғрисида ўйлаётганимни билди. «Сен, бу нарса тўғрими, деган гумонга боряпсан. Мен жинсий алоқани назарда тутяпман, шундай эмасми? Фақат никоҳга кирган инсонларгина жинсий алоқада бўлиши кераклиги тўғрими? Мен сендан нотабиий, балки имкони йўқ нарсани талаб қилаётгандек туюляптими? Менинг иродамга бўйсуниб, ҳаёт ва муҳаббатдан тўлиқ лаззат ололмай қолишингдан кўрқасан. Шундай эмасми?»

«Ҳа», - дея тан олдим мен.

«Унда Мен сенга ҳозир айтадиган гапларимни диққат билан тингла,- деб давом этди У. – Мен зинони ва никоҳдан ташқари жинсий алоқаларни жинсий мулоқот ёмон нарса бўлгани учун эмас, аксинча, у – яхши эканлиги учун тақиқлайман. Жисмоний лаззат бўла туриб, у икки қалбни чуқур муҳаббат билан боғлайди. Бу инсон ҳаётининг негизи бўлмиш қудратли яратувчи кучдир. Жинсий мулоқот, унга нисбатан тегишли муносабатда бўлинса, улкан ижобий қувват касб этади. Нотўғри муносабатда эса у ёвузликка айланади. Шу сабабдан ҳам Худо жинсий мулоқот фақатгина туганмас севги билан инсонларнинг ҳаётини боғловчи ришталардагина ўз аксини топишини истайди. Сенинг гўзаллар билан ўзаро муомалангда ёрдам беришга ижозат бер. Агар ўзингни айбдор сезсанг, билки, Мен сени аввалгидек севаман ва тарк этмайман. Бу ҳақда Мен билан суҳбат қургин! Ножўя иш қилганингни тан ол! Буни бошқа қайтарилмаслиги учун чоралар кўргин! Тубанликка кетмаслик учун Менинг кучимга таян, токи икки

қалб Менда бир вужудга бирлашадиган муҳаббатга йўғрилган никоҳ муносабатларига киргин.

### ***Яширин қазноқ***

Мен улкан аҳамиятга эга яна бир воқеани айтиб бермоқчиман. Бир сафар мен, Масихнинг эшик олдида кутаётганини кўрдим. У менга диққат билан тикилди ва кирганимдан сўнг: «Уйда қандайдир бемаза ҳид бор. Нимадир чиригандек. У ерда, юқорида. Бу ҳид қайси бир яширин қазноқдан келаётгандек». У гапини тугатиб улгурмасдан гап нима тўғрисида кетаётганини билардим. Ҳа, у ерда, зинапоя майдончасида, дарҳақиқат яширин қазноқ бўлиб, мен айрим нарсаларимни кулфлаб асрардим. Уларни Масих уёқда турсин, бирон кимса кўришини истамасдим.

Мен бу ашёлар ўлик бўлиб, чириётганини билардим, аммо яхши кўрганим сабабли сақлаб қолиб, ҳатто уларнинг борлигини тан олишни истамасдим. У билан бирга мен истамасдан зинадан кўтарила бошладим, қазноққа яқинлашаверимиз билан ҳид кучаярди. У эшикни кўрсатиб: «Мана! Чирик ҳиди шу ердан келяпти!», - деди.

Менинг жаҳлим чиқди. Ўша пайтдаги ҳолатимни айнан шундай тасвирлашим мумкин. Мен Уни кутубхонага, ошхонага, меҳмонхонага, устахонага, кўнгилоҷар хонага ҳам киришга руҳсат бердим, энди эса бу митти қазноқ тўғрисида ҳам сўраяпти. «Буниси жуда ошиб тушди, - дедим мен. Бу хонанинг калитини Унга бермайман».

«Яхши, - деди У, фикрларимни ўқиб олиб. – Аммо, иккинчи қаватда қолиб, шу сассиқдан нафас олади десанг, хато қиласан. Мен узокроққа, уйнинг орқа қисмига ё ундан ҳам нарига кўчиб ўтаман». Уни пастга йўл олганини кўрдим.

Агар бир бора Масихни таниб, севиб қолсангиз, ҳис этишингиз мумкин бўлган энг ёмон нарса – Унинг дўстлигидан айрилишингиз ва Уни сиздан узоклашишидир. Мен таслим бўлдим. «Мен Сенга калитни бераман, - дедим маъюслик билан. – Аммо қазноқни Ўзинг очиб тозалашинга тўғри келади. Менинг бунга қурбим етмайди».

«Бунга кучинг етмаслигини яхши биламан, - деди У. – Фақат Менга калитни бериб, бу қазноқни Ўзимга қўйиб бер. Бу ишни Ўзим уддалайман». Қўлим қалтираб, калитни Унга бердим. У калитни олиб, эшикка йўл олди, очиб, ичига кирди, у ерда ётган чирик чиқиндиларни чиқариб, нари отди. Сўнг қазноқни тозалаб, уни қайтадан курди ва бўёқ қолади – буларнинг барчасини кўз очиб-юмгунча бажарди. Шу заҳоти соф ва тоза шамол уйга эсиб кирди. Ҳаво бутунлай ўзгарди. Оҳ, бу қандай ғалаба, қандай эркинлик экан, ҳаётингни чирикдан тозалаш! Ўтмишингизга қандай гуноҳ, қандай аламлар соя солмасин, Исо доимо кечиришга, шифо беришга ва йўқолган нарсаларни ўрнини тўлдиришга тайёр.

### ***Уйнинг эгаси ўзгарди***

Шундан сўнг мени янги фикр чўлғаб олди: "Масих ҳаққи мен қалбимни тоза ва тайёрликда тутишга ҳаракат қилдим, аммо бу қанчалар қийин эди. Бир хонадан бошлаб, уни тартибга солиб улгурмай, бошқаси ифлосланарди. Иккинчи қаватни чиқиндилардан тозалагунимча биринчи қаватни чанг босарди. Қалбимни тоза сақлашга ва итоатга тўла янги ҳаёт билан яшашга интилиб, шунчалик чарчардимки, бунга кучим етмай қолди!" Ва мен савол бердим: «Раббим, шу уй учун жавобгарликни зиммангга оласан ва худди ўша қазноқдаги каби мен учун меҳнат қиласан деб умид қилсам бўладими? Қалбимни тегишли ҳолатда сақлашингга ва ҳаётимни керакли томонга йўналтирасан деб, жавобгарликни Сенга юкласам бўладими?»

Унинг юзи ёришганини кўрдим. "Жоним билан, – жавоб берди У, – ахир Мен шу мақсадда келганманку. Сен масихий ҳаёт билан фақат ўз кучингга таяниб яшай олмайсан, бунинг иложи йўқ. Буни сен орқали ва сен учун қилишимга йўл бер. Фақат шу йўлгина самаралидир. Аммо, – секинроқ давом этди У, - бу уйнинг эгаси Мен эмаслигимни биласан-ку. Мен бу ерда меҳмонман, холос. Ўзимга тегишли бўлмаган мулкка эғалик қилолмайман".

Уни дарҳол тушуниб етиб, ҳаяжонла хитоб қилдим: "Раббим, Сен меҳмон эдинг, мен эса мезбонлик қилишга интилдим. Лекин шу дамдан бошлаб мен бу уйда хизматкор бўламан, Сен эса бу уйнинг Хўжайини ва Эгаси бўласан". Оёғимни қўлимга олиб, темир сандиққа югурдим ва ундан уйга эгалигимни тасдиқловчи ҳужжатларни, мулкнинг рўйхатини, шунингдек, мулкдорнинг мажбуриятларини ҳамда уйнинг ҳолати ва хусусиятлари ёзилган қоғозларни олдим. Унинг олдига қайтиб, бу мулкнинг барчасини Унинг номига абадул-абад хатлаб бердим. Тиз чўкиб, ҳужжатларни Унга узатдим. «Мана, - дедим мен, - бу менинг ўзим ва бор мулкимдир. Бугундан бошлаб ва доимо шу уйга эгалик қилгин. Мен эса бу ерда Сен билан хизматчи ва дўст сифатида қоламан».

Шу куни У менинг ҳаётим учун жавобгарликни Ўз зиммасига олди ва сўз бераманки, ҳақиқий масиҳийча ҳаёт ила яшашнинг бундан яхши усули йўқ. У бу ҳаётни қандай бошқаришни, уни нимага сарфлашни билади, - ва шу пайтдан бошлаб қалбим хотиржам бўлди. Раббимиз Масиҳ сизнинг ҳам қалбингизда борингизни эгаси сифатида маскан топсин.

## **«Менинг қалбим – Масиҳнинг уйи» мақоласини муҳокама қилиш**

### **КИРИШ**

Исо Масиҳни Раббимиз деб тан олганимиз ва ҳаётимизни Унга ишониб топширганимиз ҳар биримизнинг ҳаётимиздаги энг муҳим қадам бўлди. Ушбу фикрни Қадимги ва Янги Аҳддаги икки оят ифодалайди:

«Бугун кимга хизмат қилишингизни танланг...»

— Ёшуа 24:15

«Шундай қилиб, эй биродарларим, Худонинг марҳамати ҳақи сизларга ёлвораман: Худога оқилона хизмат қила олишингиз учун вужудингизни тирик, муқаддас, Худога манзур бўладиган қурбон қилиб бағишланглар».

— Римликларга 12:1

Шуниси ҳам ҳақиқат-ки, Масиҳ, Унга ижозат берсак, секин-аста ҳаётимизга тобора чуқурроқ, токи уни бутунлай эгаллаб олмагунча, кириб бораверади. " Менинг қалбим – Масиҳнинг уйи" мақоласининг асосий мавзуси шудир. Бу фикр қуйидаги оятларда таъкидланади:

«Мен аллақачон муродимга етишганман ёки аллақачон камолотга эришганман, деб айтаётганим йўқ. Лекин Исо Масиҳ менга етиб олганидек, мен ҳам мўлжалга етиб олиш учун жон куйдирмоқдаман». — Филиппиликларга 3:12

«Сизлар кўпайиб, ўша юртни бутунлай эгаллаб олгунингизча, у ердаги халқларни оз-оздан олдингиздан ҳайдайман». – Чиқиш 23:30

«Бунинг ўрнига Худони таниб-билиш учун янгиланаётган, Яратувчининг суратига ўхшаб бораётган янги инсонни қабул қилдингизлар». — Колосаликларга 3:10

«Биз ҳаммамиз очиқ юзимиз билан, кўзгуга қарагандай, Раббимизнинг улуғворлигига қараб турибмиз. Улуғворликдан улуғворликка ўтганимиз сари, Раббимизнинг суратига томон ўзгармоқдамиз; бу эса Раббимизнинг Руҳи орқали содир бўлмоқда».

— 2- Коринфликларга 3:18

«Раббимиз ва Халоскоримиз Исо Масиҳнинг иноятига таяниб, Уни таниб-билиб борган сайин ривож топинглар»

— 2-Бутрус 3:18

«Шундай қилиб, Худовандни таниб-билишга интиламиз; худди Ундан бўлган тонг шафағи каби, У ёмғир каби биз томон келади, кечки ёмғир каби ерни суғоради», –

Хўшея 6:3

### **МУНОЗАРА УЧУН МАТЕРИАЛ**

Роберт Бонд Мунгернинг "Менинг қалбим – Масиҳнинг уйи" мақоласининг сиз ўқиб чиққан қуйидаги бўлимларида муҳокама мавзуи нима эди?

#### **КУТУБХОНА**

---

---

---

---

---

---

#### **ОШХОНА**

---

---

---

---

---

---

#### **МЕҲМОНХОНА**

---

---

---

---

---

---

#### **УСТАХОНА**

---

---

---

---

---

---

## ХОРДИҚ ВА КЎНГИЛ ОЧИШ ХОНАСИ

---

---

---

---

---

## ЁТОҚХОНА

---

---

---

---

---

## ЯШИРИН ҚАЗНОҚ

---

---

---

---

---

## УЙНИНГ ЭГАСИ ЎЗГАРДИ

---

---

---

---

---

### 11-МАШҒУЛОТГА ТОПШИРИҚ:

4. **Муқаддас қитобни ёдлаш:** Кейинги сафарга бирон янги оят ёдлаш керакмас. Ўзингиз билган оятларни яна бир карра яхшилаб такрорланг. «Масихга итоат» мавзусида иккита оятни ёд олинг: Римликларга 12:1 и Юҳанно 14:21.
5. **Худо билан ёлғизлик пайти:** Қайд ва кўчирмалар қилиб ўқишни давом этинг.
6. **«Ибодат» бўлимини ўрганиш:** «Кунни ибодатда ўтказиш» бўлимини қайдлар қилиб ўқиб чиқинг (57-63 бетлар). Ушбу тамойилларни 12-машғулотга қандай қўллашингиз мумкинлигини ўйлаб кўринг.
7. **Бошқа вазифалар:** Кейинги машғулотга *Материални ўрганиш кундалигингизни тўлдириб келишни унутманг.*



# 11 - машғулот

## МАШҒУЛОТ ТАРТИБИ:

1. *Материални ўрганиш кундалигидаги барча бандлар бўйича текширув топшириш учун гуруҳларга бўлининг ва иккинчи босқич мобайнида ёд олган барча оятларингизни қайтариб чиқинг.*
2. *Муқаддас Китобни ўқиш ёзувлари кундалигингиздаги Худо билан яққа қолганингизда сизга келган фикрлар билан ўртоқлашинг.*
3. Режадан фойдаланган ҳолда сизнинг Худо сари йўлингиз хусусида тўлиқ ишланган ҳикоянгиз билан чиқиш қилинг.
4. *"Кунни ибодатда ўтказиш "* (57-63 бетлар), *"Ибодат кунни нима учун керак?"* (63-64 бетлар), *"Кунни уч қисмга бўлинг"* (64-бет) бўлимларини муҳокама қилинг.
5. *"Қандай қилиб бедорлик ва тайёрликда бўлиш "* ва *"Хавотирлар рўйхатини қандай тузиш керак "* (64-65 бетлар) мавзуларини муҳокама қилинг.
6. *Ибодат кунни учун зарур буюмлар рўйхатини муҳокама қилинг* (65-66 бетлар).
7. *"Пешинги ибодат пайтида қайдлар қилиш "*ни муҳокама қилинг (66-бет).
8. *12-машғулотга топшириқни ўқиб чиқинг* (66-бет).
9. Машғулотни ибодат билан якунланг.

## ***Кунни ибодатда ўтказиш***

Лорн С. Сэнни

"Самодан сизга нозил этилган ушбу буюк шарафдан фойдаланинг. Исо Масих Ота билан бундай алоқа ва мулоқот бор бўлиши учун жонини топширди".

– Билли Грэм

"Ибодат – буюк нарсадир, илло, шундай бўлмоғи учун Худо унинг деб мажбурият боғлади "

– Мартин Лютер

"Худони таниш наридан-бери содир бўлмайди. У Ўз инъомларини биринчи учраган ёки келиб-кегишга шошилган кишиларга тарқатмайди. Унинг билан давомли мулоқот – Уни англаб етиш ва таъсирга эришиш калитидир "

– И. М. Баундис

"Бир кун мени шунчалик ўзгартириб юбора олади деб ҳеч қачон ўйламагандим,- деди бир сафар дўстим. – Менимча, мен инсонларга ва мени ўраб турган муҳитга яхшироқ муносабатда бўла бошладим. Нега энди мен буни тез-тез амалга оширмайман?" Бирон кунини ибодатда ўтказган кишилардан шу каби гапларни эшитиш мумкин. Кўпгина муҳим нарсалар эътиборимизни талаб қилувчи бандлигимизда ҳақиқий ибодат бизга заруратдан кўра бир дабдабадек туюлади. Унинг устига – бир кунни ибодатда ўтказиш!

Муқаддас Китоб ибодат юзасидан бизга учта етакчи тамойилни тақлиф этади. Биринчиси: "Ибодатда бардавом бўлинг " – ибодатнинг руҳи сизни Худо билан шундай уйғунликка олиб келадики, сиз куннинг исталган вақтида ибодат ва Худони шарафлаш билан қалбларингизни юксалтиришингиз мумкин.

Иккинчи тамойил – Худо билан ёлғиз қолиш ёки тонгги бедорлик амалиёти. Биз буни Довуднинг (Забур 5:3), Дониёлнинг (Дониёл 6:10) ва Раббимизни Ўзининг (Марк 1:35) ҳаётида кузатишимиз мумкин. Бу ҳар куни Худонинг Каломи устида фикр юритишимиз ва масиҳийнинг руҳий ўсиши ва муваффақияти учун зарур ибодатларга ажратиладиган вақтдир.

Муқаддас Ёзувда, бир ибодатга анча узоқ вақт бағишланганига ҳам мисоллар бор (бу учинчи тамойил): Исо тунларни бедор ибодатда ўтказган; Қуддуснинг оғир ҳолатидан хабар топган Наҳамиё кунларини ибодатга бағишлаган; Мусо қирқ кеча кундуздан уч марта Худо билан ёлғиз қолган.

### **Худодан таълим олмоқ**

Айнан ўша ибодат ила ўтган ғаройиб кунларда Худо Ўзининг йўллари ва ниятларини Мусога аён қилган (Забур 102:7). У Мусога бамисоли девордаги тирқишдан кўз ташлашга имкон бериб, унга алоҳида назар бағишлаган, ваҳоланки, оддий исроилликлар фақатгина ҳар куни уларнинг кўзи олдида кечаётган Худонинг ишларига гувоҳ бўлганлар.

Бир сафар мен танишим Доусон Тротманга, у ўзининг мақсади Худонинг кўлида курул бўлиши кераклигини биладиган инсон сифатида таассурот қолдиришини айтдим.

«Мен бундай деб ўйламайман, - деди у, - аммо аниқ биламанки, Худо менга бир нечта ваъда берган ва шу ваъдаларини бажаради». Бундан аввалги йилларда Доусон узоқ вақтларни Худо билан яқка ўтказганди. Ўзимнинг ҳатимда ҳам Сиэтл боғида, жанубий Калифорния боғларида ёки Колорадо Спрингсдаги Худонинг боғида кечган давомли ибодатларим менинг қалбимни тозалаб ва мустаҳкамлаб, Худонинг иродаси нима эканлигини тушунишга ёрдам берарди.

Ибодатга бағишланган бундай пайтлар ҳаётингизда муҳим нуқталарга айланиши мумкин. Худо билан кунлик ёлғиз қолишлар, Тангри сизга айтадиганларини тингласангиз, унумли бўлади. Фикрни жамлаб ўйлашга ажратилган бундай пайтлар сизни кунни Худо билан мулоқотга бағишлаб ўтказадиган «тўхтовсиз» ибодатга тайёрлайди.

Балки, шу пайтгача сиз, зарурат сезмаганингиз ёки қандай бажарилишини билмаганингиз учун ҳеч қачон узоқ вақт ибодат қилмагандирсиз.

### **Ибодат куни нима учун керак?**

Банд бўлганимиз ҳолда шунчалик вақтимизни ибодатга сарфлаш нима учун керак?

1. *Худо билан давомли мулоқот қилишимиз учун.* Унинг билан бирга бўлиш, У тўғрисида фикр юритиш учун, Худо бизни Ўзининг Ўғли, Исо Масиҳ билан мулоқот қилишга чақирган (1-Коринфликларга 1:9). Кишилар ўртасидаги бошқа ҳар қандай шахсий муносабатлар каби, бу дўстлик бирга ўтказилган вақтга боғлиқ мустаҳкамланиб боради ва У буни унутмайди: «Худованд кулоқ солиб, тингламоқда ва Унинг олдида Худованддан кўрқиб, Унинг номини иззат қилувчилар тўғрисида хотира китоби битилмоқда» (Малакиё 3:16).
2. *Истиқболни янгилаш учун.* Бутун кунни ибодатга бағишлаб, биз мисоли кушлар каби ер узра кўтарилиб, бу дунёни Худонинг нуқтаи назаридан фикран кузатиш имконига эга бўламиз. Қийинчиликка дуч келган пайтларимизда, кўздан ғойиб нарсаларни кўриш қобилиятимизни кучайтириш ва аниқ-равшан, сезиладиган нарсаларни ўз жойига қўйиш учун биз бундай истиқболга жуда муҳтож бўламиз. Бизнинг руҳий ҳимоя воситаларимиз тобора ишончлироқ бўлиб бораверади: «Чунки биз кўзга кўринадиган нарсаларга эмас, кўзга кўринмайдиган нарсаларга қараймиз. Кўринадиганлари муваққат, кўринмайдиганлари эса абадийдир» (2-Коринфликларга 4:18).
3. *Шафоат ва ҳомийлик ўрнини тўлдириш учун.* Ҳар биримизнинг имонсиз дўстларимиз ва қариндошларимиз, хизматчилар, қўшнилари, раҳбарлар борки, биз улар хусусида Худога ибодат қилишни истаймиз. Ибодатнинг кучи, унинг инсонларга ва ҳодисалар ривожига таъсири яхши маълум бўлса-да, уни кам қўллашади. Ваҳоланки, биз яшаётган

давр тобора хавотирли бўлиб бормоқда. Шу сабабли биз нафақат яхши ишлар амалга ошиши, балки зулматни тўсиш учун ҳам ибодат қилишимиз лозим.

4. *Худонинг назарида ўз ҳаётимизни англаб етиш учун.* Якун яшаш ва ўз-ўзига баҳо бериш учун. Айниқса, бирон муҳим қарорларни қабул қилишдан илгари ибодат қилиш катта аҳамиятга эга. Аммо, мунтазам ва ўз вақтида ибодат қилиш жуда унумли бўлади. Бундай кунларда сиз ўз мақсадингиздан қанчалик узоқ-яқинлигингизни баҳолашингиз ва Худонинг ўғитларини Унинг каломи орқали қабул қилишингиз мумкин. Унда Хадсон Тейлор, Жорж Мюллер ёки Доусон Тротманга берилгани каби биз учун ҳам берилган ваъдалар мавжуддир; биз айнан Худо билан ёлғиз қолган пайтимизда У ваъдаларини амалга оширишига бизга ички бир ишонч бахш этади.
5. *Тегшли тайёргарлик кўриш учун.* Наҳамиё бунга яққол мисолдир. Бир неча кунини Худога мурожаат қилиб, тўхтовсиз ибодатда ўтказган Наҳамиё подшо ҳузурига чақиртирилди. «Подшоҳ мендан: истагинг нима? – деб сўради. Мен Осмондаги Худога ибодат қилдим ва подшоҳга дедим: агар подшоҳ маъқул топсалар...» ва шундан сўнг подшоҳга ўз ниятини баён қилди (Наҳамиё 2:4-5). Кейин эса – «Тунда ўзим билан бўлган камчилик кишилар билан турдим ҳамда Худойим Қуддус учун нималарни бажаришни юрагимга солганини ҳеч кимга айтмадим» (Наҳамиё 2:12). Худо қай тариқа унга буларни аён этди экан? Бу Наҳамиё рўза тутиб, ибодат қилиб ва Ундан жавоб кутиб ўтказган пайтлари воқе бўлган, фикримизча. Ҳаракат қилиш пайти келганда эса У тайёр эди.

Бир марта ёш бола бир учувчидан, бирон носозлик бўлса, самолетни қаерга қўндириш кераклиги тўғрисида қанчалик узоқ ўйлашини сўради. Учувчи эса, зарурат туғилса самолетни қаерга қўндириш тўғрисида ҳеч ўйлаб ўтирмаслигини, чунки барчасини аввалдан ўйлаб қўйганини айтди.

Бизнинг масиҳий ҳаётимизда ҳам худди шундай бўлиши керак. Биз Худо билан якка қолган пайтларимизда У бизга Ўз ниятларини ошкор қилса, керакли пайтда биз Унинг ортидан боришга тайёр бўлишимиз лозим. «Биз тайёр эмасмиз»,- деб жавоб қилишимизга ҳожат қолмайди. Кўпчилик масиҳийлар айрим пайт ўз имкониятларини қўлдан чиқаришига сабаб улар ақлан эмас, балки қалбан тайёр эмаслигидир. Тайёргарлик эса Худо билан якка қолган пайтларимизда содир бўлади.

### ***Худонинг Каломидан келиб чиқиб ибодат қилинг***

«Подшоҳлигининг биринчи йилида мен, Дониёл, китобларга қараб Худованд Ермиёху пайғамбарга нозил қилган сўзлардаги йиллар сонини фикрлаб етдимки, Қуддус талон-тарож қилинганига етмиш йил тўлибди. Ва мен юзимни Раббим Худовандга ибодат билан, рўзадор, жанда кийим ва туробда бўлган ҳолимда бурдим ва Раббим Худовандга ибодат қилиб, истиғфор келтирдим...» – Дониёл 9:2-4

Шундай қилиб, Муқаддас Китоб шарофати билан Дониёл бўлажак ҳодисалардан хабар топди. Унга Худонинг Каломи ошкор бўлгани учун ибодат қила бошлади. Шундай қилиб, биз Худо Ўз мўлжал ва ниятларига эга эканлигини, шунингдек ваъдалар беришини кўриб турибмиз. Шу сабабдан ҳам биз ваъда қилинган нарсалар тўғрисида, Раббимизнинг ниятлари амалга ошиши учун ибодат қилишимиз мумкин. Масалан, Раббимизнинг Қуддус хусусида ниятлари бор эди, У бу хусусда ваъда берганди, Дониёл шу сабабли ибодат қиларди. Демак, Дониёл, электрнинг кучи намоён бўладиган электр занжири каби ҳодисаларнинг бир занжирини охирига етказиши лозим эди.

Кунни Тангрига ибодат қилиб ўтказиш – бир жойда Роденнинг «Мутафаккир» ҳайкали каби ўтириб, миямизга келган биринчи фикр устида бош қотириш дегани эмас. Асло. Бу кун биз қалбимизни Худонинг Каломи олдида очишимиз лозим ва пайти келса, унинг ўзи бизни ибодатга бошлайди. Фақат ўзингиз ва ўз муаммоларингиз тўғрисида ўйлаб, фикрга толсангиз, бирон яхшилик чиқмайди.

Оқибатда сизнинг ўзингиз тўғрингиздаги фикрингиз инобатга олинмайди. Худо баҳо беради. Баҳолаш натижаларини эса У Муқаддас Рухни ёрдамга юбориб, Муқаддас Китоб орқали сизга очиб беради. Унинг Каломи сизни ибодатга бошлайди.

### ***Буни қандай қилиш керак?***

Буни қандай қилиш керак? Бутун кунни ёки унинг бир қисмини ибодатга бағишланг. Ўзингиз билан овқат олиб, уйдан чиқинг. Дикқатингизни ҳеч нима бўлмайдиган ҳоли жой топинг. Атроф табиат манзараларини томоша қилиш билан вақтингизни йўқотманг. Олмагон ва чумолиларни кузатаётганингизни сезиб қолсангиз, Довуднинг 103-саносини ўқиб, дикқатингизни керакли томонга йўналтиринг. Бу сано Худонинг кудрати Унинг ижодида қандай намоён бўлишига фикрларингизни йўналтиради.

Ўзингиз билан Муқаддас Китобни, ёзув дафтарчасини ва қаламни, қўшиқлар тўпламини, балки яна бирон руҳий адабиётни олинг. Масалан, мен бундай ҳолатларда И. М. Браундснинг *"Ибодат кучи"* рисоласини ёки Хорас Бонарнинг *"Қалбни чорловчи сўзлар"* ини, ёхуд бирон хуш-хабарчининг таржимаи ҳолини оламан. Масалан, Мэри С. Тейлорнинг *"Тоғ тизмалари ортида"* китобида Ж. Л. Фрезер томонидан ибодатлари орқали Хитойда эришган муваффақиятлари тўғрисида ҳикоя қилинади.

Агар бисотингизда бутун кун бўлса-да, уни имкон қадар унумлироқ ишлатинг ва бошдан бирон соат вақтингизни йўқотманг

### ***Худони кутинг***

Кунингизни уч қисмга бўлинг: Тангрини кутиш, бошқалар учун ибодат қилиш ва ўзингиз учун ибодат қилиш.

*Тангрини кутганда*, шошилманг. Бирон ғайритабиий ёки одатдан ташқари ҳиссиётларни кутиш нотўғри. Ўз қалбингиз ила Тангрини изланг, - Уни кутиб, умид боғланг. Муқаддас Китобда Тангрини кутиш тўғрисида ҳикоя қилувчи жойлар кўп. «Тонг чоғи овозимни эшитасан, эй Худованд, Тонг чоғи сенинг олдинда ҳозир бўламан, интизорлик ила кўз тутаман Сен томон». (Забур 5:4). Ва яна: «Қоровулнинг сахарни кутишидан кўра, Посбонни тонгни кутишидан кўра, Жоним Раббимга кўпроқ мунтазирдир». (Забур 129:6).

Аввало *Унинг бор ва ҳозир эканлигини англаб етиш* учун Уни кутинг. 138-санодаги каби парчани фикрлаб ўқисангиз, сизни Худонинг ёнимизда эканлиги ҳисси чўлғайди. Коинотда У бўлмаган жойнинг ўзи йўқлиги тўғрисида ўйланг. Кўпинча биз: «Чиндан ҳам бу ерда Худованд бор экан, мен эса билмабман!» (Ибтидо 28:16) деган Ёқубга ўхшаймиз.

*Покланиш* учун ҳам Уни кутинг. 138-санонинг сўнгги икки ояти бизни шу фикрга олиб келади. Ушбу оятларда ёзилганидек, Тангридан қалбларингизни синовдан ўтказишини сўранг. Ўзимиз бундай қилишга интилсак, ўз тасаввурларимиз, носоғ таҳлилимиз таъсирга тушиб қолишимиз, душман рўпарасида ҳимоясиз қолишимиз мумкин. Аммо қалбларимизни Муқаддас Рух синаётганда эса, У эътиборимизни покланишимиз ва тавба қилишимиз лозим бўлган ҳодисаларга тортади. 50- ва 31 – санолар Довуднинг тавба қўшиқларидир. Улар сизга кўмак беради. Юҳанно 1-номасининг 1:9 оятлари бизга бахш этадиган мустаҳкам асосда қарор топинг ва Худонинг содиқлигига умид боғланг. У тавба қилган ҳар қандай гуноҳларимизни кечирिशга ваъда берган.

Ўз биродарингизга нисбатан гуноҳ қилган бўлсангиз, хатоингизни тўғрилаш учун ўзингизга ёднома қилинг, акс ҳолда Худо билан мулоқот қилишингиз қийин бўлади. Сиз билан ўша киши ўртасида биринчи имконият туғилишидаёқ ҳал қилишингизни режалаштирмаган бирон нарса қолаётган бўлса, У сиз билан мулоқот қилмайди.

Тангрини кутганда Ундан фикрингизни яхшироқ жамлаш қобилиятини беришини сўранг. Турли хаёлларга берилиб кетманг.

*Тангрини шарафлаш* учун Уни кутинг. Тангримизнинг буюклиги ва кудратига ҳамд айтишга 102, 110 ва 144-санолар гўзал мисолдир. Аслида, саноларнинг кўпгина қисми ибодатдан иборатдир. Худони шарафлаш учун биз Ваҳийнинг 4 ва 5-бобларига мурожаат қилишимиз ҳам мумкин. Муқаддас Китобдан ибодат қилишдан мукамалроқ ибодат йўқдир.

Ўзингиз билан қўшиқлар тўпламини олган бўлсангиз, уларни Тангрига куйлашингиз мумкин. Сиз билан биз сўз билан ифодамай олмаган нарсаларни куйлайдиган қанчалик қўшиқ ва қасидалар ёзилганини биласиз. Унча яхши куйламасангиз, атрофдагилар эшитмаслигига ишонч ҳосил қилинг ва Тангрига хурсандчилик билан ҳамд айтинг. Ишонинг, У буни қадрига етади.

Шундай қилиб, табиий тарзда сиз шарафлашга ўтасиз. Худо сизга насиб этган барча ажойиб нарсалар ҳақида ўйланг ва Уни қалбингизни қутқаргани, сизга ёғдирган неъматлари, оилангиз ва дўстларингиз, сизга берилган имкониятлар учун миннатдорчилик билдилинг. Албатта, нималардир учун сиз Худодан ҳар куни миннатдор бўласиз, аммо бу сафар сизга берилган беҳисоб яхшиликлар учун Унга миннатдорчилигингизни билдилинг.

### **Бошқалар учун ибодат**

Энди эса одатда сиз ибодат пайтида зикр қилмайдиган кишилар учун шошилмасдан, батафсил ибодат қилиш пайти келди. Уларни сиз доимо ибодат қилиб эсга оладиганлар билан қўшиб ибодат қилинг. Бошқа мамлакатлардаги кишилар учун ҳам ибодат қилиб, бутун ер юзини айланиб чиқинг.

Нималар хусусида ибодат қилишингиз юзасидан қуйида учта таклиф келтирилмоқда.

Дастлаб инсонларнинг алоҳида эҳтиёжлари учун сўранг. Балки сиз уларни ёд биларсиз ёки сиз билган кишилар тилидан ёзиб олгандирсиз. Миссионерларнинг хатларида баён этилган эҳтиёжлар учун ибодат қилинг. Инсонларга руҳий куч, жасурлик, жисмоний қувват, фикр тиниқлиги ва ҳ. берилиши учун ибодат қилинг. Ўзингизни сиз ибодат қилаётган кишилар ўрнига қўйиб кўринг ва улар учун шунга мувофиқ Тангридан сўранг.

Шундан сўнг Муқаддас Китобдаги ибодатларни кўриб чиқинг. Павлуснинг Филиппиликларга ва Колосаликларга номаларининг биринчи бобларида, шунингдек, Эфесликларга номасининг биринчи ва учинчи бобларида сўраган нарсалар тўғрисида сўранг. Бу эса сизга ибодатда «Тангрим, фалончилардан раҳматингни дариғ тутма ва пистончиларга кўмак бер»дан олға боришга ёрдам беради.

Ва ниҳоят, учинчиси. Ўзингиз учун нималарни сўрасангиз, бошқалар учун ҳам шуни сўранг. Тангри сизга кўрсатган ва аён қилган нарсаларга уларни ҳам эриштиришини сўранг.

Сиз бирон кимса тўғрисида Муқаддас Китобдаги ибодатлар билан сўрасангиз, балки ибодат китобида шу инсоннинг исми остида белги қўйиб, унинг учун кейинги сафар ибодат қилганда ҳам шу оятдан фойдаланарсиз. Худонинг ибодатингизга берган жавоби учун шукур қилганингизда, ибодатда шу оятдан фойдаланинг ва уни унутманг.

### **Ўзингиз учун ибодат**

Куннинг учинчи қисмини ўзингиз учун ибодатга сарфланг. Бордию, сиз бирон муҳим қарорни қабул қилиш арафасида бўлсангиз, бошқалар учун ибодат қилишдан аввал ўзингиз учун ибодат қилинг.

Ўз ибодатингизда Муқаддас Китобга таянинг ва Тангридан, сизга тушуниш бахш этишини сўранг, 118-сано 8 оятидаги каби. Муқаддас Китобдан ўзингиз ёд олган оятлар ҳамда унда келтирилган ваъдалар устида фикр юритинг. Китоблардан бирини тўлиқ бошдан охиригича, иложи бўлса овоз чиқариб ўқиб чиқишингиз мумкин. Ҳозиргина ўқиганингизни ҳаётингизда қандай қўллашингиз мумкинлиги тўғрисида ўйлаб кўринг. Ибратага доир мисол 1-Солноманинг 4:10 оятида келтирилган. Иавис шундай ибодат қилади: «О, қани энди Сен Ўз марҳаматинг билан менга раҳмат қилсанг, чегараларимни кенгайтурсанг, Сенинг илқинг мен ила бўлиб, ғам чекмаслигим учун мени ёвузликдан муҳофаза қилса!...» 1-Солнома 4:10. Бу – ҳаётингиз, гуллаб-яшнашингиз, Худонинг сизнинг қалбингизда ва ишларингизда ҳозир бўлиши, Унинг ҳимояси тўғрисидаги ибодатдир. Иавис Худонинг иродасига мувофиқ ибодат қилди ва «Худо унга сўраганини берди».

Ибодатни учинчи қисмининг асосий мазмуни шундай бўлиши керак: «Тангрим, менинг ҳаётим тўғрисида нима деб ўйлайсан?» Ўз мақсадларингиз ва интилишингизларни сизга нисбатан Худонинг иродаси нуқтаи назаридан кўриб чиқинг. Исо бундай деган: «Менинг овқатим – Мени Юборганнинг иродасини адо этиш, Унинг юмушини бажо келтиришдан иборатдир» (Юҳанно 4:34). Бошқалардан кўра Худонинг иродасини кўпроқ бажаришни истайсизми?

Ўз ишларингиз ва ҳатти-ҳаракатларингизни олдингизда қўйилган вазифалардан келиб чиқиб кўриб чиқинг. Худо кун тартибингиз ва режаларингиздаги ўзгаришлар, ўз-

Ўзидан ёмон бўлмаса-да, аммо муваффақиятингизга ёрдам бермай, ҳаттоки тўскинлик қиладиган фаолиятнинг айрим турларидан воз кечиш тўғрисида гапириши мумкин. Оқшомлар ёки дам олиш кунларини маълум бир тарзда ўтказиш одатингиз маъқулланмаётганини ҳамда бошқача ҳаракат қилиб, уларни анча фойдали ўтказишингиз ва бунда ҳам кўнгилдагидек дам олишингиз мумкинлигини сезишингиз мумкин.

Ибодат чоғида хулқ-атворингиз, вақтни қандай ўтказишингиз тўғрисида фикрларингизни ёзиб боринг: уларни яхши томонга ўзгартиришни ўйланг. Балки, якшанбалик мактаб машғулотларига яхшироқ тайёргарлик кўриш лозимлигини тушуниб етарсиз ёки бирон шахсий учрашувга бошқача муносабатда бўларсиз; ёхуд Тангри сизни Унинг учун бирон алоҳида вазифани бажаришга илҳомлантириши мумкин ва ҳ. Барчасини ёзиб қўйинг.

Ибодат пайтида келажак режаларингиз, умид ва интилишларингиз, қабул қилишингиз лозим қарорларингиз хусусида Тангри билан ўртоқлашинг. У ёки бу қарор хусусида далилларингизни келтиринг, бу тўғрисида ибодат қилиб ва Муқаддас Китоб билан таққослаб, улар устида янада яхшироқ ўйланг. Шу кун мобайнида ўқиганингиз Муқаддас Китобнинг саҳифаларида сиз тегишли маслаҳат ва кўрсатмаларни топасиз. Ибодатдан сўнг сиз мазкур хулосалар асосида қатъий бир тўхтамга келасиз. Ибодат кунларининг мақсади ҳам, аслида, шундан иборат. Аммо сиз, айрим муаммолар жавобсиз қолиши мумкинлигига ҳам тайёр бўлишингиз керак. Асло умидсизланманг. Балки, Худо ҳали бунинг мавриди эмас деб ҳисоблар. Сиз тез орада ҳақиқий эҳтиёжингиз ўзингизни кейинги қадамингизни билишда эмас, балки Худонинг янги ваҳийсида эканлигини тушуниб етарсиз. Аммо ўзингиз бирон янги ваҳий излашга ўйламасдан киришиб кетманг. Сизга маълум берилган ваъдаларда тўхтанг. Агар «Мавзуий ёдлаш тизими» бўлимини ўтган бўлсангиз, «Худонинг кучига таянинг» бўлимидаги оятлар устида фикрлашни бошланг. Ўша, илгариги ваъдаларга яна ва яна қайтинг. Улар сизнинг ҳаётингизни ҳам бир қисмига айланиши учун ибодат қилинг.

Менга аввалдан маълум ваъдалар устида қайта фикр юритиб, мен ўзим Тангридан кўпгина буюк ўғитлар олдим. Улар мисоли йўлчи юлдуз бўлиб, бизни бошқа ҳикматлар сари олиб боради. Муқаддас Китоб улар билан тўлган.

Сиз ўз Муқаддас Китобингизда Тангри бераётган айрим ваъдаларни белгилашингиз ёки остига чизишингиз мумкин, ёнига эса бир нечта сўз ёзиб қўйишингиз мумкин.

Ибодат куни бир зайил ва зерикарли бўлмаслиги муҳимдир. Ибодатни мутолаа ва сайр билан навбатлаб туриш керак. Масалан, бир танишим ибодат чоғида хонада юради. Бир ҳолатда қотиб ўтирмасдан, қадингизни тикланг, вақти-вақти билан юринг; хуллас, ҳолатни алмаштириб туриш фойдадан ҳоли эмас. Сизда янги фикрлар пайдо бўлиши билан уларни ибодатга кўшишга ҳаракат қилинг. Башарти улар сиз учун муҳим ишга доир бўлса, бирон жойга ёзиб қўйинг. Ибодат куни давомида мияннгизга сиз бажаришингиз лозим бўлган иш келиши табиийдир, шунинг учун келган фикрларни ёзиб қўйинг. Ушбу ўйларнинг мазмуни тўғрисида ибодат қилинг, уларни қандай қилиб амалга оширишни ўйланг. Сизда пайдо бўлган бирон ғоядан халос бўлишга интилманг, акс ҳолда у тўғрисида фикр сизни тинч қўймайди.

Кун охирида ёзув дафтарчангизда натижани ёзиб қўйинг: бугун Худо сиз билан нима ҳақда мулоқот қилди? Бир қанча вақт ўтгандан сўнг бу ёзувларингизга қайтишингиз сиз учун фойдали бўлади.

### ***Икки савол***

Павлус Дамашққа йўл олганида Тангридан сўраган икки савол ибодатга бағишланган кунларингизни натижаси бўлмоғи керак (Ҳаворийлар 22:6-10). Унинг: «Ё Рабби, Сен Ким бўласан?» деган дастлабки саволига Раббим жавоб берди: «Исоман».. Сизнинг вазифангиз ҳам Уни таниб олиш, кимлигини билишдир. «Ё Рабби, мен нима қилишим керак?», - деган иккинчи саволга Худованд Павлуснинг ўзига мўлжалланган жавобни қайтарди. Сиз шошилмасдан ва фикр юритиб, Унинг иродасини излаган пайтингизда бу саволга жавоб топасиз ёхуд аввалдан билганларингизда қарор топасиз.

Бу кун сиз учун бирон янги ваҳий ёки одатдан ташқари ҳиссиётлар билан якун топади деб кутманг. Тангрини кутинг ва қалбингизни Унинг сўзини қабул қилиш учун

очинг. Бирон ғайритабий хиссиётларга интилиш сизни тўғри йўлдан четлатиши мумкин. Айрим пайтда бирон янги хиссиёт диққатимизни кундалик нарсалардан тортади. Ибодат кунингиз қанчалик муваффақиятли ўтгани тўғрисида унинг якунида қанчалик даражада хаяжонланганингизга ёки жонланганингизга эмас, балки кейинги кундан бошлаб бу сизга қандай таъсир қилишига боғлиқ. Агар сиз дарҳақиқат қалбингизни Худонинг Каломи учун очиб, уни эшитган бўлсангиз, буларнинг бари кейинги ҳаётингизда албатта таъсир этади.

Ибодат куни ўз-ўзидан ўтмайди. Инсон боласининг душмани – иблисининг сизни ибодатдан чалғитишга қаратилган кўпгина ҳаракатларидан ташқари, атрофимиздаги дунёда бизни кўплаб юмушлар кутиб турибди. Шунинг учун биз тўлиғича Худо билан мулоқотга бағишланган кунни аввалдан режалаштиришимиз ва ажратишимиз керак: масалан, бу ҳар ойнинг биринчи куни бўлсин ёки ҳар уч-тўрт ойда бир марта бўлсин. Худо бунга Ўзи марҳамат қилади – буни тезроқ амалга оширинг! Балки, кейинчалик: «Кўпроқ шундай қилсам ҳам бўлади-ку?», деб ўзинга савол берарсиз.

«Доду фиғонимга қулоқ солгани учун мен Худовандни севаман. Қулоғини мен томон тутгани-чун умрим борича Уни чақираман.

Сенинг исмингни чақириб, эй Худованд, шукрона билан қурбонлик келтираман».  
Забур 114:1, 2; 115:8.

## ***Ибодат куни нима учун керак?***

### **1. ХУДО БИЛАН ДАВОМЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛИШ УЧУН**

---

---

---

---

---

---

---

---

### **2. ИСТИҚБОЛНИ ЯНГИЛАШ УЧУН**

---

---

---

---

---

---

---

---

### **3. ШАФОАТ ВА ҲОМИЙЛИК УЧУН**

---

---

---

---

---

---

---

---

#### 4. ЯКУН ҚИЛИШ ВА ЎЗ-ЎЗИГА БАҲО БЕРИШ УЧУН

---

---

---

---

---

---

---

#### 5. КЕЛАЖАККА ТЕГИШЛИ ТАРЗДА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ УЧУН

---

---

---

---

---

---

---

### *Кунингизни уч қисмга бўлинг*

#### 1. ТАНГРИНИ КУТИНГ

- а. Унинг борлигини англаб етиш учун
- б. Софланиш учун
- в. Унга эҳтиром кўрсатиш учун

#### 2. БОШҚАЛАР УЧУН ИБОДАТ ҚИЛИНГ

- а. Сиз ибодат қилаётган инсонларнинг аниқ эҳтиёжлари тўғрисида сўранг
- б. Павлуснинг инсонлар учун қилган ибодатларидан фойдаланинг
- в. Ўзингиз учун нималарни сўрасангиз, бошқалар учун ҳам шуни сўранг

#### 3. ЎЗИНГИЗ ҲАҚИДА ИБОДАТ ҚИЛИНГ

### *Қандай қилиб бедорлик ва тайёрликда бўлиш*

- 1. Ибодат кунидан аввалги икки сутка давомида яхшилаб дам олинг.
- 2. Ҳолатингизни доимо ўзгартириб туринг – ўтиринг, юринг ва ҳ.
- 3. Ибодат куни тартибини имкон қадар турли-туман қилинг: Муқаддас Китобни ўқиш билан ибодатни навбатма-навбат алмаштириб туриб, ибодат натижасига мос равишда келажакдаги ишлар режасини тузинг.
- 4. Овоз чиқариб ибодат қилинг – шивирлаб ёки паст овозда, жуда ёрдам беради. Айрим пайт овоз чиқариб ўйлаш ҳам ёрдам бериши мумкин.



## ***Хавотирлар рўйхатини қандай тузиш лозим***

1. Сизни безовта қилаётган хафсалалар, низолар, муаммолар ва хавотирлар устида фикр юритинг. Сизни қийнаётган барча нарсаларни эшлашга ҳаракат қилинг. Бандма-банд. Ҳаттоки бирон нарса аҳамиятсиздек туюлса ҳам, аммо сал бўлсада сизни безовта қилаётган бўлса, уни ҳам рўйхатга қўшинг. Шу нарсаларни сизга кўрсатишни Худодан сўранг.
2. Барчасини бир варақ қоғозга ёзинг. Ҳеч нарсани унутмаганингизга ишонч хосил қилганингиздан сўнг 3-бандга ўтинг
3. Рўйхатингизни диққат билан ўқиб чиқинг. Ҳар бир банд бўйича нималар қилишингиз мумкинлигини, қай бир воқеаларни эса ўтмишда содир бўлгани ёки сизга боғлиқ бўлмагани сабабли ўзгартиришингизни имкони йўқлиги хусусида қарор қабул қилинг. Бирон банд бўйича ҳеч нима қила олмасангиз, бу тўғрида ибодат қилинг. Бошқа бир банд бўйича эса чора-тадбир кўришингиз имкони бўлса, бу ҳақда ҳам ибодат қилинг ва режаларингизга, айнан нимани ва қачон қилмоқчи эканлигингизни ёзиб қўйинг. Барча бандларни таҳлил қилиб бўлганингиздан сўнг сизда ишларнинг батафсил ва аниқ рўйхати пайдо бўлади. Бундан ташқари, ибодат кунининг якунида ҳам сиз ушбу рўйхатга киритадиган ишларингиз пайдо бўлади.
4. Шубҳасиз, рўйхатингизга жуда нозик, бевосита шахсий эҳтиёжларингиз ҳам кириши тайин, шу сабабли мазкур варақни сақлаш шарт эмас, унга бировни кўзи тушмаслигини истасангиз, йўқ қилиб ташланг. Агар сиз ойда бир марта ибодат кунини ўтказсангиз, эҳтиёжларингиз рўйхатида камида 20 та банд бўлиши тайин.

## ***Ибодат кунини учун нималар зарур***

### **1. МАЖБУРИЙ**

- а. Муқаддас Китоб (яхшиси, доимо мутолаа қиладиганингиз)
- б. Ёзув дафтарчаси ёки қайд қоғози
- в. Қалам ёки ручка
- г. Соат

### **2. ЁРДАМЧИ**

- а. Миссионер ёки хизматчиларнинг ўз эҳтиёжлари тўғрисида ҳикоя қилувчи хатлари
- б. Озиқ-овқат ва ичимлик солинган идиш
- в. Ибодат учун эҳтиёжларингиз рўйхати
- г. Ёд олган оятларингиз ёзилган карточкалар, токи сиз уларни ёхуд такрорлашингиз, ёхуд ибодат пайтида фойдаланишингиз учун
- д. Худо сизни қайси йўл ила бошлаётгани тўғрисида яна бир бор фикр юритишингиз учун сўнгги бир неча ой учун сизнинг *Муқаддас Китобни ўқишда ёзувлар кундалиги*
- е. Қулай кийим-бош

### **3. ҚЎШИМЧА**

- а. Тақвим
- б. Қўшиқлар тўплами

- в. Бир кун аввалги ибодат чоғида қилинган қайдлар
- г. Олдингизга қўйган вазифа ва мақсадларингиз рўйхати
- д. Сизнинг шахсий ёки оилавий бюджетингиз тўғрисида қайдлар
- е. У ёки бу қарорни қабул қилишингизни тушунтирувчи далиллар
- ж. Ўқиш учун кўзойнак (зарур бўлса)
- з. Хафталик ишларингиз режаси
- и. Совуқ кунларда иссиқ кийим (свитер ёки пальто)

## ***Намуна: пешин пайтидаги ибодат чоғида қайдларни ёзиш***

1:15-1:45	Юҳанно баён этган Хушхабар 14-16	30 дақиқа
	14:3 Осмонда жой тайёрланмоқда	
	14:13 Исо ҳаққи ибодат қилиш	
	14:15, 21 Қўлоқ солине!!! (15:7,10)	
	16:26 «Ўша кун истаганингизни Менинг номимдан сўрайсизлар»	
1:45-1:50	Тавба вақти	5 дақиқа
1:50-2:00	«Кунни ибодатда ўтказиш» бўлими	10 дақиқа
2:00-2:15	Забур 144-Тангрига ҳамду сано келтириш	15 дақиқа
	144:3,6 Худойимиз буюк!!!	
	144:4 Худо зўрриётларимиз билан ҳам бирга бўлади	
	144:9 Ҳиммати учун Худога шукр қиламан!	
	144:15 Худо эҳтиёжларимизни зарурат бўйича қондиради – У менинг ҳам эҳтиёжларимни қондирмоқда!	
	144:17 Мен муқаддас йўлда ўсиб бормоқчиман	
2:15-3:00	Хавотирлар рўйхатини тузиш	45 дақиқа
3:00-3:20	Бошқалар учун ибодат қилиш	20 дақиқа
	<b><i>Ишлар рўйхати:</i></b>	
	1. Ибодатдаги илтижо ва жавоблар рўйхатини тартибга келтириш	
	2. _____ учун _____ дан кечирим сўраш	
	3. ( _____ га ) Кўнгиноқ қилиш	
4:00-4:20	Хулосалар	
	1. Ибодат ва Худо билан ёлғиз қолмасдан бирон кунни ўтказмаслик	
	2. Ҳаётда уйғунликка эришиш учун ибодат ва ҳаракат қилиш	

### **12-машғулотга топшириқ:**

Машғулотга яхши дам олган ва тетик ҳолда, ярим кунингизни Тангри билан ўтказиш ниятида келинг. 65-66 бетлардаги зарур нарсалар рўйхатини диққат билан кўриб чиқинг.

# 12-машғулот

## **МАШҒУЛОТ ТАРТИБИ:**

1. Ўз ҳаракатларингизни умумий тарзда мувофиқлаштириб олишингиз учун гуруҳнинг бошқа аъзолари ва етакчи билан учрашинг (узоғи билан 10 дақиқага).
2. Якка-якка тарқанг ва 3-3,5 соат Худо билан биргаликда ўтказинг.  
Шундан сўнг яна ярим соатга тўпланиб, шу вақт мобайнида нималар қилганингиз, нималарни кўриб, кечирганларингизни ўзаро ўртоқлашинг.

# Муқаддас Китобни ўрганиш бўйича қўлланма "Таълим босқичлари» 2-босқич

## РУҲ МУЖАССАМ МАСИҲИЙ

Муқаддас Китобни ўрганаётганингизда ёнингизда шахсий Устозингиз туришини биласизми? У ҳар доим сизга ёрдамга келишга, Муқаддас Китобнинг тегишли қисмининг маъно-мазмунини ва сизнинг кундалик ҳаётингизда уни қай тариқа қўллашни тушунтиришга доим тайёр. Айнан Унинг Ўзи, Муқаддас Руҳ, Муқаддас Китобнинг муаллифидир. Исо Масих, Муқаддас Руҳ «сизни барча нарсага ўргатишини» ва «барча ҳақиқатларга йўллашини» айтган. (Юҳанно 14:26, 16:13).

Муқаддас Китобни мустақил ўқиганингизда ҳам, бу ишда сизга Тангри тайинлаган устоз ёки ўқитувчилар кўмаклашаётганда ҳам сизга таълим беради. Бири иккинчисининг ўрнини босмайди – сизга униси ҳам, буниси ҳам керак.

Тангрининг Каломини ўқиб, уни ҳаётингизда қандай қилиб қўллаш тўғрисида фикрлаётганингизда, Руҳдан сизга кўмак беришни ва йўл кўрсатишини сўранг. Гўзал ибодат бундай жаранглайди: «Кўзларимни очиб юборгин, Қонунинг ажойиботларини кўрайин!» (Забур 118:18). Муқаддас Китобни мустақил равишда муваффақиятли ўрганишингиз учун қуйидагилар зарур:

- **Вақт:** Ҳар ҳафта жамоатга боришни қандай режалаштирсангиз, Муқаддас Китобни ўрганишга ҳам вақтингизни шундай режалаштиришингиз лозим. Айримлар ҳар куни оз-оздан шуғулланишни маъқул кўришади; бошқалар бунга ҳафтада бир оқшомни ажратишади. Ўзингиз учун энг қулай пайтни танланг, аммо шундан сўнг доимо шу вақтга, худди ҳар ҳафта жамоатга боришни режа қилганингиздек, риоя қилишга ҳаракат қилинг.
- **Жой:** Эътиборингизни яхшироқ жам қилишингиз мумкин жойни танланг. Имкон қадар доимо бир жойда шуғулланишга ҳаракат қилинг.
- **Усул:** Муқаддас Китобдан у ёки бу оятни таҳлил қилаётганингизда, унинг устида диққат билан ўйланг ва ўз фикрларингизни қоғозга тушинг. Ушбу оят жойлашган парчани бутунича ўқишга ҳаракат қилинг. Оятнинг умумий мазмунини ўз сўзларингиз билан ёзишга уриниб кўринг.
- **Материал:** Ўқув қўлланмасидан ташқари сиз учун албатта тўлиқ Муқаддас Китоб, яъни Таврот ва Инжил керак бўлади. Муқаддас Китобни 1-босқич («Сизнинг Масихдаги ҳаётингиз» бўлими) бўйича ўрганар экансиз, нима сабабдан Исо ҳаётингизда асосий ўрин тутиши лозимлигини тушуниб етдингиз. Аммо, шу аснода сизда: «Мен ўзим марказида Масих қарор топган Руҳ мужассам бўлган ҳаёт тарзини

кечираяпманми?» деган савол пайдо бўлиши мумкин. Жавобни сиз куйида топасиз. У беш қисмга бўлинган.

Ушбу қисмларнинг ҳар бири «Ғилдирак» тасвиридаги элементга мос келади.:

- Итоаткор масиҳий
- Худонинг Каломи сизнинг ҳаётингизда
- Худо билан суҳбат
- Масиҳ билан мулоқот
- Масиҳ тўғрисида гувоҳлик

## 1-боб

# Итоаткор масиҳий

Исо Масиҳга қалбингизни Халоскори сифатида имон келтирган пайтингиздан бошлаб Худога итоат қилиб яшаш сиз учун ҳақиқий имкониятга айланди. Муқаддас Рух сизни гуноҳдан ва ўлимдан озод қилди (бу тўғрида Римликларга 8:2 оятида айтилади) ва сизда мужассам бўлди. Айнан Муқаддас Рухгина худди Исо яшагандек яшаш учун сизга куч ато этади.

«Гап шундаки, биз нафақат Исо яшагандек яшашга интиламиз, балки Унинг Ўзи Рухи ила бизга нозил бўлиб, бизда қарор топади. Уни фақатгина намуна сифатида билиш етарли эмас, У бизга Халоскор сифатида керакдир. Бошқача айтганда, биз ўз гуноҳларимиз учун жазодан Унинг гуноҳларни ювган ўлими эвазига озод бўлишимиз мумкин, чунки бизда қарор топган Унинг Рухининг қудрати орқали гуноҳларимизнинг кучи енгиб ўтилиши мумкин».

— Жон Р. В. Стотт

Сизга оқиб кираётган қувват, Рухнинг кучи Худога итоат этишингизга ва Унинг амрига бўйсунингизга ёрдам бераётганини англаб етиб, ҳақиқий итоаткор масиҳий қандай бўлиши лозимлигини тушунишда давом этаверинг.

## Итоаткорликнинг асоси

Тангрига итоаткорликнинг мазмуни ҳақида ўйга чумганингизда, Унинг Ўзи кимлиги ва сиз учун нималар исташини ёдга олинг.

1. Қуйидаги оятлар Тангри тўғрисида сизга нималарни хабар беради?

а. 1-Юҳанно 4:16 \_\_\_\_\_

---

---

---

б. Ваҳий 4:11 \_\_\_\_\_

---

---

---

в. Булар Тангрига итоаткорлигингизга қандай таъсир этади?

---

---

---

2. Қонунни қайтариш 10:12,13 оятларини ўқинг

а. Тангри Исроил халқидан нималарни талаб этади?

---

---

---

б. Тангри нима сабабдан Исроил халқи шу қоидаларга амал қилишини истайди?

---

---

---

в. Буларни ХХІ масиҳий кишиси ҳаётига қай даражада татбиқ этса бўлади?

---

---

---

---

3. 1-Юҳанно 5:3 оятида Тангри қоидалари ҳақида нималар дейилади?

---

---

---

4. Юҳанно 14:15,21 оятлари устида фикр юритиб, Тангрига нисбатан муҳаббат ва Унга итоат этиш ўртасида қандай ўзаро боғлиқлик борлигини тушунтиринг?

---

---

---

---

---

### **Тангрига итоаткорлик**

Тангрининг сизга нисбатан иноятлари тўғрисида қандай билиш мумкин?  
Тангри Ўз ҳақиқатларини бизга Муқаддас Китобда очиб беради. Тангрининг Каломига итоат Унинг Ўзига итоат демакдир.

5. 118- санода гап Тангри Каломининг муҳим аҳамияти тўғрисида бормоқда. Муқаддас Китоб сизга Исо учун ҳаёт кечиришингизга қай тариқа ёрдам бериши мумкинлигини бир неча усулини айтиб беринг.

11-оят \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

105-оят \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

130-оят \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

6. Павлус 2- Тимўтийга мактубининг 3:16 оятида, Тангрининг каломи қуйидагилар учун фойдали деб айтади:

а. \_\_\_\_\_ нимага ишониш ва нима қилиш

б. \_\_\_\_\_ гуноҳни фарқлаш

в. \_\_\_\_\_ яхши томонга ўзгариш

г. \_\_\_\_\_ қай тарзда яшаш


Буни куйидаги тарзда кўрсатиш мумкин:

**ЎРГАТИШ**

Борадиган йўлимизни кўрсатади

**ҲАҚ ЙЎЛГА ЙЎЛЛАШ**

Бу йўлдан қандай боришни кўрсатади



7. Матто 7:24-27 оятларида Исо икки турдаги инсонларни тасвирлайди: фаросатли ва фаросатсиз. Шу жойни ўқинг ва куйидаги саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинг:

	Фаросатли инсон	Фаросатсиз инсон
Уй қандай пойдеворда барпо этилганди?	_____	_____
Ҳар иккала уй қандай табиат ходисалари таъсирига учради?	_____	_____
Натижаси қандай бўлди?	_____	_____
Улар Тангрининг каломини қандай тинглашганди?	_____	_____
Бу икки киши бир-биридан нимаси билан фарқланарди?	_____	_____
	_____	_____
	_____	_____
	_____	_____
	_____	_____



8. Муқаддас Китобни мутолаа қила бориб, сиз, балки, кейинги пайтда ҳаётингизнинг бирон соҳасида ҳақ йўлда четлашганингизни ва Тангрига итоаткорроқ бўлиш зарурлигини англаб етгандирсиз. Шундай бўлса, айнан қайси соҳада хатога йўл қўйдингиз? \_\_\_\_\_

---

---

---

---

"Тангрига фойдали бўлиш, Унинг амрини қабул қилиш ва Муқаддас Руҳ ила йўғрилган ҳаёт кечириш учун дастлаб Унга итоаткор бўлиш керакдир. "

— Жон Ж. Митчелл

## Тангрига итоаткорликда изчиллик

### *Тангрининг меҳрибонлиги*

Тангри, сиз ўз кучингизга таяниб, Унга итоат ила ҳаёт кечиришингизни кутиб ўтирмайди. Бундай ҳаёт кечиришингизга Унинг Ўзи кўмак беради.

9. Ҳар бир иймонли инсонда ким истиқомат қилади?

1-Коринфликларга 3:16 \_\_\_\_\_

2- Коринфликларга 6:16 \_\_\_\_\_

Галатияликларга 2:20 \_\_\_\_\_

10. Масиҳийлар бу дунёда ўз душманини енга олишига сабаб нима?

1Юҳанно4:4 \_\_\_\_\_

---

---

11. Худо Унинг учун яшашимизга ёрдам кўрсатиш учун нималарни берди, Унинг учун яшашга ёрдамлашимиз учун Худо яна нималарни берди? (Ҳар бир ҳавола тўғрисида унга тегишли ҳарфни ёзинг).

2- Тимўтийга 1:7

а. «Ҳаёт кечириш ва тақво учун лозим бўлган барча нарсаларни»

2- Бутрус 1:3

б. Ўз Сўзини

Римликларга 15:4

в. Куч-қувват, муҳаббат ва нафсни тийиш руҳини

### **Муносабатингиз**

Тангри Унга итоаткор бўлишингиз учун сизни барча зарур нарсалар билан таъминлаган бўлсада, энг муҳими сизнинг унга нисбатан шахсий муносабатингиздир.

12. Қандай муносабат ила сиз Тангрига итоаткор бўлишингиз мумкин?

Қонунни қайтариш 26:16 \_\_\_\_\_

Забур 39:9 \_\_\_\_\_

Луқо 8:15 \_\_\_\_\_

## Тангрига қай тарзда бўйсуниб яшаш керак?

Итоаткор масихий ҳар қуни гуноҳ ва васвасалар билан курашиб яшашга мажбур. Гуноҳларингизни енгиб, Тангрига бўйсуниб хотиржам ҳаёт кечиришга кучингиз етгизми? Келинг, қуйидаги масалаларни кўриб чиқайлик: васваса, гуноҳ, айбни тан олиш ва ғалаба.

13. Қуйидаги оятларда айтилган васвасаларнинг манбаи ва сабабларини айтиб беринг:

а. Васваса қилувчи ким? *Матто 4:1-3* \_\_\_\_\_

б. Ким ҳеч қачон васваса манбаи бўлмайди? *Ёқуб 1:13* \_\_\_\_\_

в. Сизни васвасага нима тортиб кетади? *Ёқуб 1:14* \_\_\_\_\_

---

---

---

---

(*Ҳирс* – тақикланган нарсага ҳаддан ташқари йўналган кучли ҳошиш-истакдир)

14. Ёшуа китобида 7:20-21 оятларда Ахан ўзининг итоатсизлиги сабаби тўғрисида нималар дейиши ҳақида ўқинг.

а. Уни итоатсизликка нима даъват этди? \_\_\_\_\_

---

---

---

---

б. У қай пайтда гуноҳининг олдини олиши мумкин эди? \_\_\_\_\_

---

---

---

---

в. У йўл қўйган хатодан биз қандай сабоқ олишимиз мумкин? \_\_\_\_\_

---

---

---

---

15. Қуйидаги оятлар асосида гуноҳнинг қисқача таърифини беринг. *Ишаё 53:6, Ёқуб 4:17, 1-Юҳанно 3:4* \_\_\_\_\_

---

---

---

---

---

---

Гуноҳнинг васвасадан фарқи нимада?

---

---

---

---

---

---

16. 1-Коринфликларга 10:13 оятини кўриб чиқинг.

а. Сиз учраётган васвасалар бошқалар кураш олиб бораётган васвасалардан фарқланадими? Балки, сизга учраганларини енгиб ўтиш қийинроқдир?

---

---

---

б. Худо васвасани қандай чеклайди? \_\_\_\_\_

---

---

---

в. Васваса пайтида Худо сизга нима ато этади? \_\_\_\_\_

---

---

---

г. Биз даъво қилаётган ваъда шундан иборатдир. Сиз мазкур оятни 1-босқичдаёқ ёд олгандингиз, у ерда у «Ғалабага ишонч» деб номланган эди. У тўғрида яна бир қарра фикр юритинг. Сиз васваса пайтида ҳар доим Унга мурожаат этишингиз мумкин. У сизга курашиш учун қаердан куч олишни эслатади..

Худо бизга ғалаба ва озодликни таклиф этса ҳам, инсонлар Худо ато этган нарсалардан кўпинча бош тортганлари учун гуноҳ содир этадилар. Инсонни ўзи англаб етадиган, аммо Тангрининг олдида тавба қилишни истамаган гуноҳ Уни хафа қилади. Шу тариқа, Худонинг инсонга муҳаббати аввалгидек қолсада, уларнинг ўртасидаги муносабатларда ёриқ пайдо бўлади.

17. Юҳанно ўзининг 1-номасида (Юҳанно 1:19) сиз қандай ҳаракат қилишингиз кераклигини айтади... (Жавобингизни тўғрилигини текширинг)

- \_\_\_\_\_ содир этган гуноҳингиз учун афсус чекишингиз
- \_\_\_\_\_ уни бирон йўл билан ювиш
- \_\_\_\_\_ Худонинг олдида унинг учун тавба қилиш
- \_\_\_\_\_ бу гуноҳни унутишга ҳаракат қилиш

Бу нима учун шунчалик муҳим?

---

---

---

*"Худо сендан олисда туюлса, қай бирингиз йироқлаб кетганингизни англаб етасанми?"*

18. 31:5-Санода Довуд ибодат қилиб, ўз гуноҳларига тавба қилади. Ушбу оятнинг мазмунини ўз сўзингиз билан айтиб беринг.

---

---

---

---


---

---

---

---

Сизнинг ғолибона ҳаётингиз қуйидаги чизма билан тасвирланиши мумкин:



19. Қайси амалий усуллар васвасадан халос бўлиш имконини беради? *Ҳикматлар 4:13-15*

---

---

---

---

---

---

---

---

20. Ёқубнинг айтишича, ғалаба қозониш учун сиз қандай йўл тутишингиз лозим? *Ёқуб 4:7*

---

---

---

---

---

---

---

---

ХУДОНИНГ ҲУЗУРИДА БЎЙСУНИШ УЧУН, сиз Ўз иродангизни Худонинг иродасига бўйсундиришингиз керак.

ИБЛИСГА ҚАРШИ ТУРИШ УЧУН, Худо ғалаба қозонишингиз учун сизга ато этган нарсалардан фойдаланинг.

21. Гуноҳ ва васваса тўғрисидаги масалалар, эҳтимол, сиз ҳаётингизда ҳар куни тўқнаш келадиган кундалик муаммолар ва низоларни ёдингизга солар.

а. 8-масалани яна бир бор кўриб чиқинг. Кўриб чиқиладиган соҳадаги асосий муаммони аниқланг.

---

---

---

---

---

б. Худонинг Сўзидан чиқиш васвасаси бу соҳада қандай намоён бўла бошлайди?

---

---

---

---

---

---

---

в. Шундай бўлмаслиги учун қандай йўл тутишингиз керак? \_\_\_\_\_

---

---

---

---

---

«Илоҳий Рух амри билан яшанглар, шунда табиатингиздаги ёмон эҳтирослар жунбишга келмайди». — Галатияликларга 5:16.

### ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ

Сизнинг Худога бўлган итоатингиз У сизнинг Яратувчингиз, сиз эса Унинг ижоди эканлигингизга асосланган. Унинг кимлигини билганингиз учун сиз Унга итоат этасиз. Сизнинг руҳоний бардамлигингиз Худога итоат қилиб яшашингизга боғлиқ, чунки Худо сизни жуда яхши кўради. Ўзи белгилаган қоида ва меъёрларни Ўзининг Каломи орқали бизга маълум қилади. Худо сизга ғалаба қозонишингиз учун ато этаётган нарсаларни қабул қилишингиздан сизнинг қанчалик итоаткорлигингиз маълум бўлади. Шундай бўлсада, сиз гуноҳ васвасасидан ҳимоялангансиз деб бўлмайди. Гуноҳ Худонинг сизга бўлган муҳаббатини йўқотмасада, аммо ораларингизда мавжуд муносабатлар яқинлиги гуноҳ сабабли кучсизланади. Англаб етилган гуноҳда тавба қилиш – Тангри билан мулоқотни тиклашдир.

# ХУДОНИНГ КАЛОМИ СИЗНИНГ ҲАЁТИНГИЗДА

Маълумки, хужумда ҳам, ҳимояланганда ҳам қиличдан фойдалана билиш лозим. Худо руҳоний курашда иштирок этишимиз учун бизни ғаройиб кучга эга қурол билан қуроллантирган: «Худо Каломни бўлган Руҳнинг қиличини кўтаринглар» (Эфесликларга 6:17). Муқаддас Руҳ Худо мўлжаллаган ишни бажариш учун Худонинг Каломидан фойдаланади.

"Руҳан чанқоқ кишиларнинг кундалик улкан эҳтиёжи икки турлидир: биринчидан, Муқаддас Китобни билиш зарурати, чунки Тангри бизни хабардор қилишни ихтиёр этган халоскор ҳақиқатнинг ягона манбасидир; иккинчидан эса, Руҳ ила маърифатли бўлишга интилиш, чунки Унинг ёрдамисиз биз Муқаддас Китобни тушуниб етмаймиз". — А. В. Тозер

## Худонинг Каломи – Унинг сен ила мулоқот қилиш усулидир

Муқаддас Китоб — инсоният тарихи мобайнида ёзилган китобларнинг энг ажойибидир. Уни турли мамлакатлардан бўлган турли касб-корли 40 киши ёзишган. Улар уч турли: қадимги яҳудий, оромий ва юнон тилларида ёзишган. Бир ярим минг йил мобайнида. Шунга қарамасдан, Муқаддас Китобнинг барча китоблари битта буюк мавзу ва бир улкан шахс – Исо Масих билан бирлашгандир. Бунинг барчаси Муқаддас Китоб олий Худонинг Каломи эканлиги сабабли мумкин бўлди.

1. 2-Тимўтийга 3:16 оятида Муқаддас Китоб тўғрисида нима дейилган? (Тўғри жавобни танланг).
  - а. Муқаддас Китобнинг айрим қисмлари Худо томонидан илҳомланган.
  - б. Бутун Муқаддас Китоб Худонинг илҳомидан.
  - в. Фақат бизнинг эътиборимизни тортадиган Муқаддас Китобнинг қисмларигина Худо томонидан илҳомланган.

«Худо илҳомлантирган» сўзларнинг маъносини, Худо Муқаддас Китобни ёзган кишиларга ёхуд улар ёзган сатрларга, уларнинг асарларига ўзига хос хусусият бағишлаш учун Ўз нафасини уфурган, деган маънода тушунмаслик керак. Инсонлар ёзган сатрларда Худо Ўзи истаган нарсаларни ифодалаган. У инсонлар орқали сўзлаган. Инсонлар Унинг вакиллари эди». — Жон Р. В. Стотт

2. Худонинг Каломни қай тариқа нозил бўлган? 2-Бутрус 1:20,21 \_\_\_\_\_

---



---



---

Демак-ки, Муқаддас Китобни тушунишда бизга ким ёрдам беради? *1-Коринфликларга 2:12,13*

---



---

3. Қуйидаги оятларда Худонинг Каломи қандай тавсифланади?

*Матто 24:35* \_\_\_\_\_

---



---

*Юҳанно 17:17* \_\_\_\_\_

---



---

*Ибронийларга 4:12* \_\_\_\_\_

---




---

4. Забур 18:7-11 оятининг мазмунига тушуниб, диққат билан ўқинг. Ушбу оятларнинг маъносига етишгандан сўнг қуйидаги жадвални тўлдириг (балки, ҳар бир оят бўйича барча саволларга жавоб топа олмассиз).

<b>ОЯТ</b>	<b>МУҚАДДАС КИТОБ ҚАНДАЙ АТАЛАДИ</b>	<b>УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ</b>	<b>У МЕНГА ҚАНДАЙ ТАЪСИР ЭТАДИ</b>
<b>7</b>	<i>Қонун, мақом, низомлар</i>	<i>Шўмиқ ишончга лойиқ</i>	<i>Қалбимни мустаҳкамлайди, донолик бахи этади</i>
<b>8</b>			
<b>9</b>			
<b>10</b>			
<b>11</b>			

Юқоридаги оятларни ўқиганингиздан сўнг сизни айниқса тўлқинлантирган Муқаддас Китоб тўғрисидаги икки-учта фикрни ушбу жадвалда қайд қилинг.

**МУҚАДДАС КИТОБНИНГ МУНДАРИЖАСИГА НАЗАР ( 66 ТА КИТОБ)**

<b>ҚАДИМГИ АҲД (39 ТА КИТОБ)</b>		<b>«Янгиси Қадимгида яширилган, Қадимгиси Янгида очилади»</b>		<b>ЯНГИ АҲД (27 ТА КИТОБ)</b>		
<p><b>Тарих</b> 17 та китоб</p> <p><b>Қонун</b> 1. Ибтидо 2. Чиқиш 3. Амрлар 4. Саҳрода 5. Қонунни қайтариш</p> <p><b>Тарих ва ҳокимлар</b> 1. Ёшуа 2. Ҳакамлар 3. Рут 4. Шоҳлар 1-китоб 5. Шоҳлар 2-китоб 6. Шоҳлар 3-китоб 7. Шоҳлар 4-китоб 8. 1-Солнома 9. 2-Солнома 10. Изро 11. Наҳамиё 12. Эстер</p>	<p><b>Назм</b> 5 та китоб</p> <p>1. Айюб 2. Забур 3. Сулаймоннинг ҳикматлари 4. Воиз 5. Сулаймоннинг Илоҳий кўшиғи</p>	<p><b>Башоратлар</b> 17 та китоб</p> <p><b>Катта пайғамбарлар</b> 1. Ишаё 2. Ермиёху 3. Ермиёхунинг марсияси 4. Ҳизкиё 5. Дониёл</p> <p><b>Кичик пайғамбарлар</b> 1. Ҳўшийё 2. Ёхил 3. Омус 4. Обадие 5. Юнус 6. Мико 7. Ноҳум 8. Ҳабокқук 9. Сафаниё 10. Ҳаккай 11. Закариё 12. Малакиё</p>	 <p>Кўхна Аҳд Исонинг хочда қурбон бўлишини кутиб қолади.</p> <p>Янги Аҳд Исонинг хочда қурбон бўлишига асосланади.</p> <p>Кўхна ва Янги Аҳдларни 400 йилга яқин вақт ажратиб туради</p>	<p><b>Тарих</b> 5 та китоб</p> <p><b>Инжил (Хушхабар)</b> 1. Маттодан 2. Маркдан 3. Луқодан 4. Юҳаннодан  5. Ҳаворийларнинг фаолияти</p>	<p><b>Таълимот</b> 21 та китоб</p> <p><b>Ҳаворий Павлуснинг мактублари</b> 1. Римликларга мактуб 2. 1-Коринфликларга 3. 2-Коринфликларга 4. Галатияликларга 5. Эфесликларга 6. Филиппиликларга 7. Колосаликларга 8. 1-Салоникаликларга 9. 2-Салоникаликларга 10. 1-Тимўтийга 11. 2-Тимўтийга 12. Титусга 13. Филимўнга</p> <p><b>Бошқа мактублар</b> 1. Ибронийларга 2. Ёқубнинг мактуби 3. 1-Бутруснинг 4. 2-Бутруснинг 5. 1-Юҳаннонинг 6. 2-Юҳаннонинг 7. 3-Юҳаннонинг 8. Яҳудонинг мактуби</p>	<p><b>Башоратлар</b> 1 та китоб</p> <p>1. Ваҳий</p>
<p>Муқаддас Китобни ёзиш учун Худо 1500 йилдан ортиқ давр мобайнида 40 нафар турли инсонлардан фойдаланди (И.Т.гача 1400 й.- И.Т.дан сўнг 90 й.) 2- Бутрус 1:20-21</p>						



## Муқаддас Китоб сизга қандай кўмак беради

5. Қуйидаги оятларни кўриб чиқинг ва Муқаддас Китоб масиҳий сифатида сиз учун нима сабабдан муҳимлиги тўғрисида хулоса қилинг.

Ермиёху 15:16 \_\_\_\_\_

Юҳанно

5:39 \_\_\_\_\_

2-Бутрус 1:4 \_\_\_\_\_

1- Юҳанно 2:1 \_\_\_\_\_

6. Аналогия деганда бир объектни бандма-банд бошқа, унга ўхшаш объект билан таққосланишига айтилади. Худонинг Радоми қуйидаги оятларда нима билан солиштирилади? Бундан мақсад нима?

**ТАҚҚОСЛАШ**

**МАҚСАД**

Ермиёху 23:29 \_\_\_\_\_

Юҳанно 4:4 \_\_\_\_\_

Ёқуб 1:23-25 \_\_\_\_\_

## Сизнинг масъулиятингиз

7. Сано 118 ни ўқиб туриб, унинг деярли барча оятларида Худонинг Каломи (Худонинг қонуни ва қоидалари), каттагина қисмида эса, уларни бизнинг ҳаётимизда амалий қўллаш ҳақида гап боришини кўришимиз мумкин. Забур куйловчисининг Худонинг Каломига муносабатига ва уни ўз ҳаётида қай тариқа рўёбга чиқаришига эътибор беринг. 9-оятдан бошлаб қуйидаги жадвални тўлдиринг.

ОЯТ	МУНОСАБАТ	ҲАРАКАТГА ҚУЛЛАНМА
9		<i>Худонинг Каломини маҳкам тутиб, соф ҳаёт ила яшаи</i>
10	<i>Бутун қалбим ила Сени излайман</i>	<i>Ибодат: «Амрларингдан бош тортишимга йўл қўйма!»</i>
11		<i>Унинг Сўзи қалбимда пинҳондир</i>
12		<i>Худодан ўзига таълим беришини сўрайди</i>
13		
14		
15		
16		

8. Исонинг Сўзлари бўйича, Унинг шогирдларини қандай тавсифлаш мумкин?  
*Юҳанно 8:31*

---



---

Буни бошқа кишига қандай тушунтирардингиз? \_\_\_\_\_

---



---

9. Қуйидаги оятлардан фойдаланиб, жадвални тўлдилинг.

ОЯТЛАР	ҚАНДАЙ ҲАРАКАТ ҚИЛИШ ЛОЗИМ	НЕГА
Забур 77:5-7	<i>Бошқа кишиларга Унинг сўзини таълим бериш</i>	
Ҳаворийлар 17:11		Уларга ўқитилган нарсаларни Муқаддас Китоб бўйича текшириш
Ёқуб 1:22		
Ваҳий 1:3		

10. Изро Худонинг Каломини ўрганиш ва бажаришга ўта масъулият билан ёндошган инсоннинг ажойиб намунаси дир. Бу нималарда ўз ифодасини топган? *Изро 7:10*

---



---



---






---



---

Изро ҳаракатларидаги тартибга эътиборингизни қаратинг. Бошқаларга Муқаддас Китобни таълим беришдан аввал у дастлаб ўз ҳаётида унга амал қилишга интилади.



МУҚАДДАС КИТОБ

ИЗРО

БОШҚАЛАР

11. Колосаликларга 3:16 ояти устида диққат билан фикр юритинг.

а. Исонинг «сизда чуқур ўрнашиб, яшнайверсин...» деган сўзлари амалга ошиши учун қандай амалий қадамлар қўйишингиз мумкин? (Масалан: тафсир адабиётларини мутолаа қилиш, ёд олиш учун оятларни кўчириб ёзиш)

---

---

---

---

---

---

---

б. Уларни сизнингча энг самарали тартибда рақамлаб чиқинг.


в. Дастлабки иккита энг самарали усулни кейинги ҳафта мобайнида сиз амалда қандай қўллашингиз мумкин?

---

---

---

---



Тангрининг Каломини англаб, уни эгаллашга сизга ёрдам берадиган Муқаддас Ёзувни ўзлаштиришнинг ушбу усуллари сиз, эҳтимол, ўзингиз учун кашф этиб бўлгандирсиз.

## Фикр юритишнинг муҳимлиги

Муқаддас Ёзув устида фикр юритиш – унинг мазмунини тушуниб етиш ва амалда қўллаш мақсадида ибодат қилиб фикр юритишдир. Бу ҳаётингизни Тангрининг иродаси билан мувофиқлаштиришингиз учун зарурдир.

12. Ёшуа 1:8 оятини ўқинг ва қуйидаги саволларга жавоб беринг:

а. Сиз нималар устида фикр юритишингиз лозим? \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

б. Фикрлаш ва фикр юритганларингизни амалда қўллаш ўртасидаги ўзаро боғлиқликни қисқача тавсифланг? \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

в. Фикр юритишингиз натижалари қандай бўлди? \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

13. Забур 1 устида фикр юритинг. Сизга келган фикрларни ёзиб қўйинг. Бошлаб олишингизга ёрдам сифатида бир нечта савол келтирамиз. Масиҳий қайси маънода дарахтга қиёсланади? Худони эъзозлаган инсон билан имонсиз инсон одатлари, ҳаётдаги муҳим ўрни ва келажаги жиҳатидан қандай фаркланади? Мазкур Санодан сиз қандай янги ғоялар олдингиз (Улар Худо билан ўзаро муносабатларингизга қандай ёрдам қилиши мумкин)?

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

2 ва 3 оятларга оддий сурат чизинг.

## **ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ**

Худо инсон билан Ўзининг Каломи – Муқаддас Китоб орқали мулоқот қилади. Муқаддас Китоб – имон ва хулқимизга доир барча масалалар бўйича энг сўнги ва обрўли манбадир. Муқаддас Китоб ёрдамида сиз Худони яхшироқ таниб олишингиз, сиздан ва сизнинг ҳаётингиздан У нималарни кутаётганини яхшироқ тушуниб етишингиз, Унинг учун ҳаёт кечириш тўғрисида кўплаб янги нарсаларни билиб олишингиз мумкин. Худо имон келтирганларга, Унинг Каломи уларнинг қалбларида бутун Ўзининг бойлиги билан ўрнашинини амр этади. Шу сабабли Унинг Каломи ҳаётингизни тўлдиришига бутун қалбингиз билан имкон беришингиз зарур. Худо Ўзининг Каломи устида фикр юритиш заруратини айниқса таъкидлаб ўтади, чунки ҳаётингизда унга қанчалик жиддий амал қилишингиз айнан Унинг Каломи устида фикрингизни чуқурлигига боғлиқдир. Буларнинг барчаси нафақат Муқаддас Китоб мазмунига кириб боришингизга, балки Муқаддас Китобнинг ҳам сизнинг қалбингизга киришига имкон беради.

# Худо билан суҳбат

Мулоқот ўзаро муносабатларни чуқурлаштириш учун зарурдир. Ибодат қилсангиз, Муқаддас Рух нималарни ва қандай гапириш лозимлигини сизга айтиб туради. (Римликларга 8:26,27).

"Ибодат чоғида Рух Ўзини биз ила боғлайди ва Ўз илтижоларини бизнинг илтижомизга қўшади. Биз ибодат усулларини эгаллашга ва унинг фалсафасини англаб етишга қодирмиз; биз ибодатга доир ваъданинг ростлиги ва қимматлилигига чексиз ишонишимиз мумкин. Бизнинг илтижомиз жуда ҳам жиддий бўлиши мумкин, биз ибодатда Муқаддас Рухнинг аҳамиятини тушуниб етмас эканмиз, унинг «асосий сири»ни англамаймиз.

— Дж. Освальд Сандерс

## Ибодат Худо билан суҳбатингиздир

1. Масих билан мулоқот қилувчи имон келтирган киши сифатида сизга зўр имконият берилган. У нимадан иборат ва бундай имконият сизга нима учун берилган? *Ибронийларга 4:16*

---



---



---

2. Худо ҳар бир имон келтирган инсонга паноҳгоҳ бўлгани сабабли, Забур 61:9 да бизга нималарни қилиш буюрилган?

---



---



---



---

Ушбу оят 1-Салоникаликларга 1:17 ояти билан қандай боғлиқ?

---



---



---

3. Миямизга келаётган турли-туман фикрларни Худога баён этиш учун ибодатнинг ҳам ҳар хил шакллари мавжуд. Қуйида келтирилаётган ибодат турлари ва тегишли мурожаатлардан жуфтликлар ҳосил қилинг.

Ҳамду-сано ибодати (Худонинг Зотига)	Забур 37:1
Шукрона ибодат (Унинг бизга ато этаётган неъматлари учун)	Ёқуб 1:5
Ўз гуноҳларини тан олиш ибодати	Ибронийларга 13:15
Ўзгалар учун ибодат	Эфесликларга 5:20
Шахсий эҳтиёжлар ҳақида ибодат	1-Шоҳлик 12:2

"Бугун ер юзидаги энг буюк инсонлар – ибодат қилаётган инсонлардир. Мен ибодат тўғрисида гапирувчиларни, унинг маъно ва мазмунини тушунтирувчиларни эмас, ўзлари ибодат қилаётганларни назарда тутмоқдаман. Кўпчилигимизнинг бунга вақтимиз етмайди. Уни бошқа нарсалардан узишга тўғри келади. Шу бошқа нарсалар ҳам, дарҳақиқат, ҳозир биз учун муҳим ва кечиктириб бўлмасдир, лекин барибир, улар ибодатга нисбатан муҳимроқ ва кечиктирадиган даражада эмас".

— С. Д. Гордон

## Ибодатнинг фойдаси

Масиҳий инсон учун барча нарса тўғрисида Худо билан гаплашиш – нафақат буюк шараф, балки Худо билан мулоқотдан келадиган улкан фойдани туюш имкониятидир.

4. Ермиёху 33:3 ва Эфесликларга 3:20 оятларида қандай ҳақиқатлар очилади?

---

---

---

5. Ўзининг ибодати натижасида Забур куйловчиси нималарни бошидан кечирди?  
Забур 33:5

---

---

Тангри билан қандай хавф ва қўрқинчларимизни ўртоқлашишимиз мумкин?

---

---

---

6. Филиппиликларга 4:6,7 оятида ҳаворий Павлус ғулғула ва кераксиз хавотирдан халос бўлишнинг қудратли воситасини очиб беради.

а. Биз нима қилишимиз лозим?

---

---

б. Худони ҳаётимизнинг ҳар жабҳасига қизиқишига сабаб нимада деб ўйлайсиз?

---

---

---

---

в. Худо нималарни ваъда беради?

---

---

г. Мазкур ҳақиқатни шу бугуноқ ҳаётингизни қайси соҳасида қўллашингиз мумкин?

---

---

---

---

"Сен Подшоҳнинг олдига келасан. Илтижоларинг ҳам сен билан бирга. Улар кўп, аммо Унинг меҳрибонлиги ва кучи шу даражадаки, Унинг учун ҳеч қачон «жуда кўп» бўлмайди!" — Джон Ньютон

## Ибодатнинг шартлари

7. Қуйидаги оятларда ибодатнинг қайси шартлари баён этилади.?

*Забур 65:18* \_\_\_\_\_

*Матто 21:22* \_\_\_\_\_

*Юҳанно 15:7* \_\_\_\_\_

*Юҳанно 16:24* \_\_\_\_\_

*1- Юҳанно 5:14,15* \_\_\_\_\_

Айрим пайт, ибодат қилиш учун, гўёки, барча шартлар бажарилган бўлса-да, Худо ибодатга жавоб бермайдигандек туюлади. Аммо, «Йўқ» ёхуд «Сабр қил» дегани ҳам жавоб сифатида «Ҳа» дан кам эмаслигини унутманг.

8. Матто 6:9-13 оятидаги Исонинг ибодатига диққат билан разм солинг.

а. У қандай бошланади? Бу нима учун муҳим? \_\_\_\_\_

---

---

---

---

б. Қайси илтижолар Худога қаратилган? \_\_\_\_\_

---

---

---

---

в. Қайси илтимослар инсонларга мўлжалланган?

---

---

---

---

г. Ушбу ибодат намуна сифатида ўз ибодатингизни тузиш учун сизга қай тарика ёрдам бериши мумкин?

---

---

---



---

---

---

## Сиз ким ҳақида ибодат қилмоқчисиз?

9. Исони билмаганларга Павлус нималарни истаган? *Римликларга 10:1* \_\_\_\_\_

---

---

---

Шу истагини бажариш учун у нималар қилган? \_\_\_\_\_

---

---

---

10. 1-Тимўтийга 2:1-4 оятини ўқинг. Инсонларнинг қайси тоифалари учун ибодат қилишимиз зарур? Нима сабабдан?

---

---

---

---

---

---

11. Худо бизнинг нималар тўғрисида ибодат қилишимизни истайди? *Матто 9:37, 38*

---

---

---

---

---

Бу нима учун муҳим деб ўйлайсиз? \_\_\_\_\_

---

---

---

---

12. Кимдир сизга қасддан ёмон муомала қилса қандай жавоб берасиз?

Сизнинг фикрингизга мос келувчи жавобни белгиланг ёки сўнги қаторда ўз жавобингизни ёзинг.

- \_\_\_\_\_ Шу инсондан жаҳлингиз чиқади
- \_\_\_\_\_ Ундан қандай ўч олишни ўйлайсиз
- \_\_\_\_\_ уни авф этасиз ва сизга етказган зулмини унутишга ҳаракат қиласиз
- \_\_\_\_\_ У ҳақида ибодат қиласиз
- \_\_\_\_\_ Авф этасиз, аммо унутмайсиз

Луқо 6:28 оятини диққат билан ўқинг ва тўғри жавобни қайд этинг.

13. Павлуснинг ибодатига амал қилиб, ўзингиз ибодат қилишингиз мумкин бўлган бошқалар ва ўзингизга доир бир неча илтижоларни санаб беринг. *Эфесликларга 3:14-21*

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

---

"Биз тегишлича рухий ҳолатда бўлган пайтимизда ибодат қилишимиз лозим, чунки бундай ажойиб имкониятдан фойдаланмаслик гуноҳдир. Ибодат қилишга ҳеч бир истагимиз бўлмаган пайтда ҳам ибодат қилишимиз лозим, сабаби, бундай носоғлом ҳолатда қолиш хавфлидир".  
— Чарльз Х. Спержен

Илтижолар ва ибодатларингизга жавоблар рўйхатидан фойдаланасизми? Бу рўйхат унутишингиз мумкин бўлган нарсаларни ҳаёдан қочирмасликка ёрдам беради. Унга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- оила аъзолари
- ўртоқларингиз ва масиҳий бўлмаган танишларингиз
- жамоатингиз бошқарувчиси ва жамоатнинг ўзи
- хуш-хабарчилар ва сиз билган бошқа масиҳий арбоблар
- шахсий адоватчиларингиз
- мамлакат ҳукумати
- шахсий эҳтиёжларингиз

Кўзингиз олдида сиз жавоб олган ибодатлар рўйхати бўлса, кейинги ибодатларингизда сизга куч бахш этади.

## **Худо билан кундалик мулоқот**

"Гуноҳни содир этганидан сўнг Одам Атони Худо Эрам боғида «Қаердасан?» (Ибтидо 3:9) дея қандай излаган бўлса, У шу кунгача адашган инсонларни «Қаердасизлар?» дея изламоқда. Ўша пайт тўғри бўлганлари бугун ҳам тўғридир. Сен учун Худонинг оиласига киришинг мумкин бўлган ўша кўприкни буюк қурбонлик бериб тиклаган. Худо сени севади ва сен билан алоқа ўрнатишни хоҳлайди. Ва ушбу алоқа Худо сенга ато этаётган, Исо Масиҳни қалбингга киришини таклиф этиб гуноҳдан халос бўлиш усулини қабул қилган пайтингдан бошланади". — "Тангри ила васл "


14. Сиз Худога қандай муносабат билан мурожаат этишингиз мумкин?

Забур 26:8 \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Забур 45:11 \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Забур 62:2 \_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Қуйидаги суратда қайси ҳақиқатлар тасвирланган?



**ХУДО**

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

**МУҚАДДАС КИТОБ**

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

**ИНСОН**

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

15. Луко 10:38-42 оятини диққат билан ўқинг. Мазкур парчадан Масих билан вақтингизни қандай ўтказишингизга доир бир неча муҳим хулосалар чиқаришингиз мумкин.

а. Марям ва Мартанинг ҳаракатларини солиштиринг.

МАРЯМ

МАРТА

_____	_____
_____	_____
_____	_____
_____	_____
_____	_____

б. Исо опа-сингиллардан қайси бирини мақтади ва нима сабабдан? \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

в. Марта каби сиз ҳам кўплаб ишлар билан банд бўлишингиз мумкин. Худо билан учрашишга сизга нималар халақит бериши мумкин? \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

г. Тўсиқларни қандай енгиб ўтишингиз мумкин?

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

16. 2:7 туркумидан ўзлаштирганларингиздан келиб чиқиб, ҳар куни Худо билан ёлғизликда, Унинг Каломи тўғрисида фикр юритиб ва ибодатда У билан сўзлашиб маълум вақтни ўтказишингиз лозим бўлган бир неча сабабни тушунтиринг.

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_

"Имон келтирган инсон, руҳий тажрибаси даражасидан қатъи назар, Худо билан мулоқот учун вақт топа олмаса, Унинг билан тўғри муносабатларни тутиб туришнинг имкони йўқ... Худо билан биргаликда имкон қадар кўпроқ вақтингизни ўтказинг; бошқа нарсалардан воз кечинг – аммо Тангри билан мулоқотдан эмас".

— Освальд Чемберс

## **ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ**

Худо ибодатни бизга Унинг билан мулоқот воситаси сифатида белгилаган. Энг Улуғ Олийруҳоний ва Шафоатчи бўлган Исо барча масиҳийларга "рахмат тахтига дадиллик ила бош қўйиш» имконини берди. Ибодат, ҳамд, шукрона, тавба, шафоат ва илтижо каби турли-туман шаклларда баён этилиши мумкин. Аммо бу шаклларнинг ҳар бири бизга Худога яқинроқ бўлишга имкон беради. Икки томонлама мулоқот имкони берилган экан, бунга безътибор бўлманг. Худо сиз билан мулоқот қилишни истайди, сиз учун эса имонингизнинг доимий ортиши ва Тангри билан дўстлигингиз мустаҳкамланиши зарурдир. Шу сабабли Тангри билан мунтазам яқка қолиш шу муносабатлар учун ҳаётий муҳимдир.

# Масихийлар билан мулоқот

"Жамоат Исонинг танасидир. Ҳар бир масихий ушбу тананинг бирон аъзосига мос келади, Исонинг Ўзи эса унинг бутун ҳаётий фаолиятини назорат қилувчи Бошдир. Ҳар бир аъзонинг ўз вазифаси бор, аммо, шунга қарамасдан, аъзоларнинг ҳар бири тананинг нормал, соғлом ҳолати ва тана мавжудлигининг мақсадига етишиш учун зарурдир. Бунинг устига, ушбу барча алоҳида аъзолар уларга Муқаддас Рух томонидан берилувчи ягона ҳаёт ила бирлашгандир. Айнан Унинг мавжудлиги танани бир бутун қилади".

— Джон Р. В. Стот

## Муқаддас Китобий мулоқотнинг мазмуни нимадан иборат

- 1-Юҳанно 3:1 оятини ўқинг. Агар сиз Худонинг фарзанди, У эса барчамизнинг Отамиз бўлса, бу бизнинг бошқа ишонувчилар билан ўзаро муносабатларимизда қандай намоён бўлиши керак?
- Юнон тилидаги «мулоқот» сўзи «умумий мулк» маъносини англатади. Худо сизга, бошқалар билан бўлишинингиз мумкин бўлган кўп нарсалар ато этган. Қуйида келтирилган оятларни ўрганиш асосида, амалда сиз қандай йўл тутишингизни айтинг.

НИМАЛАР БИЛАН  
БЎЛИШМОҚ

ҚАНДАЙ  
БЎЛИШМОҚ

1-Юҳанно 4:11,21 \_\_\_\_\_

Галатияликларга 6:2 \_\_\_\_\_

Галатияликларга 6:6 \_\_\_\_\_

Ёқуб 5:16 \_\_\_\_\_

*Рухоний дегани «Рухнинг ихтиёрида» деган маънони англатади*

3. Бошқалар сиз билан бўлишмоқчи бўлган нарсдан бош тортганингиз бирон воқеани эсланг. Сизнинг истамаслигингиз қандай қилиб бу уринишга ҳалақит берди?

---



---



---



---



---

Бўлишмоқ – нафақат бермоқ, балки олмоқ ҳамдир. Униси ҳам, буниси ҳам ҳақиқий мулоқотнинг ажралмас қисмидир

4. Авф этилган гуноҳкор эканлиги асосида масихийлар ягона биродарлик аъзосига айланадилар. Авф этилган, аммо барибир, гуноҳкор. Шундан келиб чиқиб, сиз хафа қилган биродарингиз олдида зиммангизда қандай масъулият бор? *Матто 5:22-24*

---



---



---



---

---

---

(Рака – ҳақорат, «хумкалла», «ахмоқ» маъносида. П.В. Вихлянцевнинг луғати)

Сизни хафа қилган инсон олдида зиммангизда қандай масъулият бор?  
*Матто 18:15,35*

---

---

---

---

Масиҳийлар уларнинг ҳаётини тўлдириб турган нарсалар билан ўзаро чин кўнгилдан бўлишишлари мумкин. Уларнинг ҳақиқатда қандай бўлсалар, шундан яхшироқ қилиб кўрсатишларига асос йўқ.

"Жамоат – номзоднинг нолойиқлиги ва паст мавқеи аъзоликнинг шарти бўлган дунёдаги ягона ҳамжамиятдир".

— Роберт Б. Мунгер

5. Қуйидаги ҳолатни тасаввур қилинг. Бир неча масиҳий хонада ўтириб, қаҳва билан ширин кулчалар тановул қилишмоқда ва спорт ҳақида суҳбатлашмоқда. Шундан сўнг улар янги латифалар айтиб, дилдан қаҳқаҳа отиб кулишгач, эртанги кун об-ҳаво маълумотини муҳокама қилишади. Уйларига тарқаш арафасида эса, кўнгли эриб: «Оҳ, масиҳийча мулоқот нақадар яхши-а!», дея хитоб қилишади.

а. Бундай масиҳийча мулоқотни ҳақиқий деб атаб бўладими? \_\_\_\_\_

б. Атаб бўлмаса, нима сабабдан?

---

---

---

в. Бу тариқа мулоқотни такомиллаштириш мумкин-ми? Қандай қилиб?

---

---

---

## Мулоқотдан мақсад

6. У нима учун муҳим?

*Ҳикматлар 27:17* \_\_\_\_\_

---

---

---

*Воиз 4:9,10* \_\_\_\_\_

---

---

---

7. Учрашган пайтларида имон келтирганлар қандай мақсадларга интилишлари керак?  
*Ибронийларга 10:24,25* \_\_\_\_\_

---

---

---

---

8. Муқаддас Китобнинг оятини ёд олиш чоғида унга мазмундош бошқа оятларни ҳам кўриб чиқиш фойдали. Бундай оятларни «маънодош жойлар» деб аташади. Масалан, Ибронийларга 3:13 ояти Ибронийларга 10:24,25 оятига параллел жойдир. Ушбу оятга мувофик, нима учун биз ҳар куни бир-биримизни кўнглимизни кўтариб, тўғри йўлга солишимиз лозим экан?

---

---

---

---

---

---

---

---

9. Мулоқот сиз учун шахсан нега муҳимлигини тушунтиринг.

---

---

---

---

---

---

---

---

## Исонинг танаси

10. Имон келтирганларнинг ўзаро ва Исо билан муносабатларини баён этишда Муқаддас Китобда тана билан ўхшашлик тушунчасидан фойдаланадилар. Ушбу тананинг боши ким ва нима сабабдан шундай? *Колосаликларга 1:18*

---

---

---

---

11. Ҳар бир имон келтирган кишига жамоат деб аталувчи шу руҳий танада ўзига хос, муҳим ўрин ажратилган. *1-Коринфликларга 12:14-27.*

а. Ушбу аъзоларга турли вазифаларни ким тақсимлаган? *18-оят*

---

---

---

б. Унинг истаги недир? *25-оят* \_\_\_\_\_

---

---

---

в. Қандай муносабат танадаги уйғунликни бузиши мумкин? *15, 16, 21-оятлар*

---

---

---

---

г. Танада ортиқча вазифалар, демак-ки, керакмас аъзолар бўлиши мумкин-ми? *20-22-оятлар* \_\_\_\_\_



---

---

12. Бармоғингизга болта билан урсангиз нима бўлади? Бутун танангиз бунга қандай жавоб беради?

---

---

---

---

Ушбу мисол рухий тана билан қай тариқа мутаносибдир? *1-Коринфликларга 12:26*

---

---

---

13. Аввал айтилганидек, тана ягона вужуддир, аммо ҳар бир аъзо ўзига хос вазифаларни бажаради. Мазкур бирлик ва турли-туманлик ўзаро қандай мувофиқлашади?

---

---

---

---

---

14. Тананинг (рухий вужуднинг) бирлигини нима сақлаб туради? *Эфесликларга 4:2,3*

---

---

---

---

15. Бошқа масиҳийларга бўлган муносабатингиз тўғрисида ўйлаб кўринг. Уларнинг орасида сиз Масиҳнинг танаси сифатида муомала қилишингиз қийин бўлган кишилар борми? Нима сабабдан?

---

---

---

---

Шу инсон билан ўзаро соғлом муносабатларни тиклаш учун қандай йўл тутишингиз мумкин?

---

---

---

---

---

"Биродарларнинг иноқ бўлиб яшаши мана, қандай яхши ва қандай соз!" – Забур 132:1
